

**Ф.ф.н. Наргис Қосимова, ф.ф.н. Назира Тошпұлатова,
Нигора Шофайзиева, Нозима Муратова**

Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма

Тошкент-2008

МУАЛЛИФЛАР: Ф.ф.н. Наргис Қосимова, ф.ф.н. Назира Тошпулатова, Нигора Шофайзиева, Нозима Муратова

Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма

МУНДАРИЖА

I қисм

Журналистиканинг умумий масалалари

I боб	Кириш Ўзбекистон	матбуоти	тариҳи.....	1
	Н.Тошпулатова.....			
II боб	Журналистика	ижтимоий	институт	сифатида..... 2
	Н.Қосимова.....			
III боб	Ахборот хавфсизлиги тушунчаси, унинг назарий ва амалий асослари..... Н.Қосимова.....			5
IV боб	Журналистика	психологияси	ва	социологияси... 9
	Н.Қосимова.....			
	Журналистикада аудиторияга	таъсир	кўрсатиш	усуллари.... 9
	Н.Қосимова.....			
	Журналистика фаолиятида социологик усулларнинг қўлланилиш йўллари ва воситалари..... Н.Қосимова.....			11
V боб	Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари....			12
	Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий принциплари...			13
	Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг Конституциявий асослари....			13
	Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонунчилик асослари.....			14

II қисм

Журналистикада жанрлар таснифи

I боб	Ахборот жанрлари.....	16
	Хабар..... Н.Қосимова.....	16
	Ҳисобот.... Қосимова.....	18
	Репортаж.....	18
	Н.Тошпулатова.....	
	Интервью..... Н.Қосимова.....	20
II боб	Таҳлилий жанрлар.....	25
	Корреспонденция..... Н.Қосимова.....	25
	Макола..... Н.Қосимова.....	26
	Такриз..... Н.Қосимова.....	27
	Шарх..... Н.Шофайзиева.....	29
	Хат..... Н.Шофайзиева.....	32
III боб	Бадиий-публицистик жанрлар..... Н.Шофайзиева.....	32

Очерк.....	33
Фельетон.....	35
Памфлет.....	36
Эссе.....	37

III қисм Журналистика йўналишлари

I боб	Интернет журналистикаси..... Н.Муратова	38
	Ахборот технологиялари ва замонавий журналистика.....	38
	Интернет журналистикаси: асосий тушунча ва тамойиллар.....	39
	Интернет- журналистикада жанрлар хилма-хилиги.....	47
II боб	Фотожурналистика..... Н.Шофайзиева	51
III боб	Журналист суриштируви..... Н.Қосимова	54
IV боб	Болалар нашрларига материал тайёрлаш. Н.Қосимова	56

IV қисм Тахририят ишини ташкил қилиш Н.Қосимова

I боб	Медиабизнес асослари.....	57
	Тахририят менежменти – мақсад, шакл ва ташкилий жиҳатлари.....	58
	Тахририят менежментининг ўзига хосликлари.....	59
	Иқтисодий менежментнинг ўзига хосликлари.....	60
	Тахририят маркетинги.....	64
	Тахририятда бизнес-режалаштириш.....	65
II боб	Тахририятнинг ижодий фаолияти.....	65
III боб	Котибият фаолияти.....	68
	Хулоса	

Биринчи қисм
Журналистиканинг умумий масалалари
Биринчи боб
Ўзбекистон матбуоти тарихи

XIX асрнинг 60-70 йилларида чор Россияси томонидан босиб олинган Туркистон Оренбург генерал-губернаторлиги таркибига вилоят сифатида киритилди ва ўлкада қаттиқ ҳарбий тартибдаги бошқарув тизими ўрнатилди. Туркистонни Россияга хом ашё етказиб берувчи колония мамлакат сифатида ушлаб туриш учун ўлкада матбуотни юзага келтириш ва унинг қудратли кучидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш мухим эди. Бунинг учун фақат рус тилидагина эмас, маҳаллий халқ тилида ҳам газета ташкил қилиш ва шу орқали маҳаллий аҳолини бошқариш мўлжалланганди. Шу сабабли ўлкада газета чиқаришга биринчи навбатда моддий-техник асос, хусусан босмахона зарур эди. Шундай босмахона 1868 йилда Хивада ишга тушди. Орадан кўп ўтмай, хусусий босмахоналар ҳам юзага келди. Чунончи, 1877 йили Тошкентда, 1880 йили Самарқандда, 1882 йили Намангандада, 1887 йили Кўқонда шундай босмахоналар ташкил этилди.

Биринчи даврий нашр «Туркистанские ведомости» газетасининг 1-сони 1870 йилнинг 28 апрел (10 май)да рус тилида ҳамда унга илова тарзда «Туркистон вилоятининг газети» босилиб чиқди. Унинг асосий йўналиши колониал тузумни мустаҳкамлаш ва бу тузумни маҳаллий халқ кўз олдида яхшилаш, мактаждан иборат эди. Шундан кейин, XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб Туркистонда хусусий газета ва журнallар ҳам чоп этила бошлади. «Закаспийское обозрение» (1895-1913), «Русский Туркестан» (1898-1907), «Асхабад» (1899-1918), «Окраина» (1890-1898) газеталари «Среднеазиатский вестник» (1896-1907), «Средняя Азия» (1895-1896) журналлари чиқиб турган.

Бу даврга келиб маҳаллий зиёлилар англа бетдиларки, мустамлакачиликдан халос бўлиб, мустақилликка эришиш учун, энг аввало, маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, миллий онгни ошириш, ўзлигини англатиш лозим эди. Бунинг учун эса миллий матбуотни ташкил этиш масаласи жуда мухим эди. Бу тарихий вазифани жадидлар ўз зиммасига олдилар. Шундай қилиб, Туркистон жадидлари томонидан 1906 йилнинг 27 (14) июнида «Тараққий» номли газета чоп этила бошланди. Газета дастлабки сонлариданоқ маҳаллий аҳолига Россия империясининг моҳиятини, миллий зулм, мустамлакачилик нима эканлигини, эрк, озодлик, тараққиёт тушунчаларини англатишга ҳаракат қилди.

1906 йилнинг август ойида Тошкент жадидларининг етакчиларидан саналган Мунаввар қори ношир ва муҳаррирлигига «Хуршид» газетасини чиқаришга муваффақ бўлди. Бу туркистонлик жадидларнинг иккинчи газетаси эди. Бу газета ҳам «Тараққий» каби маҳаллий зиёлиларнинг мустақиллик, миллий озодлик ҳаракатларидан ўқувчиларни хабардор қилиб борди. Аммо кўп ўтмай ушбу вақтли нашрлар ҳукumat томонидан ёпилди.

1907 қилнинг 1 декабридан А.Авлоний муҳаррирлигига «Шухрат» деган газета чиқа бошлайди. У ҳам «Тараққий» ва «Хуршид» газеталарининг йўлидан борди. Аммо унинг ҳам 10 та сони чиққандан кейин, ҳукumat томонидан ёпилди. 1908 йилдан бошлаб чиқа бошлаган «Оссиё» газетаси бешта сондан кейин фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Фақат 1907 йилда Тошкентда чиқарилган «Тужжор» газетаси 36-сонидан кейин чиқмай қўйди. 1912 йил мартаңдан то 1913 йил январгacha Бухорода «Бухорои шариф», 1912 йил июлдан 1913 йил январгacha «Турон» газеталари чиқкан. Бу газеталар Бухоро халқининг фикрий уйғонишига хизмат қилган. Бу давр Туркистонда миллий матбуотнинг биринчи даври бўлиб асосан, маҳаллий аҳоли вакиллари газета чиқариш малакасига эга бўлдилар ва унинг қудратли кучини тушуниб етдилар.

1913 йилдан миллий матбуотнинг иккинчи даври бошланиб, унинг ҳаракатлантирувчи кучи бу жадидлар эди. Агар миллий матбуотнинг биринчи даврида вақтли нашрлар асосан Тошкент ва Бухорода чиққан бўлса, иккинчи босқичга келиб Туркистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам

ёйилди. Хусусан, Самарқанд ва Фарғонада ҳам матбуот пайдо бўлди. Шунингдек, газеталар билан бирга журналлар ҳам чиқа бошлади.

1913 йил апрель ойидан Самарқандда «Самарқанд» газетаси Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлигига чиқа бошлади. Газетанинг жами 45 сонидан кейин моддий танглик туфайли фаолияти тўхтади. 1914 йил апрель ойидан эса «Садои Туркистон» газетаси Тошкентда адвокат Убайдулла Асадуллахўжаев муҳаррирлигига чиқкан. Бу газета жадидларнинг энг обрўли газеталаридан бири даражасига кўтарилди. Газетанинг 66-сони чиққандан кейин 1915 йил апрель ойида тўхтатилди. Ушбу газета билан бир пайтда, яъни 1914 йил апрелда Қўқонда «Садои Фарғона» газетаси ҳам чоп этила бошланди. Газета ўз олдига ўлкадаги ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини халққа тушунтириш мақсадини кўйган эди ва бу вазифани имкон даражасида амалга оширган. Газетанинг жами 122 та сони чиқиб, 1915 йилда ёпилади.

Миллий матбуотнинг иккинчи даврини «Ойна» журналисиз тасаввур этиб бўлмайди. Журналнинг биринчи сони 1913 йил 20 августда Самарқандда чиқкан. Унинг муҳаррири ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий эди. Дастреб ҳафтада бир марта, кейинроқ ўн беш кунда бир марта чиқкан бу журнал тез орада ўз ўқувчиларини топди ва уларнинг севимли нашрига айланди. У фақат Самарқанд, Бухоро, умуман Туркистондагина эмас, балки Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларга ҳам этиб борди. «Ойна» журнали 1915 йил июнь ойигача фаолиятда бўлиб, жами 68 сони чиқкан. Шу йилнинг январь ойидан яна бир журнал «Ал-Ислоҳ» фаолиятини бошлаб, 1918 йилгача чоп этилди.

1917 йил Россияда монархия тузуми ағдарилгандан сўнг Туркистонда турли газета ва журналлар пайдо бўлди. Шулардан бири, бу «Нажот» газетаси бўлиб, у 1917 йилда «Туркистон вилоятининг газети» ўрнига муваққат ҳукumatнинг нашри сифатида чоп этила бошлади. Унинг ҳаммаси бўлиб 20 та сони чиқкан. Бу даврга келиб хусусий газеталар, партия ва жамиятларнинг нашрлари ҳам чиқа бошлади. Жумладан, Наманганда (1917 марта) «Фарғона саҳифаси», Тошкентда (1917 йил апрель-май ойларидан) «Фарғона нидоси», Самарқандда (1917 апрелдан) «Турон», «Шўрои ислом», «Кенгаш», «Хуррият», Қўқонда (1917 йил сентябрдан) «Эл байроғи» газеталари ҳамда Қўқонда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий муҳаррирлигига «Кенгаш», «Хуррият», кейинчалик июнь ойидан эса «Юрт» журналлари чиқа бошлади. Мазкур газета ва журналлар Туркистонда икки инқилоб орасида долзарб бўлган масалаларни кенг ёритдилар.

1917 йил 25 октябрда шўролар ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг, улар муҳолифатда бўлган барча газета ва журналларни тақиқлаб, бошқа соҳалар қаторида матбуотни ҳам ўз қўлларига олдилар ҳамда маҳаллий халқ ўртасида ўз мағкураларини тарғиб этишга хизмат қиласиган нашрларини ташкил эта бошладилар. Шундай нашрлардан бири 1918 йилда Самарқандда «Мехнаткашлар ўқи» номи билан чоп этилди. Тошкентда эса шу йили «Иштирокиён» газетаси чиқа бошлади. Шу билан бирга аста-секин турли соҳалар, ижтимоий гуруҳлар (ёшлар, болалар, ўқитувчилар, шифокорлар, фан ва маданият ходимлари ва х.к) ҳам ўз нашрларига эга бўлдилар.

Иккинчи боб Журналистика ижтимоий институт сифатида

XXI аср жаҳон ҳамжамияти томонидан “ахборот коммуникациялари асри” дея эътироф этилмоқда. Бундай шароитда билим, ахборотга эгалик ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Компьютер маданиятининг кириб келиши туфайли инсоннинг ўз устидаги ишлashingiga, ўз малакасини оширишга интилишига асосланган фикрлашнинг, билим олишнинг янги кўриниши юзага келди.

Ахборий жамиятни шакллантиришнинг илк режаси 1971 йилда Японияда компьютер техникасини тарқатиш ва жорий этиш институти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда “Ахборий жамиятни барпо этиш – 2000 йилгача мўлжалланган миллий мақсад” деб номланган. Унинг асосида япон олимни И.Масуданинг ижтимоий эволюциянинг якуний мақсади моддий тўкин-сочинлик яратилган жамият эмас, балки инсоннинг ақлий қобилият ва имкониятларининг тўла намоён этилишини таъминлайдиган жамиятни шакллантириш бўлиши керак, деган гояси

ётарди. Бунда янги ахборот технологиялари жамиятни бошқаришда ҳам асосий ролни бажаради.

Жамият ҳаётига компьютернинг кенг даражада кириб келиши фуқароларга ахборот олишга бўлган имкониятлар эшигини очиб берди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ўз фикр ва қарашларига эга бўлиш ҳамда уларни эркин баён этишга ҳақли эканлиги акс эттирилган. Ушбу ҳуқуқ ўз қарашларига содик қолишга тўсқинлик қилмаслиги, ахборот, гоя ҳамда қарашларни давлат чегараларидан қатъи назар барча воситалар билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини кафолатлади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда ҳам айнан шу фикрлар ўз аксини топган. Шундай қарашлар Ўзбекистон Конституциясида, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги, “Виждан эркинлиги тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунларда ҳам баён этилган.

Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ва ўз-ўзини бошқарувни ривожлантиришнинг йўналишларидан бири сифатида амалдаги ахборот механизмини, жумладан, оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш назарда тутилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларига хизмат қиласидан эркин мулоқот усуслари ва анъаналари бор. Улардан бири сифатида тўғридан-тўғри эфирни ҳамда Интернетдаги электрон оммавий ахборот воситаларини келтириб ўтиш мумкин.

Фуқаролик жамияти шаклланиши жараённида оммавий ахборот воситалари ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий қисмларидан бирига айланиб боради. Шу боис маълум ҳудудда яшовчи фуқароларнинг тўғридан-тўғри эфирда, электрон ва даврий босма матбуот орқали ўз фикрларини, қарашларини баён этишлари, мулоқотга, мунозарага киришишлари одатий ва доимий ҳолатдир.

Демак, бу ўринда журналистика асосий ижтимоий институт сифатида майдонга чиқиб, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ютуқ ва камчиликларини ёритиш орқали жамият ҳаётини бошқаришда фаол иштирок этади.

Журналистика жамият ҳаётининг барча соҳаларида бирдек иштирок этади. Шу боис, унинг ижтимоий институт сифатидаги ролини ҳам жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ва ғоявий, ижтимоий жараёнлардан айрича тасаввур этиб бўлмайди.

Агар бошқа айрим йўналишларда журналистиканинг ахборот бериш вазифаси биринчи ўринга қўйилмаса, ижтимоий соҳада ахборот воситаси сифатидаги роли асосий ўрин тутади. Бундан кўринадики, матбуотнинг ахборот-коммуникация роли жамият аъзолари томонидан ўз ўрни ва вазифаларини англанишига, ижтимоий тизимнинг барча элементлари келишуви ва барқарорлиги ҳамда ўзаро муносабатларига ёрдам беради¹.

Ўзаро мулоқотда таҳририятлар фақатгина ахборотларни етказиб беришда воситачи вазифасини бажаради, деганлар янглишади. Таҳририятда воқеа-ходисалар, янгиликларни танлаб, уларнинг мазмунини бузмаган ҳолда таҳрир ва таҳлил этиш ваколати мавжуд. Бундан кўринадики, хабар, мақола, репортаж ёки бошқа жанрда ёзилган материал қаҳрамонининг обрў-эътибори, келажаги, одамларнинг унга муносабати ёки жамият аъзоларида маълум бир воқеа-ходисага нисбатан шаклланадиган муносабатнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан журналистнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашувига боғлиқ бўлади. Агар у бутун жамият манфаат ва интилишларидан келиб чиқмаса, аксинча, маълум бир гурухлар манфаати нуқтаи назаридан воқеа-ходисаларни ёритса, тайёрланган ахборот нохолис бўлиши мумкин.

Ахборот-коммуникация ролининг самараси нуқтаи назаридан матбуот хабарлари мазмунини ҳар томонлама таҳлил этиш лозим бўлади. Бунда мавзу доирасига, ахборот манбаларига, қаҳрамон ва муаллифларига, материаллар географиясига эътибор қаратиш керак.

Журналистика жамиятни бошқариш, назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш жараёнларидан иштирок этар экан, мувофиқлаштирувчи, бошқарувчи вазифасини бажаради.

Ғоявий нуқтаи назардан журналистика маънавий қарашларни етказиб берувчи, тарғиб этувчи ҳисобланади. У жамият аъзоларининг онгида маълум бир қадрият, урф-одат, анъана, муносабат, ахлоқий-маънавий ва бадиий-эстетик қарашлар шаклланишига хизмат қиласиди.

¹ С.Г. Корконосенко. “Основы журналистики”, 166-бет, Москва-2002.

Масалан, ОАВ атроф-муҳит муҳофазаси, экологик муаммоларни ҳал этиш ёки миллий-маданий ўзига хосликни сақлаш масалаларида жамиятда маълум бир қарашлар шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Журналистиканинг ижтимоий институт сифатидаги вазифаларини қуидагича таснифлаш мумкин:

Тарғибот. У лотинча “propaganda” сўзидан олинган бўлиб, “тарқатиш” деган маънони англатади. Журналистик тарғибот жамият аъзолари онгига таъсир этишга йўналтирилган бўлади.

Агитация. Лотинча “agitatio” сўзидан олинган бўлиб, “ҳаракатга келтириш” деган маънони билдиради. Бирор бир хатти-ҳаракатни амалга оширишга чақириш, тақлид қилиш, эргашиш учун намуна, маънавий рағбат воситасини кўрсатиш, яратиш орқали аудитория онгига таъсир этиш агитациянинг асосини ташкил этади. Агитация назарий умумлашмаларнинг камлиги, манбалар ва материалларнинг аниқлиги, тезкор етказиб берилиши билан тарғиботдан ажralиб туради.

Албатта, ижтимоий тараққиётнинг улкан ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган жамоатчилик фикри шаклланишида матбуотнинг ўрнини рад этиб бўлмайди. Аммо матбуотнинг оммавий онгни ташкил этувчи барча элементлар, унинг турлича кўринишлари, шунингдек, ижтимоий амалиёт билан бевосита алоқада бўлишини ҳам унутмаслик керак. Айнан, амалиётда, аҳоли ва алоҳида олинган одамларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир маъносида журналистларнинг фаолияти керакли натижани беради.

Хулоса қилиб айтганда, журналистиканинг вазифаси жамиятнинг, инсоннинг манфаат ва қизиқишлари, ижтимоий тараққиёт максадларидан келиб чиқиб, амалиётга қайта ўзгартирувчи, қайта ташкил этувчи таъсир кўрсатишда намоён бўлади².

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолиятига алоқадор бўлган қатор қонунлар амал қилмоқда. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Муаллифлик хуқуки ва турдош хукуклар тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолати ва эркинликлари тўғрисида”ги Қонунлар шулар жумласидандир. Бу қонунларнинг ҳар бирида журналистик фаолиятнинг хуқуқий мақоми белгилаб берилган. Жумладан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунда оммавий ахборот воситасини ташкил этиш, рўйхатга олиш тартиблари, фаолият усуслари, хуқуқ ва мажбуриятлари каби масалалар акс этган. “Ахборот олиш кафолати ва эркинликлари тўғрисида”ги Қонун эса фуқароларнинг, хусусан, журналистларнинг ахборот олишдаги хуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари, сўров билан мурожаат этилаётган идораларнинг тегишли ахборотни тақдим этишдаги мажбуриятлари кабилар баён этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ф.Мўминов. “Журналистика ижтимоий институт сифатида”, Т.: “Университет”, 1998
2. С.Г.Корконосенко. “Основы журналистики”, Москва-2002.
3. А. М. Воробьев. “Средства массовой информации как фактор формирования гражданского общества”, Екатеринбург-2001.
5. А. А. Гребелщиков. “Работа журналиста в прессе”, М.-2001.

Учинчи боб

Ахборот хавфсизлиги тушунчаси, унинг назарий ва амалий асослари

² С.Г. Корконосенко. “Основы журналистики”, 196-бет, Москва-2002.

Тезкор тараққиёт одатий тамойиллар қатори вақт ва макон мутаносиблигига ҳам ўз таъсирини күрсатмоқда. Барча фаолият жараёнларида янгича ёндашув ва ривожланиш стратегияларининг шаклланиши инсонлар ва минтақаларнинг яккалиқдан яхлитликка юз буришига олиб келди. Бу эса ўз навбатида “одамларни маълум бир манфаатларга хизмат қиласидиган, олис-якин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги ахборот босимларининг доимий таъсири остида яшашга мажбур килмоқда.”³ Бундай ҳолат айниқса, глобаллашув ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув кучайган даврда яққолроқ намоён бўйлмоқда. Ривожланиш даражасидан қатъий назар ҳар бир давлатга кириб бораётган глобаллашув жараёнлари инсоният ютуқлари билан бир қаторда ўзига хос муаммоларни ҳам олиб кириши табиий. Маълумки, глобаллашувнинг асосий белгиларидан бири миллый чегараларнинг ахборот юзасидан ўз аҳамиятини йўқотиб боришидир. Ҳар қандай минтақани иқтисодий, ахборот ва хавфсизлик жиҳатидан жаҳон ҳудудининг ажralmas бўлагига айлантирган бу жараён ҳар бир миллат олдига ўзлигини сақлаб қолиш, давлатлар учун эса манфаатлар тўқнашувида ўз ўрнини топиш масаласини кўндаланг қўймомоқда. Миллатни миллат, давлатни давлат сифатида сақланиб қолишида мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудрати билан бир қаторда унинг глобал ахборот майдонидаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиши, турли ахборот хуружларига қарши тура олиши, бир сўз билан айтганда, ахборот хавфсизлигининг қай даражада таъминлангани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон сахнида ўзининг етарли мавқеига ҳали эга бўлмаган, халқаро сиёсатга таъсир этишнинг кенг имкониятларини қўлга киритиб улгурмаган, энди ривожланиб келаётган давлатлар учун бу масала айниқса долзарбдир. Чунки айнан ўтиш даврида ахборот хуружлари, ижтимоий онгни эгаллаб олишга қаратилган тажовузлар, мамлакатнинг ахборот бошқарувини издан чиқаришга уринишлар доимий ва хатарли таҳдид бўлиб келган. Ҳаётнинг барча соҳаларида стратегик ресурс, ҳал қилувчи восита ва пировард мақсадга айланган ахборот бугун дунёни бошқармоқда десак муболага бўлмас.

Куч-қудрат манбаи тўғрисида Шарқнинг “Куч – адолатда”, Фарбнинг эса “Билим – бу куч” каби нақллари глобаллашган замоннинг бир нуқтасида кесишиб, “Куч –ахборотда” деган умумий бир қонуниятни шакллантириди. Вақтида ахборотга эга бўлган, ахборотга таъсир қилиш имконини топган ҳаммадан қудратлидир. Бошқача айтганда бугун одамлар онгини бошқариш, ижтимоий грух, миллат, элат, ҳаттоқи бутун бир халқларни бўйсундириш, давлатларнинг сиёсий жараёнларига таъсир кўрсатиш учун энг универсал восита сифатида ахборот ва коммуникацион воситалар эътироф этилмоқда. Глобал ахборот оқимлари шиддат билан ҳудудий чегараларни парчалаб ташлаётган бир пайтда миллат, мамлакат ва давлат манфаатлари кўп жиҳатдан айнан ахборот соҳасидаги хавфсизлик билан боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ахборот маконига таъсир этиш долзарб интилишлардан бирига айланмоқда. Бугун курашнинг бош майдони ахборот ҳудуди, асосий мақсад эса ер ёки бойлик эмас, балки инсон онгини эгаллашдир.

Ахборот макони асосий нишонга айланган экан, демак уни ҳимоя қилиш, информацион таъсир ва хуружларга қарши тура олишнинг ҳам аҳамияти айни пайтда жуда муҳим.

Масаланинг яна бир аҳамиятли томонини алоҳида таъкидлаш лозим: ахборот хавфсизлиги миллый хавфсизликнинг салмоқли бўлаги ва жамият барқарорлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шиддаткор глобаллашув даврида воқелик ҳеч нима, алоқа эса ҳамма нарса, цивилизациянинг тақдирни ахборот етказиб бериш тезлигига боғлиқ. Зоро, “ҳозирги замонни тавсифловчи муҳим йўналишлардан бири – ахборот жараёнларнинг глобаллашувидир.”⁴ Ахборот ва ахборот технологиялари асрида давлатлар, қитъалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий тўсикларни бартараф этишга қодир ягона ахборот макони шаклланмоқда.

³ И. А. Каримов. “Жамиятимиз мағкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” // Баркамол авлод орзузи (Кадрлар тайёрлаш миллый дастурини амалга ошириш борасида публицистик мулоҳазалар) – Т.: “Шарқ”, 1998, - 33 -бет

⁴ Қ. Т. Эрназаров, Ё. М. Маматова, И. Э. Тошлиев, Ш. Қ. Эрназаров. “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти”. Т. 2002, 32 бет.

Демак, аввало ахборот тушунчасининг ўзига таъриф берсак. Тор маънода “ахборот бу тақдим этилиш шаклидан қатъий назар, кишилар, нарсалар, фактлар, воқеа-ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлардир”.

Ахборот макони (“Information Space”) деганда эса ахборот ресурсларининг, ташкилий тизимларнинг (маълумотни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатиш институтлари) ҳамда шахс, давлат ва жамият фаол иштирок этадиган ахборот воситаларининг ҳамжиҳатлиги тушунилади. Кенг миқёсда мазкур фикр, шунингдек, ахборий жамият тушунчаси билан ҳам узвий боғлиқдир. Турли хил маълумотларни эркин оладиган, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзлаштирадиган ва эркин ОАВига эга жамият ахборий жамият тушунчасини ўзида ифода этади.

Ахборотлар бошқа маҳсулот турларидан фарқли равишда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Ахборот заҳиралари мутлақо битмас-туганмасдир. Жамиятнинг ривожланиши ва ахборотга бўлган талабининг ортиб бориши уни камайтирумайди, аксинча ўстиради.
2. Ахборотдан фойдаланишнинг имконияти йўқолмайди, балки сақланади.
3. Ахборотни замонавий коммуникация воситалари орқали бир зумда исталган жойга етказиш мумкин. Аҳамиятлиси, бу жараён кўп вақт ёки муайян механизм талаб этмайди.
4. Ахборот мазмуни вақт ўтиши билан эскирмайди, тарихий факт бўлиб қолаверади.
5. Ахборот заҳиралари мустақил эмас, факат бошқа заҳиралар билан бирлашган ҳолда ҳарактланувчи куч сифатида намоён бўлади.

Ахборотнинг бундай хусусиятлари унинг мулк сифатидаги қийматини оширади ҳамда уни олиш, тасарруф этиш ва турли мақсадлар йўлида фойдаланиш истагини кучайтиради.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизга асосан олиш имкониятига кўра ахборотлар қуйидагича фарқланди:

1. Фуқаролик муомаласидаги ахборотлар.
2. Оммавий ахборотлар.
3. Олиш имконияти чекланган ахборотлар.

Фуқаролик муомаласидаги ахборотлар муайян шахсларга тегишли персонал маълумотлар хисобланади. Бундай ахборотга эга шахс уни ўз ҳохишига кўра тасарруф қиласи, яъни бу ахборотни олиш имкони ва тартибини, амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида, унинг ўзи белгилайди. Шуниси эътиборлики, “жамиятда айланаётган ахборотларнинг катта қисмини айнан персонал ахборотлар ташкил этади.”⁵

Омма учун мўлжалланган, бевосита қонунчилик талабларига мувофиқ ҳужжатлаштирилган маълумотлар оммавий ахборотлар мажмуи хисобланади.

Давлат, жамият манфаатлари ёки эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотлар олиш имконияти чекланган ахборотлар тоифасига киради.

Ахборотларнинг бундай тасниfinи келтириш ахборот хавфсизлиги тушунчасини шахс, жамият ва давлат манфаатлари доирасида асослаш имконини беради.

Энди бевосита хавфсизлик тушунчаси хусусида тўхталсак. Хавфсизлик бу барча ҳимоя объектларининг ташқи ва ички хатарлардан ҳоли бўлган оптимал даражадаги ҳолатидир. “Хавфсизлик таъминланиш жиҳатидан миллий, минтақавий ва халқаро бўлиши мумкин.”⁶

Миллий хавфсизлик муайян мамлакатнинг миллий қадриятлари, манфаатлари, турмуш тарзига, умуман суверен ривожланишига нисбатан реал ташқи ёки ички хатарлар мавжуд бўлмаган ёки йўқ қилинган ҳолат ҳисобланади.

Минтақавий хавфсизлик деганда, ҳудуддаги давлат ва халқларга уруш ёки бошқа хатарлар мавжуд бўлмаган барқарор вазият тушунилади.

Глобал ёки халқаро хавфсизлик эса, халқаро муносабатлар жараёнида турли низолар, зиддиятлар ва бошқа таҳдидларнинг олди олинган ҳолатдир.

⁵ Защита персональных данных. Опыт правового регулирования составитель. – Е. К. Волчинская, Фонд защиты гласности М. И. Д. “Галерия”. 2001, 5-бет.

⁶ Р. Т. Мукаев. Политология. Пособие для общеобразовательных учебных заведений. Москва. И. Д. “Дрофа”, 1997, 372-бет

Таъминланиш соҳасига кўра хавфсизлик ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, экологик, гуманитар, информацион каби турларга ажратилиди. “Ундан ташқари хавфсизлик шахсга, жамиятга ва давлатга тегишли бўлиши мумкин.”⁷

Маълумки, янги асрда жамият олдида турган энг долзарб масалалардан бири - ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва илғор ахборот технологияларини жорий этиш; жаҳон ахборот интеграциясига қўшилишнинг энг асосий вазифаларидан бири эса жамиятнинг ахборот ресурслари заҳирасини ошириш ва инсон фаолиятида улардан фойдаланиш сифатини юксалтириш ҳисобланади.

Жаҳон ахборот ресурсларининг геометрик ўсиши, юқори ахборот тизимлари ва технологияларининг жадал ривожланиши муносабати билан, замонавий ахборотлашган жамиятда глобал тармоқларнинг улкан афзалликларидан фойдаланиш баробарида улардаги ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос муаммоларни ҳам ечишга тўғри келмоқда. Шу боисдан ҳам ахборотнинг маҳфийлиги ва бутунлигини таъминлаш билан боғлик бўлган барча ишларни амалга ошириш учун самарали воситаларни яратиш ва қўллаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бирига айланган.

Ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, компьютер тармоқлари орқали ахборотни қабул қилиб олиш ва узатишда алоқа воситаларидан фойдаланишнинг кенг жорий этилиши ҳамда ахборотлаштиришнинг жадал тараққиёти ахборот узатиш тизимларини, хусусан ахборотларни тасодифий ёки олдиндан кўзланган таҳдидлардан, рухсат этилмаган фойдаланишлардан, ўчириб ташлашдан сақлаш ёки ҳимояланган ахборотларни мадификация қилиш, яъни ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлиги аввало ахборот технологиялари тизимларининг хавфсизлиги, муайян шахс, ташкилот ёки давлат идорасига тегишли ахборотларнинг дахлсизлиги, яъни маълумотлар базасидаги ахборотларнинг компьютер вируслари ҳамда турли хуружлардан ҳимоя қилингандиги билан боғлик. Демак “ахборот хавфсизлиги деганда дастлаб ахборот жараёнининг ахборот соҳаси обьектларига уларни йўқ қилиш, тўсиш, чалкаштириш, тузатиш, таништириш мақсадида муайян тасодифий ва атайлаб қилинадиган таъсирлардан ва бошқа рухсат этилмаган харакатлардан муҳофаза қилингандиги ҳолати тушунилади.”⁸

Бироқ айни пайтда ахборот соҳасига таъсир этиши ва ахборот хавфсизлигига таҳдиди солиши мумкин бўлган манбалар фақат ахборот технологиялари билан боғлиқ эмас. Ахборот технологиялари ва ахборот менежменти юқори даражада ривожланган мамлакатлар ўзидағи бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир этиш йўлида фойдаланишдан манфаатдор. Бундай харакатлардан кўзланган мақсад информацион, сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий экспансиядан иборат бўлиб, ҳалқаро ҳукуқ меъёрлари билан чекланмаган замонавий курол тури – ахборотдан фойдаланишни назарда тутади.⁹

Бугунги кунда ҳар қандай ахборот яшин тезлигига дунёning турли чеккаларига етиб бориши, миллионлаб одамлар ундан бир зумда хабар топиши оддий ҳол бўлиб қолган. Бундай одатийликнинг қулайликлари билан бир қаторда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфли томонлари ҳам бор. “Чунки сир эмаски баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусика, оддийгина мултфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.”¹⁰

Ер куррасида бугун олти миллиарддан зиёд одам истикомат қилаётган бўлса, уларга етказилаётган ахборот унданда кўп. Булардан қай бири холис, қайсиниси кимнинг манфаатлари

⁷ Р. Т. Мукаев. Политология. Пособие для общеобразовательных учебных заведений. Москва. И. Д. “Дрофа”, 1997, 372-бет

⁸ Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида Низом. 1999, 2-бет.

⁹ Мухаммад ал-Бухорий. Общественные отношения как цель международного информационного обмена. Т.: ТашГИВ. 2000, 42-43- бетлар.

¹⁰ И. А. Каримов. “Жамиятимиз мафкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” // Баркамол авлод орзуси (Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида публицистик мулоҳазалар) – Т.: “Шарқ”, 1998, - 33 -бет

учун хизмат қиласи? Ушбу саволларга ҳар бир фукаро учун ҳар бир ахборот юзасидан жавоб қайтаришнинг ёки буни энг минимал даражада амалга оширишнинг имкони йўқ.

Масалаланинг яна бир томони шундаки, жамиятда абсолют кўпчиликнинг манфаатларини кенг даражада ҳимоя қилиш мумкин эмас. Боиси, ҳар бир доира, ҳар бир ижтимоий гурух, ҳар бир шахснинг манфаатлари турлича бўлади ва бу ранг-барангликда маълум манфаатлар тўқнаш келиши табиий. Шунинг учун бу ерда барча манфаатлар ҳимояланганни эмас, балки ушбу манфаатлар оптималь мувозанатга келган ҳолат тўғрисида гапириш маъқулроқ.

Шу нуқтаи назардан ёндашсак, ахборот хавфсизлиги деганда ахборот соҳасидаги миллий манфаатларнинг ҳимояланганни тушунилиб, булар шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мутаносиблиги билан белгиланади. Яъни жамиятда ахборот муҳитининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатлари доирасида шаклланиши, фойдаланилиши ва ривожланишини таъминлайдиган ҳимояланганлик ҳолати ахборот хавфсизлиги ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги муаммоси давлат ва жамиятнинг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан, маданият, миллий ва ҳалқаро хавфсизликнинг сифатли ахборот алмашинуви, ахборот ва телекоммуникация тизими, технология ва воситаларига тобе бўлиб қолганига асосланади. Мазкур ҳолат шахс, жамият ва давлатнинг хукуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг ҳимоя механизmlари мажмуининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши билан боғлиқдир. “Булар таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган ташкилий, техник, дастурий, ижтимоий, хукуқий механизmlар бўлиши мумкин.”¹¹

Шу ўринда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари нималардан иборат эканлигини аниқлаштириб олсак.

Шахснинг ахборот соҳасидаги манфаатлари унинг ахборотга эга бўлиш, қонунан таъқиқланмаган фаолиятни, яъни жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиш жараёнида ахборотдан фойдаланиш борасидаги конституцион хукуқларининг амалга оширилишининг таъминланишини назарда тутади. Шу билан бирга шахснинг ахборот билан боғлиқ муҳим эҳтиёжларидан бири унинг шахсий хавфсизлигини таъминлайдиган персонал маълумотларнинг ҳимояланганидир.

Жамиятнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари қўйидагича изоҳланади:

- қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;
- жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;
- миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоклаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига карши ҳаракат тизимини барпо этиш;
- мамлакатда кечётган маънавий янгиланиш жараёнларида ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш.

Умуман олганда жамиятнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари шахс манфаатларининг давомий қисми сифатида ижтимоий мувозанатга эришиш ва уни сақлаб туришда ўз аксини топади.

Давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари эса қўйидаги аспектларни ўз ичига олади:

- ахборот хавфсизлигига нисбатан мавжуд таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа турдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;
- давлат сирларини ва давлат ахборот ресурсларини руҳсатсиз тарзда фойдаланишдан муҳофаза қилиш;
- конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитликни, давлат суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши

¹¹ Ахборот хавфсизлиги: ечим ва муаммолар. Т: “Истеъодд”. 2004, 25-бет.

бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатларни амалга ошириш.

Соддороқ қилиб айтганда, давлат манфаатлари ахборот инфратузилмасининг уйғун ривожланиши, шахс ва фуқароларнинг ахборот олиш ва ундан давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига дахл этмаган ҳолда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида фойдаланиш борасидаги конституцион ҳуқук ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш, қатъий ҳуқуқий тартиби үрнатиш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

“Ахборот хавфсизлиги тушунчаси ахборот маконининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаати йўлида шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи ҳолат сифатида изоҳланади.”¹²

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ахборот инфратузилмасининг ривожланиши жамият ва давлатнинг барча жабҳаларини, жумладан, одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш шартларини ўзгартириб, жамият ривожланишини тезлаштиради. Глобаллашув ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ҳам шахс даражасида, ҳам давлат даражасида ташқи дунё билан алоқаларни мисли кўрилмаган даражада кенгайтириб юборди. Бу эса ўз навбатида замонавий ахборот маконида ҳаракат қилишни мураккаблаштириб, ички ва ташқи ахборот алмашинуvida бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Жумладан, шахсий, тижорат ва давлат сирларининг, умуман миллий ахборот заҳираларининг назоратсиз чиқиб кетиши ҳамда нотўғри ахборотлар тизимининг назоратсиз мамлакат ҳудудларига кириб келиши. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар умуман жамиятда истеъмолда бўлган ахборотларнинг эркин ва қонуний айланишини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳам ахборот хавфсизлигининг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Жамият бошқарувида ахборот билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш учун давлат органлари ва бошқа ижтимоий институтларда ўз вақтида зарур ва тезкор ахборот таъминотининг амалга оширилиши, махфий ахборотнинг яхши ҳимоялангани, ахборот хуружларининг потенциал таҳдидлари ўрганилгани ва “мудофаа” чоралари кўрилгани ахборот хавфсизлигининг таркибий қисмлари сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари

Бугун дунё сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий қадриятлар соҳасида глобаллашув томони юз бураётган бир пайтда ҳар бир давлат ўзининг миллий манфаатларини таъминлашга, ўз негизларидан узоқлашиб кетмаслик ва жаҳон саҳнидаги бошқа қудратли обьектлар таъсирига тушиб қолмасликка интилмоқда. Чунки глобаллашувнинг илмий-техник тараққиёт билан бирга кечеётгани, ҳам давлат даражасида, ҳам шахс даражасида ташқи дунё билан алоқаларнинг кенгайиб бориши мамлакатнинг ахборот инфратузилмасига нисбатан регионал ва глобал таҳдидларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ахборот төехнологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, ижтимоий жараённинг глобаллашуви, информацион телекоммуникациялар соҳасида инқилобий ўзгаришларнинг амалга ошиши инсоният жамиятида қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, компьютер тизимларининг яратилиши ва ахборот тармоқларининг пайдо бўлиши ахборот тизимлари ва тармоқларининг хавфсизлиги муаммосини юзага келтирди.”¹³

Ахборот хавфсизлигининг моҳияти – ҳимоя обьектларининг оптималь ҳолати, унинг хатар манбалари ва хусусиятлари аниқланганлиги билан белгиланади. Шу билан бирга хавфсизликни таъминлаш йўллари ва усуслари масаласига аниқлик киртилиши талаб этилади. Ундан кейин бу борадаги чора-тадбирларни йўлга қўйишнинг ташкилий ва таркибий жиҳатлари таҳлил қилиниши керак.

Ахборот хавфсизлиги муаммоларининг ечими учун фойдаланиладиган ташкилий чора-тадбирлар ва тартиблар ахборот тизимларини йўналтиришда ва лойиҳаларнинг барча

¹² Мухаммад ал-Бухорий. Общественные отношения как цель международного информационного обмена. Т.: ТашГИВ. 2000, 55- бет.

¹³ В. С. Борсиков, В. В. Водолазкий. Современной технологии безопасности. Москва: “Нолидж”, 2000, 18-бет.

босқичларида хал қилинади. Улар орасида энг мұхими – ҳимояланыткан ахборот тизими жойлашған объектни қўриқлашдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда аввало ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳимояга мұхтож асосий объектларни белгилаб олсак. Бу борада биринчи ўринда турадиган категория шубҳасиз, ижтимоий онгдир. Чунки ижтимоий онг доимий равишда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда түрли ахборот манбалари таъсирида бўлиши билан хусусиятли. Бундан ташқари омма биргина электорат сифатида намоён бўлиш билан чекланмайди. Яъни ижтимоий онгга ҳокимият учун кураш олиб бораётган доиралардан ташқари ҳам кўплаб таъсир ўтказишни истовчи кучлар мавжуд.

Ахборот тизимининг ижтимоий онгдан бошқа объектлари:

- сиёсий қарорлар қабул қилиш тизими. Мазкур соҳада кўп нарса вақтида етказилган ва ишончли ахборотга боғлиқ;
- жамоатчилик фикрини шакллантириш тизими;
- сақлаш шакллари қандай бўлишидан қатъий назар, давлат сири, олиш чекланган тижорат сири ва бошқа ошкор қилиб бўлмайдиган маълумотларни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари;
- ҳар хил даража ва кўрсаткичли ахборот тизимларини ўз ичига олган, ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш тизимлари, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари;
- ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг тартиб ва жараёнлари;
- фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ахборот олиш, тарқатиш ва фойдаланиш, яширин ахборотларни ҳамда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш хуқуки;
- ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, сақлаш, узатиш марказларини, воситаларини, технологияларини, жумладан, ахборот алмашиш тармоқлари иш фаолиятини таъминлаш механизмлари.

“Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари тасодифий ва олдиндан кўзланган бўлиши мумкин.”¹⁴ Дастур таъминотидаги камчиликлар, техник воситаларнинг носозлиги, малаканинг этишмаслиги ёки фойдаланувчининг хатолари тасодифий таҳдидлар ҳисобланади. Олдиндан кўзланган таҳдидлар эса ахборот заҳираларига зарар етказиш мақсадида атайин амалга оширилади. Улар фаол(актив) ва нофаол(пассив) бўлади. Нофаол таҳдидларга ахборот заҳираларидан уларнинг вазифаларига таъсир кўрсатмаган ҳолда рухсат берилмаган фойдаланишга бўлган интилишлар киради.

Техник ва дастур воситаларига, ахборот заҳираларига таъсир қилиш йўли билан тизимнинг мўътадил фаолиятини бузишга қаратилган таҳдидлар фаол таҳдидлар ҳисобланади.

Тажрибадан маълумки, хавфни бартараф этишнинг энг осон йўли, шу хавфни олдиндан аниқлаб, унга қарши эҳтиёт чораларини қўллаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам соҳага нисбатан потенциал таҳдид манбаларини аниқлаш ва ҳимоя чораларини қўллаш бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади.¹⁵

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ахборот хавфсизлигининг долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлган. Чунки, бугун замонавий дунёга эгалик қилиш учун курашнинг асосий воситаси сифатида ахборот тилга олинмоқда. Бундай вазиятда ахборот технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада тараққий этган давлатлар ўзидаги бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан том аънода манбаатдор ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташқи манбалари:

- чет эл жосуслик ва маҳсус хизматларининг фаолияти;
- чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;
- халқаро гурухлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;

¹⁴ В. А. Галатенко. Основы информационной безопасности. Москва. 2003. www.intuit.ru

¹⁵ В. И. Ярочкин. Информационная безопасность. Москва. 2003.

- ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши;
- табиий оғатлар ва фожеалар.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари:

- сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноконуний фаолиятлари;
- ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар хуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг қонуний ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;
- ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги.

Ахборот маконинг вужудга келиши нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни ҳоҳловчи томонларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу гуруҳларнинг кураш воситаси ҳам айнан ахборот қуролидир. Таҳлилчилар ахборот қуроли деганда одамларга руҳий таъсир кўрсатадиган ва уларнинг устидан назорат қилиш имконини берувчи воситаларни, компьютер вирусларини, мантиқий бомба, телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашинувини бостирувчи мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотларни соҳталаштириш каби ҳаракатларни назарда тутишади.

Ахборот хавсизлигига нисбатан таҳдидларнинг асосий таъсир воситаси бир марталик ташвиқот акциялари, узоқ муддатли тарғибот кампаниялари, мафкуравий тазиик, маданий экспансия, ахборот блокадаси каби руҳий-информацион таъсир воситалари хисобланади.

Руҳий-информацион таъсир асосан қўйидаги усуслар орқали амалга оширилади:

- дискредитация – воқеанинг аҳамиятини пасайтириб бериш;
- дезинформация – ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш;
- туҳмат;
- эътиборни чалғитиш;
- фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш.

Руҳий-информацион таъсир оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилади ҳамда давлатнинг ички сиёсатига ишончсизлик уйғотиш, ички ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, мухолиф кайфиятларни қўзғотиш, ҳаттоқи исёнга ундаш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашган ахборот майдонида руҳий-информацион таъсир воситаларини тўлиқ чеклаш ёки назорат қилиш имконсиз. Демократик бошқарув, фикрлар хилма-хиллиги бунга йўл қўймайди. Аслида тарқатилаётган ҳар бир ахборот қайта-қайта текширилган бўлиши керак. Аммо реаллик бу саробни амалга оширишга йўл қўймайди. Шунинг учун муаммонинг бошка ечимларини излаган маъқул. Яъни:

Биринчидан, ташқи таҳдид кучларига нисбатан муносабатни шакллантириш.

Иккинчидан, фуқароларнинг билимини ва таҳлил қилиш маҳоратини ўстириш лозим. Токи уларнинг ўзи оқни қорадан ажратиб олиш имкониятига эга бўлсин.

Учинчидан, ахборот оқимида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиласидиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиши. Агар бу вазифа етарли даражада амалга оширилса, салбий ахборотларнинг ижтимоий онгга таъсири кескин тушиб кетади.

Тўртинчидан, миллий ОАВга ишончни ошириш. Чунки, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари жамиятда ахборот тақчиллигини бартараф этиш масаласи билан боғлиқ. Агар ахоли маҳаллий ОАВга ишонмаса, уларни асосий ахборот манбай сифатида қабул қиласа, бошқа манбаларни излаши табиий.

Бешинчидан, ахборот бошқаруви ва технологиялари соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувининг кучайиши улардан глобал ахборот майдонида ўз имижини яратишни талаб қилмоқда. Чунки глобаллашув инсон ҳаётини қанчалик шиддаткор қиласин, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллий кадрият ва анъаналарига содиқлиги, умуман, унинг миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолишига жиддий таҳдид солмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари

бугун нафақат ривожланаётган, балки дунёнинг етакчи давлатларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, ахборот қуроллари ривожланиб бораётган бир пайтда, уни чеклаш, тартибга солиш ёки назорат қилиш бўйича ҳеч қандай халқаро нормалар ишлаб чиқилмаган. Бундай вазиятда ҳар бир давлат ўзининг жаҳонда тутган ўрни, мақсад-интилишлари ва миллий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларидан сақланиш ва уларга қарши курашиш масаласида ўзича иш олиб бормоқда. Бинобарин, мамлакатнинг барқарор ривожланиши, жамиятни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш, халқ ишончи ва хотиржамлигини сақлашда ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ҳар қандай ривожланаётган мамлакатда ислохотларнинг самараси, тараққиёт натижаларининг қай даражада кўзга ташланиши ҳам кўп жиҳатдан ушбу юртда шаклланган мағкура ва аҳоли томонидан ҳукуматнинг фаол қўллаб-кувватланиши билан боғлиқ. Демак, бу жараён ҳам жамиятдаги ахборот тизимларининг оптимал даражада фаолият юритишини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1997.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин // Баркамол авлод орзуси. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2000.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1997.
4. Ахборот хавфсизлиги: ечим ва муаммолар. Маъruzalар тўплами. Тошкент, “Истеъдод”. 2004.
5. Баҳриев К. Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти. Тошкент, “Фан”. 2000.
6. Эрназаров Қ. Т., Маматова Ё. М., Тошлиев И. Э., Эрназаров Ш. Қ. “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти”. Тошкент, 2002.
7. Борсиков В. С., Водолазкий В. В. Современной технологии безопасности. Москва: “Нолидж”, 2000.
8. Галатенко В. А. Основы информационной безопасности. Интернет – университет информационных технологий. Москва. 2003. www.intuit.ru
9. Муҳаммад ал-Бухорий. Общественные отношения как цель международного информационного обмена. Тошкент, ТашГИВ. 2000.
10. Мукаев Р. Т. Политология. Пособие для общеобразовательных учебных заведений. Москва. И. Д. “Дрофа”, 1997.
11. Новая ООН – для нового века. Москва, Фонд защиты гласности. 2003.
12. Ярочкин В. И. Информационная безопасность. Москва. 2003.

Тўртинчи боб Журналистика психологияси ва социологияси

1. Журналистикада аудиторияга таъсир кўрсатиш усуллари

Психология фани нуқтаи назаридан қараганда журналистлик касби нима ўзи? Бу саволга жавоб бериш журналистиканинг бошқа касблар тизимидағи ўрни ва вазифаларини, жамият ҳаётидаги ролини аниқ таърифлаб беришни тақозо этади. Чунки бир қараганда, бу касб эгалари буюк ғоялар тарғиботчиси, яна бир қарасанг, воқеа-ҳодисалар хақидаги хабарларнинг оддий «сотувчиси» сифатида намоён бўлади.

Медиапсихология йўналишининг россиялик вакилларидан бири Е. Пронина журналистика психологиясининг асосий вазифаси сифатида оммавий ахборотни коммуникация ва индивидуал ижод феноменларини бир тизимга солиб тушунтиришда, деб таъкидлайди. Бунда замонавий журналистиканинг турли қирралари эътибордан четда қолмайди. Журналистнинг имиджини яратиш, аудиторияни социология ва психология нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, тайёрланган

матнларни воқелик юзага келтирган маданий қараашларга нечоғли мос келиши каби масалалар шулар жумладандир. Е. Пронинага кўра, аудитория алоҳида шахс ёки бутун жамиятдан иборат бўлса, журналист матн ва саъй-ҳаракатлари орқали аудиториянинг руҳиятига таъсир этувчи коммуникатор вазифасини бажаради.

Муаллиф турли зиддиятлар авж олган замонда ўзини ўзи бошқарувчи оммавий ахборот коммуникациялар жамоаси, яъни янгича маданий қараашлар жамияти пайдо бўлишини, бунда журналистиканинг роли алоҳида бўлишини таъкидлайди¹⁶.

Журналистикада аудиторияга таъсир этиш усуллари ҳақида гап кетар экан, мулоқот кўнималарини рвиожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтмоқ жоиз. Чунки ҳар куни турли касб, турли ёшдаги, турлича дунёқараашга эга бўлган одамлар билан мулоқот қилиш жараённида журналистнинг касбий малакаси ва психологияк қараашлари ўзгариб, бойиб боради. Бугунги кунда журналистика аудиторияга таъсир кўрсатиш орқали жамиятни бошқараяпти, деб ҳам айта оламиз. Бу эса ўз ўрнида журналист зиммасига улкан масъулият юклashi табиий.

Журналист материал тайёрлаш жараённида, айниқса, интервью олиш пайтида асосий эътиборни сухбатдошига қаратиб, унинг руҳий ҳолатини дикқат билан кузатиб бориши лозим. Афсуски, айrim ҳолларда журналистларда ўзига юқори баҳо бериш - эгоцентризм ҳолатлари кузатилади. Буларнинг барчаси аудиторияга таъсирнинг салбий кўринишига олиб келиши мумкин.

Бугун барча етакчи мутахассислар журналист аудиториянинг ҳар бир аъзосига мурожаат этиш, унинг онгига, руҳиятига таъсир қилиш орқали бутун жамиятга таъсир этиши керак, деган фикрдалар. Бинобарин, журналист бутун жамиятга маънавий-ахлоқий кўрсатмалар берувчи, жамият руҳиятига ташҳис қўювчи, уни яхшиликларга рағбатлантирувчи, ундовчи вазифасини ўтайди¹⁷.

Журналистикада фикрни шакллантириш ОАВнинг асосий вазифаси — жамоатчилик онгига таъсир этиш ва уни шакллантиришдан кейин иккинчи ўринда туради. Шундай қилиб, замонавий журналистиканинг бош вазифаси одамларда фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган, жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларидан келиб чиқадиган ижтимоий-психологик сифатлар, қараашлар ва ишончни шакллантиришдан иборатдир¹⁸.

Аммо жамиятдаги турлича фикрлайдиган, ҳар хил қараашларга эга бўлган кишиларнинг индивидуал онгини интеграциялаш осон иш эмас. Чунки кундалик турмуш даражасида янгича онг ва қараашларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида ижтимоий-иктисодий талаблар ва қизиқишилар кун тартибида туради. Бошқача айтганда, оддий фуқароларни нарх-наво, дўкон ва бозорларда маҳсулотларнинг сероб ҳамда арzon бўлиши, иқтисодчиларни шу йўналишдаги сиёсат, табиат муҳофазачиларини атроф-мухитга бўлган муносабат кўпроқ қизиқтиради ва ташвишга солади ва ҳоказо.

ОАВларда эълон қилинган материалларнинг самарасини баҳолашнинг мезони бўлиб оммавий аудитория, жамоатчилик онгига, хиссий туйғуларида, интилишларида, билимларида, дунёқарашида рўй берган ўзгаришлар даражаси хизмат қилади.

ОАВларнинг аудиторияга таъсир этиш усуллари, йўллари ва воситаларига қараб, қуйидаги вазифаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

ахборот бериш, маърифий-тарбия, мувофиқлаштириш, меъёрлаштириш;

тарғибот, сиёсий тарбия, ташкилотчилик, бошқарувчилик;

умумлаштириш, тарбия, маънавий қадриятларни тарғиб этиш ва бошқалар;

жамиятни интеграциялаш ва ўз-ўзини бошқаришга кўмаклашиш, ҳақиқий вазият ва ҳолат ҳақида ахборот бериш, билимларни тарқатиш, жамоат фикрини шакллантириш;

жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини намоён этишларига ёрдам бериш, маданиятни тарғиб этиш, қўнгилочар йўналишдаги вазифалар.

Жамиятнинг кўпартиявийлик шароитида ОАВларнинг ўзига хос партиялашуви ҳам кузатилади. Яъни маълум бир партия муассислигидаги нашрлар ўз чиқишиларида ана шу партиянинг ички ва ташқи сиёсат, жамиятда кечётган турли жараёнлар борасидаги

¹⁶ Пронина Е. “Психология журналистского творчества”. 131-бет, М., 2002

¹⁷ В. В. Ворошилов. “Журналистика”, 159-бет, Санкт-Петербург-2001.

¹⁸ В. В. Ворошилов. “Журналистика”, 160-бет, Санкт-Петербург-2001.

қарашларини, стратегиясини баён этади. Жамоатчиликда ана шу қарашлар ва стратегиянинг давлат ва жамият ривожида муҳим аҳамият касб этишига ишонч уйғотишга ҳаракат қиласди. Лекин бунда суиистеъмолга йўл қўймаслик, бошқа сиёсий кучларни ноўрин ва нотўғри танқид қилмаслик, жамиятнинг ҳар бир аъзосини, ўзи таъсир обьекти сифатида белгилаб олган аудиторияни ҳурмат қилиши, чоп этаётган материаллари шахс манфаатлари ва эркинлигига хизмат қилишига эришиш талаб этилади.

2. Журналистик фаолиятда социологик усулларнинг қўлланилиш йўллари ва воситалари “Социология” атамаси XIX аср ўрталарида француз файласуфи Огюст Конт томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, у лотинча “societas” – “жамият” ва юнонча “logos” – “сўз, таълим, тушунча” сўзлари бирикмасидан ташкил топган ҳамда “жамият ҳақидаги фан” деган маънени англатади¹⁹.

Ҳақиқий жараёнлар, ҳолатлар, фактлар ҳақида тақдим этаилган оммавий маълумотларни таҳлил этиш жараёнида олинган билимлар журналистика социологияси, деб аталади. Социология маҳсус социологик фан бўлиш билан бирга журналистиканинг илмий йўналишларидан бири ҳам ҳисобланади.

Журналистик фаолиятда материалларни умумлаштиришнинг умумсоциологик, маҳсус ва ҳиссий (эмпирик) каби назарий босқичлари қўлланилади.

Биринчи ҳолатда матбуотнинг ижтимоий тизимлардаги фаолияти ва тараққиёти, жаҳон ва муайян давлат миқёсида ривожланиш жараёнларига таъсири назарда тутилади.

Маҳсус босқичда газета ёки ОАВ аудиториясининг, журналист фаолияти ва тайёрлаган материалларининг ҳамда ахборотнинг тарқалиш доирасининг нисбий социологик автономияси эътиборда бўлиши лозим. Яъни бунда ОАВларнинг, журналистларнинг маълум бир йўналиш, соҳа ихтисослашувини, тақдим этаётган материаллар ҳам асосан шу йўналиш ва соҳалар вакиллари ёки уларга қизиқувчиларга мўлжалланган бўлиши кўзда тутилади.

Ҳиссий, яъни эмпирик босқичда таҳририят фаолияти, газетхонларнинг фикрлари, улардан келган хатларнинг мазмунига қараб, умумий фаолиятга баҳо берилади, таҳлилий хulosалар чиқарилади, келгуси режалар белгилаб олинади.

Бугунги кунда журналистик фаолиятда социологиянинг қўйидаги усулларидан кенг фойдаланган ҳолда ОАВлар таъсирчанлигини, ўқишилигини ошириш, мавзулар ва йўналишларни белгилаб олиш, аудиториянинг қизиқишлигини аниқлаб олиш мумкин:

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ёки тегишли ташкилотлар томонидан ўтказилган ана шундай сўровлар натижаларини таҳлил этиш.

- Оммавий ҳужжатларни таҳлил қилиб, хulosалар чиқариш.
- Турли соҳа эксперtlарининг фикрларини ўрганиб бориши.

Ҳар томонлама ва кенг қўллами кузатувлар олиб бориши.

Таҳририятта келаётган хатларни таҳлил этиб бориши.

Эркин матбуот шароитида материалларни ўқувчига исталган шаклда тақдим этиш мумкин. Бунда асосий эътибор унинг таъсир кучига қаратилади. Жумладан, материалда далил ёки бирор соҳа хронологияси тақдим этилар экан, бу материал эссе ёки кўнгилочар мақола шаклида бўлиши мумкин. Ҳар бир таҳририят ўз ўқувчиларининг даражаси, қизиқишлиари, савиясидан келиб чиқиб, маъкул жанрлардан бирини танлайди. Долзарб ва таҳлилий мақолаларни чоп этишдан, факт ва рақамлар билан ишлашдан ўзини четга оладиган оммавий ахборот воситаси жамиятда ўз ўрнини ва мавқенини йўқотиши ҳеч гап эмас.

Айримларнинг эълон қилинаётган материалларда мазмун эмас, шакл бирламчи бўлиши кераклиги борасидаги қарашлари ҳам унчалик тўғри эмас. Ёшлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижасига кўра²⁰, газета материалларида ўқувчиларни кўпроқ прагматика, яъни нима ҳақида гап кетаётгани (хабар берилаётгани) қизиқтиради. Ундан

¹⁹ В. В. Ворошилов. “Журналистика”, 325-бет, Санкт-Петербург-2001.

²⁰ Андреева А.А. Методика преподавания психологии журналистики и проблемы современной журналистики. М., 2005

кейинги ўринда синтаксис, яъни материалнинг баён этилиш шакли, энг охирги ўринда эса семантика, яъни мазмуннинг ҳақиқатга нечоғли мослиги туради.

Аммо бундан бадиий маҳорат ҳеч қандай аҳамият касб этмас экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Аксинча, журналист маҳорати акс этмаган ҳар қандай қизиқ мавзу ҳам факт, рақам ва далиллардан иборат маълумотномага айланиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мўминов Ф.А. “Социология ва журналист фаолияти”. “Университет”. 1995.
2. Андреева А.А. Методика преподавания психологии журналистики и проблемы современной журналистики. М.,
3. Кузин В. Психологическая культура журналиста: Уч. пособие. СПб., 2001.
4. Кузин В. Психология журналистики: программа курса и методические указания. СПб., 2000.
5. Кузнецов М., Цыкунов И. Практическая психология ПР и журналистики: Учебно-практич. пособие. М., 2003.
6. Корконосенко С.Г. “Основы журналистики”, Москва-2002.
7. Мельник Г. Психология профессионального общения в журналистике: Уч. пособие. СПб., 2001.
8. Маркелов К. Самоактуализация журналиста (Развитие профессиональной мотивации). //Вестн. Моск. ун-та. Сер. 10. Журналистика. 1994. № 5. С.17-22.
9. Мельник Г. Психология профессионального общения в журналистике: Уч. пособие. СПб., 2001. Ч.1.
10. Олешко В.Ф. Журналистика как творчество. Уч. пособие. М., 2003.
11. Перепечина Г. Эмпатия – профессионально важное качество тележурналиста.//Вестн. Моск. ун-та. Сер. 10. Журналистика. 1998. № 5. С.12-25.
12. Пронин Е. Психологические проблемы современной журналистики. //Проблемы медиапсихологии. М., 2002. С.5-18.
13. Пронина Е. Психология журналистского творчества. М., 2002.
14. Пронина Е. Категории медиапсихологии. //Проблемы медиапсихологии. М., 2002. С.145-55.
15. Пронина Е. Программа дисциплины “Психология журналистики”. М., 2001.
16. Пронина Е. Психологические основы творческой работы репортера. Уч. пособие. М., 2001.
17. Психологические основы журналистики. //Общепрофессиональные и специальные дисциплины факультета журналистики. Программы курсов. М., 1998.
18. Социология журналистики. //Под ред. Е.П. Прохорова. М., 1981.

Бешинчи боб Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг хуқуқий асослари

Бугунги кунда республикамиизда ҳар бир фуқаронинг, ОАВнинг ва журналистларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар яратган асарларнинг дахлсизлигини таъминлаш ва эркин фаолият кўрсатишлари билан боғлиқ йўналишда изчил давлат сиёсати олиб борилмокда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиизда журналистика соҳасида эришилган ютуқлар қаторида журналистлик ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Оммавий ахборот воситалари фаолияти бевосита конституциявий, халқаро ҳуқуқий ва тегишли қонунчилик асослари орқали мувофиқлаштирилади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий принциплари

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида халқаро ҳуқуқнинг субъектидир. Бу мақом мамлакатимизга айни пайтда халқаро ҳамжамиятнинг умумэътироф этилган қонун-қоидаларига риоя қилиш масъулиятини ҳам юклайди. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунларимизнинг деярли барчасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги таъкидланган.

ОАВ фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан ахборот сиёсатига доир тузган битим ва шартномаларини келтириш мумкин. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ахборотни излаш, олиш, тарқатиш жараёнлари ва ОАВ фаолиятини бевосита ёки билвосита тартибга солувчи дастлабки нормалар ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида: “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиксиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”, - дейилади. Мазкур масала Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда янада аникроқ баён этилган. Чунки, ахборотларни бундай тартибда излаш, олиш, тарқатиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги каби қонуний муҳофазадаги субъектларга дахл қиласлиги лозим. Шу нуқтаи назардан мазкур ҳолат Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасида қуидагича ўз аксини топган: “Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ... турли ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади». Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ўз ўрнида журналист зиммасига алоҳида мажбурият ва масъулият юклайди. Бу ҳолат табиийки, айрим чеклашлар билан боғлиқ, яъни а) шахсларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилиш; б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки маънавиятига дахл қиласлигига х.к.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг Конституциявий асослари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизнинг асосий қонуни ҳисобланади. Яъни барча қонунларимиз Конституция асосида қабул қилинади ва унга зид келмаслиги шарт. Демак, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишида ҳам ана шу тамойил асос бўлиб хизмат қиласди. Бош қомусимизда ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуки ва ОАВ фаолиятининг Конституциявий асослари ўз аксини топган. Жумладан, Конституциямизнинг алоҳида битта боби, яъни 15-боб “Оммавий ахборот воситалари” деб аталади. Мазкур бобнинг 67-моддасида: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, деб ёзилган.

Сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуки Конституциямизнинг 29-моддасида аниқ белгилаб қўйилган: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги факат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган маълумотлар билан танишиш имконияти эса 30-моддада ўз аксини топган: “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини яратиб бериши лозим”.

Конституцияда белгиланган бу ҳуқуқлар матбуот ва ахборотга доир бир қатор соҳа қонунларида тўлиқ ўз аксини топган.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонунчилик асослари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар, қонун ости ва меъёрий хужжатлар оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонунчилик асослари сифатида тушунилади.

ОАВ фаолиятига билвосита тааллуқли бўлган қонунлар қўйидагилардир:

1. “Алоқа тўғрисида”. 1992 йил 13 январда қабул қилинган.
2. “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган.
3. “Радиочастота спектри тўғрисида” 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган.
4. “Реклама тўғрисида” 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган. Ушбу қонуннинг мақсади рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, энг муҳим вазифалардан бири – юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантиришдир.
5. “Телекоммуникациялар тўғрисида” 1999 йил 20 августдан кучга кирган.
6. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 майда қабул қилинган.
7. “Почта алоқаси тўғрисида” 2000 йил 31 августдан кучга кирган.
8. “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган. Дастреб ушбу қонун 1993 йилда қабул қилинган эди.
9. “Электрон ракамли имзо тўғрисида” 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган.
10. “Электрон хужжат айланиши тўғрисида” 2004 йил 29 апрелдан кучга кирган.
11. “Электрон тижорат тўғрисида” 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган.
12. “Электрон тўловлар тўғрисида” 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган.
13. “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган.

Бундан ташқари, оммавий ахборот соҳасини бевосита тартибга солувчи алоҳида қонунлар ҳам ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилмоқда. Улар қўйидагилардир:

1. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (янги таҳрири) ги Қонун 2007 йил 15 январдан кучга кирган. Бу қонуннинг мақсади оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолияти тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, шунингдек, чет давлатлар оммавий ахборот воситаларига улар маҳсулотининг Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатилиши билан боғлиқ муносабатларга нисбатан тадбиқ этилади. Янги таҳрирга ушбу қонунда оммавий ахборот воситаларига аниқ ва батафсил таъриф берилди. Бунда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газета, журнал, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситаларидир, деб белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу қонунда оммавий ахборот воситалари соҳасига тегишли бўлган зарур талаблар ўз аксини топган.

2. “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган. Ушбу қонунда журналистнинг журналистик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишнинг хуқуқий асослари ҳамда унинг хуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, шунингдек, журналистга хуқуқий ва ижтимоий кафолатлар берилиши ҳам кўрсатилган.
3. “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун 1996 йил 30 августда қабул қилинган. Ушбу қонун ҳам ахборот-коммуникация ва босма медиа бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлардан ҳисобланади.
4. “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонун 2006 йил 20 июлда қабул қилинган. Ушбу қонуннинг мақсади фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик хуқуки),

ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош хукуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

5. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган.

Ушбу соҳани ривожлантириш ва тартибга солишга бағишлиланган қатор бошқа меъерий хужжатлар – Президент фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси мазкур соҳанинг муҳим хуқуқий базасини ташкил этади.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари:

1. “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 1997 йил 23 июлда қабул қилинган.
2. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2002 йил 30 майда қабул қилинган.
3. “Хорижий давлатлар аудио-визуал маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатиш тартиби тўғрисида” 2006 йил 7 февралда қабул қилинган.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари:

1. “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 2 июнда қабул қилинган.
2. “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 8 июлда қабул қилинган.
3. “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва уни хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 8 августда қабул қилинган.
4. “Миллий ахборот-коммуникация тизимининг компьютер хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 5 сентябрда қабул қилинган.
5. “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрда қабул қилинган.
6. “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” 2006 йил 20 июнда қабул қилинган.
7. “Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик химоясини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 3 апрелда қабул қилинган.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

1. “Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 2 феврал № 52
2. “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 22 ноябрда қабул қилинган.
3. “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш хуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 24 октябр № 421
4. “Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун хақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2001 йил 26 октябр № 429
5. “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида” 2002 йил 27 сентябр № 336
6. “Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2002 йил 7 ноябр № 385
7. “Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2002 йил 17 декабр № 454
8. “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 17 май № 215
9. “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 11 июн № 274

10. “Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чоратадбиrlари тўғрисида” 2004 йил 24 ноябр № 555
11. “Телерадиоэшилтириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишиша таъминлаш чора-тадбиrlари тўғрисида” 2004 йил 20 декабр № 592
12. “2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида” 2005 йил 19 май № 128
13. “Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 16 август № 200
14. “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 22 ноябр № 256
15. “ZIYONET” ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида” 2005 йил 28 декабр № 282

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ўз фаолияти мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Фуқаролик – процессуал, Жиноят, Жиноят – процессуал, Жиноят – ижроия, Хўжалик – процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари меъёrlарига қўра иш юритиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари инсоний мезонларга ҳурмат назари билан қараб, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати, эътиқоди ёки шахсий ҳаётлари билан боғлиқ масалаларга путур етказмасликлари, давлат сири, шунингдек, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга дахл қилмасликлари лозим.

Фуқаролик кодекси ва бир қатор қонунларда шахсий-номулкий ва мулкий хукуклар доираси, инсон шаъни ва қадр-қиммати тушунчаси, тижорат сирлари каби масалаларга аниқ таърифлар берилган. Фуқаролик кодексида конфедициал ахборотлар, тижорат сири, ишchanлик обрўси ёки шахсий сирларга путур етказувчи ахборотларни тарқатмаслик борасида чеклар мавжуд. Ҳар қандай ОАВ ўз фаолиятини амалга оширап экан, у албатта қонун билан қўриқланадиган мазкур хуқуқ ва эркинликларга путур етказмаслиги лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ОАВнинг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, ваколатини янада ошириш, муассислар билан таҳририятлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Конунга киритилган ўзгартиришлар фикримизнинг далилидир.

**Иккинчи қисм
Журналистикада жанрлар таснифи
Биринчи боб
Ахборот жанрлари**

Хабар

Замонавий журналистикада янгиликлар соҳаси тобора ривожланиб бормоқда.

Журналистиканинг тезкор ахборот манбаи бўлган бу тури инсонни қисқа вақт ичida воқеа-ҳодисалардан хабардор қиласи ва жуда ҳам катта ахборот оқими ичдан кераклisisини танлаб олишга ёрдам беради. Халқаро журналистикада ҳам хабар бошқа жанрлар ичida етакчиidir. Ахборот жанрларини ўқувчига маълумотни етказиш усулига қараб бир неча гурӯхга бўлиб ўрганиш мумкин. Уларнинг биринчи гурӯхи ўз ичига хабар, репортаж, ҳисоботни олади. Чунки айнан ана шу жанрлар ўқувчилар аудиториясига маълумотни тезкор равишида етказади ва кўп ҳолатда уларнинг асосида янгилик ётади. Хўш, янгилик нима ўзи?

Янгилик сифатида биз ўқувчилар аудиториясига маълум бўлмаган воқеликни тушунамиз. Аммо ҳар қандай янгилик ҳам ўқувчини қизиқтира оладими? Бу нарса унинг долзарблилиги билан боғлиқ. Долзарб ахборот аудиториянинг эътиборини тортади, унда қизиқиш уйғотади. Аммо далиллар ҳам ҳудудий бўлиши мумкин. Кичик бир жойда содир бўлган воқеа кўпинча ўша ерлик аҳолини қизиқтиради. Аммо айрим ҳолларда шундай воқеа умуммиллий муаммони ўзида акс эттираса, бутун бир мамлакатда унга бўлган қизиқиш уйғонади.

Долзарб ахборот излаган журналист, аввало, хабар ва янгиликни бир-биридан фарқлай олмоғи лозим. Янгилик - бу бошқаларга нотаниш янги маълумот бўлса, хабар – маълум нарса хусусидаги янги ахборотдир. Масалан, эндиликда ҳаммага маълум ва машҳур бўлган аспирин кашф этилган вақтида журналистлар уни янгилик сифатида матбуотда ёритган эдилар. Яқинда олимлар томонидан аспириннинг қон қуюлишининг олдини олишдаги хусусияти аниқланди. Бу ҳақдаги хабар кўплаб газеталар ва интернет нашрларида зудлик билан эълон қилинди.

Аудитория учун қизиқ бўлган янгиликни ўз вақтида тайёрлаб етказиш журналистнинг, қолаверса, тегишли ОАВ нуфузини оширади.

Хабар, асосан нима? қаерда? қачон? каби саволларга жавоб бериб, унда асосий далиллар биринчи ўринда туради. Кўп ҳолатда янгилик ва хабарлар 10-20 қатордан ошмай, икки ёки учта жумладан ташкил топади, холос. Муаллиф воқеа ва ходисага изоҳ бермайди, аксинча, уни қисқа ва лўнда шаклда ўқувчига етказади.

Халқаро амалиётда янгилик ва хабарнинг қуидаги хусусиятларига эътибор қаратилади:

- фақат далилларни бериш;
- деталлар кўплигига эътибор қаратиш;
- шахсий фикрнинг йўқлиги;
- мавзунинг долзарблиги;
- асосий воқеанинг биринчи ўринга қўйилиши.

Айнан шу усул “тўнтарилган эҳром” деб номланади.

Янгиликларни ёзишнинг мазкур услуби XIX аср ўрталарида электрон телеграф ихтиро қилинганидан сўнг пайдо бўлиб, журналистларга илк бор хабарни таҳририятларга узокдан жўнатиш имкониятини берди. Аммо бу йўл билан узатиладиган ахборот жуда ҳам қисқа ва аниқ бўлиши керак эди. Чунки у Морзе алифбоси билан жўнатилар ва алоқа исталган вақтда узилиб қолиши мумкин эди. Алоқанинг бундай оддий усули журналистикани тезкорлик даражасига кўтариб, фақат энг муҳим ахборотнигина узатишга интиладиган янгича услугга асос солди.

Оддий хабар ёки янгилик ҳам ўқувчи эътиборини жалб қиласидиган сарлавҳа остида берилса, маълумотнинг қиймати бир неча баробарга ошади²¹.

Ҳисбот

Ҳисбот журналистикада энг кўп қўлланиладиган жанрлардан биридир. Тилининг қуруқ ва расмийлиги жиҳатидан мазкур жанр муайян ўқувчилар аудиторияси эътиборини жалб этиши мумкин. Бу турли хил илмий анжуманлар, йиғилишлар, симпозиумлар, семинарлар тўғрисидаги маълумотдир. Айнан уларнинг якунида турли хил режалар, қарорлар, баёнотлар қабул қилинади. Ушбу хуносалар аудиторияни қизиқтирадиган ахборот ҳисобланади. Ҳисбот муаллифи бўлиб ўтган воқеликнинг асосий ҳолатларини ўқувчига етказишга ҳаракат қиласи. Баъзи ҳолларда воқелик ривожини кузатиш мумкин.

Журналист ўз олдига ҳисботда мажлислар залини ёки қатнашчилар ҳолатини тасвирлашни мақсад қилиб қўймайди, балки ортиқча дабдабасиз, ўзи кўрган ва эшитган нарсаларни шарҳламай ўқувчига етказади.

Журналист ҳисботда албатта қабул қилинган қарорни содда тилда бера олиши лозим. Энг асосийси, ўқувчини зериктирадиган ва газетанинг бутун бир саҳифасини эгаллаган ҳисботлардан қочиш лозим. Тажрибали журналист энг зерикарли йиғилишларда ҳам ўқувчини қизиқтирадиган янгиликни биринчи ўринга чиқариб, ҳисботни ўқимишли қила олади.

Репортаж

Жаҳон журналистикаси амалиётида репортаж газета ва журналларнинг етакчи жанрларидан бири сифатида ривожланган.

²¹ Ж.А.Кримски. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Т., 2003 й., 21 бет.

Лотин тилидан олинган «reportare» сўзи «узатмоқ», «хабар бермоқ» деган маъноларни англатиб, журналистика тараққиётида XIX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган. Унинг дастлабки кўринишлари суд мажлисларидан, парламент дебатлари ва бошқа йиғинлар ҳақидаги материаллар тарзida берилган. Кейинроқ бундай турдаги газета матнлари «ҳисобот» деб аталгани боис «репортаж» бирмунча бошқача мазмундаги материалларга нисбатан қўлланиб, сўзлаб бериш, тасвирлаш маъносини англатар ва шу жиҳатдан улар замонавий очеркларга ўхшаб кетарди. Аммо «репортаж» ахборот жанри, «очерк» эса бадиий-публицистик жанр ҳисобланиб, мазмун-моҳиятнан бир-биридан фарқ қиласди.

Репортаж ўзининг белгилари билан ахборот жанрларнинг барчасига (ахборот бериш, ҳикоя қилиш, тўғри нутқ, бўёқли чекиниш, персонажларни таснифлаш, тарихий чекиниш ва бошқалар) мос келади. Репортаж жанрига қуидагича таъриф бериш мумкин:

Репортаж — журналистиканинг муҳим жанрларидан бири ҳисобланиб, содир бўлган муайян воқеа, ҳодиса, вазият, жараённинг бевосита журналист иштироки ва кузатуви орқали тасвирлаб бериш, оммани шу воқеликдан кенгроқ хабардор қилишдир.

Репортажнинг предмети — содир бўлган воқеа-ҳодисадир.

Репортажнинг асосий хусусияти воқеа, ҳодиса, жараён, вазиятни репортёрнинг шахсан иштирокида аниқлик, хужжатлилиқ, воқеликни қандай бўлса, шундайлигича ёритилиши билан белгиланади.

Репортажнинг методлари информацион жанрларга тааллуқли (маълумотларни йиғиш, кузатиш, фактларни қиёслаш, анализ, саволлар бериш, қисқа диалог, иштирокчилар гувоҳлигида содир бўлган воқеа ривожини баён қилиш каби) барча усуллар киради. Бу усулларнинг ичидаги кузатиш услуби етакчилик қиласди.

Репортажнинг турлари. Репортаж воқеликнинг ривожи ва унинг натижаларини кетма-кетлика ҳикоя қилиниши, содир бўлган ҳодисанинг долзарблиги, жамият учун қанчалик аҳамиятга моликлиги, мавзунинг ранг-баранглигига қараб воқебанд, мавзули ва муаммоли турларга бўлинади.

Воқебанд репортаж жамият ва халқ ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик воқеалар асосида тайёрланади. Унинг асосий хусусияти содир бўлган воқеа, ҳодисанинг жамоатчиликка дахлдор ёки диққат марказида бўлган жиҳатини тасвирлаб бериш билан белгиланади. Мисол учун, Наврӯз сайлидан репортаж, сессия залидан тайёрланган репортажлар воқебанд репортажлардир. Бугунги матбуот нашрларида бериладиган репортажларнинг аксариятини воқебанд репортажлар ташкил этади.

Муаммоли репортаж бирор бир воқеа, ҳодиса мисолида жамиятда учраб турадиган типик хато ва камчиликлар очиб берилади. Репортажда муаммо қанчалик тор доирада олинса, уни шунчалик атрофлича очиб бериш мумкин бўлади. Мисол учун транспорт қатновидаги муаммони олайлик. Тўғри, бу бошқаларнинг назарида арзимаган муаммо бўлиши мумкин. Аммо шу билан боғлик бутун жараённи, айтайлик, ҳар куни эрталаб манзилга шошилаётган йўловчиларнинг бекатларда туриб қолиши ва автобусларнинг баъзан тўхтамай ўтиб кетиши, ҳайдовчиларнинг бундай иш муносабати сабабларини ўрганиш, кузатиш, изчил тасвирлаб бериш муаммоли репортажнинг вазифасидир.

Мавзули репортажда журналист томонидан ишлаб чиқилган муайян мавзу асос қилиб олинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оиласарни мөддий ва маънавий қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича репортаж тайёрлаш мумкин. Бунда репортёр ёш оиласарнинг яшаш тарзи, шароитларини ўрганади, кузатади, уларнинг кайфияти, қарорга бўлган муносабатларини очиб беради. Шу билан бирга тўғридан-тўғри нутқдан, қисқа диалоглардан ҳам фойдаланилади. Репортажларнинг ҳажми – 100 сатрдан кам бўлмаслиги керак.

Замонавий матбуот нашрларида муаммоли репортажлар кам учрайди. Мавзули репортажлар ҳам кўп эмас. Ахборот жанри сифатида эътироф этилаётган воқебанд репортажнинг янгилик хусусияти «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока», «Тошкент оқшоми» газеталарда чоп этилиши ўзини оқлар, аммо ҳафтада бир марта ёки икки-уч марта чиқадиган газеталарда репортажнинг ахборотни тезкор етказиш функциясига путур етмайдими, деган савол пайдо бўлади. Балки айнан шу жиҳат сўнгги пайтларда репортаж жанридаги чиқишлар

камайиб кетаётганига сабаб бўлаётгандир, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Чиндан ҳам воқебанд репортажда тезкорлик муҳим аҳамият касб этади. Аммо муаммоли, мавзули репортажларда ахборотлар дарров эскирмайди. Чунки уларда жамоатчиликка маълум бўлмаган муайян мавзу ёки муаммога тааллукли янги ахборотлар берилади.

Репортаж ёзиш техникаси ҳақида гап кетганда қуидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

1. **Репортаж ёзиш техникасини яхши ўзлаштириш** — журналистлар репортаж тайёрлаш билан боғлиқ назарий билимларни билишлари ва ёзиш техникаси ҳақида максимал тасаввурга эга бўлиши лозим;
2. **Кузатиш қобилиятини ривожлантириш** — репортаж тайёрловчи журналистларда кузатиш қобилияти яхши ривожланган бўлиши керак. Биргина мисол, репортёрлар ахборотнинг аксарият қисмини кузатув натижасида эмас, балки эшитган ёки ўқиган хабарлари асосида тайёрлайдилар. Кўпинча, матбуот хизматлари томонидан тайёрланган «пресс-релиз» ларнинг ўзи ҳам репортаж (айниқса теле-, радиорепортаж)нинг асосини ташкил қилмоқда. Аммо бу нотўғри, чунки журналистнинг ўзи воқеани ўз кўзи билан кўриши, жараённи кузатиши ва шу асосда материал тайёрлаши лозим;
3. **Репортажга мавзу танлай билиш.**
4. **Воқеанинг мазмун-моҳияти, йўналишини тўғри тушуниш.** Масалан, янги мактаб очилиши ҳақида репортаж тайёрланаётганда, асосий эътибор тадбирга қаратилади. Ваҳоланки, нима учун айнан шу худудда мактаб қурилгани, бу ердаги демографик вазият, таълим ёки ижтимоий аҳвол хусусида тегишли шахслардан интервью олиш репортёрнинг ҳар доим ҳам хаёлига келавермайди. Аммо ана шу жиҳатларга эътибор қаратилса, репортаж қизиқарли ва мазмунли чиқади.
5. **Журналист аниқликка эътибор бериши лозим.** Репортёр кўпинча асосий воқеага эътиборни қаратиб, ундаги айрим деталларга жиддий аҳамият бермайди. Натижада, далилларни баён этиш жараённида ноаниқликка йўл қўяди. Бу эса журналистларга нисбатан ишончни сусайтиради.
6. **Ахборотни биринчи манбадан олишга интилиш** ва айни пайтда бошқа манбаларни ҳам ҳисобга олиш зарур, яъни тадбир ташкилотчиси фикр-мулоҳазалари билан чекланиб қолмасдан, бошқа иштирокчилардан ҳам ахборот олиш мақсадга мувофиқдир;
7. **Воқеанинг асосий деталларига нисбатан сезирлик жуда муҳим.** Кўпинча катта тажрибага эга журналистлар ҳам содир бўлган воқеанинг айрим деталларига эътибор қаратмайдилар. Натижада бир томонлама, кўпгина ҳолатларда мақтов бўёклари бўрттирилган репортаж яратилади.
8. Репортажда муаллиф иштироки муҳим эмас, деган фикрдан қочиш керак. Муаллиф иштироки воқеани ишончли ва таъсирчан чиқишини таъминлайди.

Босма ОАВ репортажларида воқеа-ходисалар, атроф-муҳит манзараси, одамларнинг кайфияти ва хоказо жиҳатлар асосан сўз воситасида ифода этилади. Шу боис газета-журналларда фаолият юритадиган ва репортаж тайёрлайдиган журналист зиммасига катта масъулият юкланди.

Репортаж орқали «ҳаётнинг бир парчасини» кўрсатиш у ҳақда ўқувчига имкон қадар тўғри, холис ахборот бериш аҳолининг журналистикага бўлган ишончини орттиришга хизмат қиласди.

Интервью

Ахборот жанрларининг иккинчи гурухини диалог материаллар, яъни интервью ва унинг турлари ташкил этади.

Интервью ахборот жанрларининг энг асосийларидан бири бўлиб, у ўқувчига ахборотни илк манбадан бевосита олиш имконини беради. Интервьюнинг асосий мақсади — нафақат бирор бир воқеани ёритиш, балки ана шу воқеа хусусида муайян шахсларнинг фикрини ҳам беришдир. Мазкур жанр турларининг барчасида икки ёки ундан ортиқ одам ўзаро мулоқотда бўлади ва шу орқали воқелик тўлдирилиб, керакли далилларга аниқлик киритилади. Интервьюнинг қуидаги турлари мавжуд: интервью-монолог, интервью-диалог, блиц-

интервью, давра сұхбати (полилог). Ўзбекистон матбуотида асосан интервью-диалог, давра сұхбати (полилог) күпроқ құзға ташланади.

Интервью-монолог бир ёки бир неча саволга умумий жавоб олишдир. Журналист саволларни респондентни таништиришдан олдин ўртага ташлайди ва сухбатдошларнинг барчасидан алоҳида-алоҳида жавоб олади.

Интервью-диалог асосан респондент билан юзма-юз қурилган сұхбат. Бунда журналистдан зарур ахборотни олиш учун сұхбатни керакли үзенгі буришда алғатта маҳорат талааб этилади.

Блиц-интервью — жуда тезкор ва қисқа бир саволга уч-тўрт респондентдан олинган жавобдир. Интервьюнинг бу тури бир воқеага бир неча хил муносабатни яққол кўрсатиш имконини беради.

Полилог – давра сұхбати бир муаммо хусусида эксперт-мутахассислар билан даврада сұхбатлашишдір. Ҳар бир мутахассис муаммо ечимини ўз нұктаи-назаридан келиб чиққан ҳолда бериши сұхбатга жон ва ранг-баранглик бағш этади. Журналистнинг сұхбатни қизиқарли саволлар билан улаб бориши интервьюнинг бу турига кенг ўқувчишар аудиториясини жалб этиш имконини беради.

Яхши интервьюни уюштира билиш ҳақиқий санъатдир. Чунки респондент (сұхбатдош)нинг кайфиятига журналистнинг савол оғанғи, хатты-харакатлари таъсир қилиши мүмкін. Интервью олишда бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси жанр самарадорлигини таъминлайди.

Сұхбат самарадорлигини таъминлаш учун интервью давомида респондент ҳаракатларига эътибор беринг²².

Респондент ҳаракатлари	Бу нимани англатади?
Кўллар чўнтақда	Бошқаришни яхши кўради
Кўллар кўкрак устида чалиштирилган	Сир бой беришни ёқтирамайди
Кўллар кўкрак устида мушт қилиб тугилган	Эгоист, ахборот беришни ёмон кўради
Кўллар белда	Эҳтиёткор
Кўллари стол устида	Худбин
Кафтларига таянади	“Мени эшит”
Тирсаклар стол устида	Сичқон-мушук ўйнашни хуш кўради
Кафтларини қашлайди	Кимнидир, ниманидир кутади
Кафтларини силайди	Сухбатдошдан яхшилик кутади
Кафтларини артади	Асабий
Сухбат чоғида майда-чуйда нарсаларни теради	Сухбатдан қониқиши ҳосил қилмаганини кўрсатади
Кўллар стол устида, гавда олдинда	“Тезроқ тугатайлик”
Бармоқлар бир-бирига чалиштирилган	Хурмат кутади
Бармоқлари билан столни чертади	Шошилаяпти
Сухбат давомида кўллар ҳаракатда	Сухбатни бошқаришга ҳаракат қиласди
Боши билан кўлига таянади	Сухбатни давом эттирмоқчи эмас
Кўллари бошининг орқасида	“Мен ҳаммасини биламан”
Кўллари чўнтақда, боши пастга эгилган	Хорғинлик аломати
Кўллар орқада, боши бир тарафга эгилган	Сабрсизлик аломати
Ҳар бир гапдан сўнг қўли билан оғзини беркитади	Ёлғон гапирайяпти
Тез-тез қулоқларини ушлайди	Сухбатдошини гапини бўлишга ҳаракат

	қиласы
Тез-тез күзларини ишқалайды	Үзига нисбатан ишончсызлик
Энгагига таянады	Үйламоқда
Сұхбатдош күзига тик боқмайды	Айбдорлик хисси мавжуд
Пастга қарайди	Бу билан у саволга “йўқ” дея жавоб бермоқчи
Пастга қараб, жилмаяди	Розилик аломати
Оёклар чалиштирилган	Химояда
Оёклар чалиштирилган, аммо ҳаракатда	“Ҳаммаси жонга тегди”
Күзойнак бандини тишлайды	Саволларга жавоб бермоқчи эмас

Интервьюга қўйиладиган талаблар

Албатта, сұхбат чоғида респондентнинг ўзини қандай тута билиши ҳам муҳим, чунки интервью олаётган шахс ҳам ўзини унга монанд тутади. Аммо бу жараёнда журналистнинг респондентга берадиган саволларини қай тарзда ва оҳангда бериши муҳим аҳамиятга эга.

Агар журналист саволларни илтимос оҳангидаги берса, сұхбатдоши унинг саволларини осонгина рад қилиши мумкин. Журналист сұхбатдошига ўзининг шошилаётган ёки асабийлашаётганлигини сира билдириласлиги лозим. Сұхбат илиқ оҳангда олиб борилгани маъқул.

Яхши интервью олиниши учун саволлар изчиллиги биринчи ўринда туради. Агар журналист савол беришни танқиддан бошласа, сұхбатдоши мулоқот давомида ўта ҳушёрликни қўлдан бермайди.

Интервьюга қўйиладиган асосий талаблардан бири, журналист сұхбатдоши фаолият кўрсатадиган соҳа ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши лозим. Жолэ Кримски самарали интервью олиш учун журналист қуидагиларга эътибор беришини маслаҳат беради²³:

Интервьюгача...

- саволлар кетма-кетлиги рўйхатини тузинг;
- берилиши мумкин бўлган жавоблар ва уларга ўзингизни қандай муносабатда бўлишингиз ҳақида ўйланг.

Интервью пайтида...

- ўзингизни таништиринг ва интервьюдан кўзланган мақсад ҳақида тушунча беринг;
- атрофдаги ҳолатни ўрганинг (сизнинг кузатишларингиз сұхбатни бошлаш учун асос бўлиши мумкин);
- интервью берувчига ўзини эркин сезишига имкон беринг, уни чалғитманг;
- агар диктофондан фойдаланмоқчи бўлсангиз, буни ундан яширманг;
- респондент билан қайси ахборот “матбуот учун” ва қайси ахборот “матбуот учун эмас”лиги ҳақида олдиндан келишиб олинг;
- “ҳа” ёки “йўқ” жавоблари билан қутилиб бўлмайдиган саволларни беринг;
- жавобларни диққат билан эшитинг, бутун диққат-эътиборингизни кейинги саволни ўрганишга сарфламанг;
- гарчанд интервью тасмага ёзиб олинаётган бўлса-да, муҳим ахборотни дафтарчангизга қайд этиб боринг;
- оғир ва нозик саволларни сұхбат охирида беринг;
- ўзингизнинг билимдонлигингизни намойиш қилманг ва таниқли шахслар билан танишлигингиз борасида мақтанманг. Бу интервью берувчиларнинг аксариятини кўнглини ғаш қиласы.

Интервюни тугатаётис...

²³ Ж.А.Кримски. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Т., 2003 й., 49-бет

- энг мұхим далилларни респондентдан қайта сүраб, яна бир бор текширинг;
- “Мавзуга алоқадор яна қандай фикрларингиз бор?” мазмунидаги саволни сұхбат охирида респонденттә беришни унутманг;
- алоқа қилиш мүмкін бўлган телефон рақамларини бир-бирингиздан олганингизга ишонч ҳосил қилинг;

Юқорида санаб ўтилган қоидаларнинг бажарилишида бир нокулайлик бор, яъни журналист ҳамиша ҳам респондентдан уларга риоя этилишини талаб қила олмайди. Интервью олишдан олдин респондентнинг сұхбатлашишга рози бўлиши учун муайян чекинишларга борган бўлишингиз эҳтимол. Кўпинча, журналист розилик олиш мақсадида респондентнинг интервьюни чоп этилишидан олдин бир кўриб бериш истагига рози бўлади. Бундай вазиятларда журналист топқирлигини намоён этиши ва интервью пайтида олдин келишилган шартларни юмшатишга ҳаракат қилиши лозим.

Фойдаланилган ва фойдали манбалар рўйхати:

1. Горохов В.М. Основы журналистского мастерства. М., 1984.
2. Гуревич С.М. Номер газеты. М., 2002.
3. Журналисты XX века: Люди и судьбы. М., 2003.
4. Кримски Ж. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиш асослари. ICFJ. 2003.
5. Ким Л.Н. Технология создания журналистского произведения. СПб, 2001.
6. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. М., 2000.
7. Лукина М.М. Технология работы с интервью. М., 2003.
8. Сагал Г. Двадцать пять интервью: так работают журналисты. М., 1974.
9. Тертычный А.А. Расследовательская журналистика. М., 2002.
10. Шостак М.И. Журналист и его произведение. М., 1998.
11. Шостак М.И. Репортер: професионализм и этика. М., 1999.
12. Шумилина Т.В. «Не могли бы вы рассказать...» М., 1976.

Иккинчи боб Таҳлилий жанрлар Корреспонденция

Корреспонденция хабарнинг кенгайтирилган шакли бўлиб, у нима, қаерда, қачон, нима учун, нега сингари саволларга жавоб беради ва ўзида таҳлил элементларини мужассамлаштиради. Жанрнинг асосий хусусиятлари қўйидагилар:

- далилларни қуруқ ва оддий баён қилиш чегарасидан чиқилади;
- далилларга асосланган ҳолда фикрлашга йўналиш беради;
- воқеа ва ҳодисалар ҳақида кенгроқ хабар беради;
- фактлар манбалар асосида журналист фикр-мулоҳазалари билан уйғулаштирилади;
- таҳлил факат далилларга таянади;
- қисман қарама-қарши фикрлар берилиши мүмкін.

Корреспонденцияга хос белгилар:

- вақтнинг мұхимлиги, яъни воқеа-ҳодиса қачон, қаерда бўлганини биринчи ёки иккинчи хатбошидаёқ айтиб ўтиш керак;
- баён учинчи шахс тилидан берилиши мүмкін;
- жумла ва хатбошилар қисқа бўлади;
- одатда бир хатбошида битта тушунча берилади;
- ҳар бир гапда кўпи билан 25 та сўз ишлатилади (кириш қисм, яъни лидда 20 тадан ошмагани маъқул);

- вақт ва саналар аниқ күрсатилиши шарт (“бир ҳафта илгари” эмас, айнан “25 август куни” деб күрсатиш лозим);
- энг мухим далиллар корреспонденциянинг бошида, иккинчи даражалилари эса охирида баён этилади.

Корреспонденция ўз мазмун-моҳиятига кўра репортажга яқинроқ бўлса-да, муайян жиҳатлари билан ундан фарқ ҳам қиласди. Биринчи навбатда, журналист воқеа содир бўлаётган пайтда унинг ичидаги бўлмаслиги мумкин. Корреспонденцияда воқеанинг асоси қисқа ва лўнда тарзда кўрсатилса репортажда айнан шу воқеа экспрессив, яъни ҳис-туйғулар баён этилган ҳолатда кўрсатилади ва натижада ўқувчида у ҳам шу воқеа жойида қатнашаётгандек таассурот пайдо бўлади²⁴.

Мақола

Мақола анализик жанрларнинг асосий тури бўлиб, у ўрганилаётган воқеа-ҳодисани тўлиқ ва чуқур ёритиш, далилларни умумлаштириш, ҳодисалар моҳиятининг қонуниятларини очиш унинг сабабини аниқлаш билан тавсифланади. Мақола халқаро журналистикада беш турга бўлинади – тарғибот элементларини мужассамлашган **бош мақола**, бирор бир муаммони ўрганиб, унинг келиб чиқиши ва ечимини кўрсатувчи, мавжуд воқеликни танқидий томондан ёритувчи **муаммоли ёки танқидий мақола**, бир-бирига боғлиқ воқеаларни умумлаштириб, уларни бир нуқтаи-назардан таҳлил этувчи **умумлаштирувчи мақола** ва воқеликни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиб берувчи **илмий мақола**.

Бош мақола - газета сонининг асосий йўналиши ва мавзусини ўзида мужассам этади. Муаммоли ёки танқидий мақола — жамият унинг оғриқли нуқталарини кўрсатиб беришда мухим роль ўйнайди ва воқеликни танқид остига олиш орқали унинг салбий оқибатларига тавсиф беришга хизмат қиласди. Умумлаштирувчи мақола бир неча воқеликнинг ўхшаш жиҳатларини кўрсатади ва уларга умумий баҳо беришда қўл қелади. Илмий мақола асосан журнallар учун мўлжалланган бўлиб, газетада кам учрайди ва воқеликни чуқур илмий равищда таҳлил этиб бериш учун қўлланилади.

Халқаро журналистикада мақоланинг тузилиши ўзбек журналистикасида меъёрга кириб қолган мақолалардан фарқ қиласди. Чет эл журналистикасида бир саҳифани эгаллайдиган мақола деярли учрамайди. Шунингдек, уларда “фельветон” жанри ҳам мавжуд бўлмай, у танқидий мақоланинг ўзиdir. Зукко муштариyда бу борада халқаро журналистика меъёрлари асосида хориж маданиятини сингдириш эмасми, деган савол туғилиши табиий. Аммо бугунги кунга келиб, халқаро журналистика меъёрлари аллақачон бир давлат чегарасидан чиқкан. Бутун дунёда ахборот оқими ва унинг ҳаддан зиёд кўплиги улар орасидан аҳамиятга молигини танлаб олишга имкон берувчи жанрларнинг ривожини тақозо этмоқда. Янгилик, хабар, корреспонденция, интервью, мақола шулар жумласидандир.

Бугунги тезкор асрда ўқувчида катта ҳажмдаги мақола ёки интервьюни ўқиб чиқиши учун вақт бўлмайди. Улар асосан мақоланинг лиди-кириш қисмигагина кўз югуртиришади ва агар қизиқиб қолсалар, уни охиригача ўқиб чиқишига вақт ажратишлари мумкин. Биз бу ўринда ўзбек журналистикасида қўлланиб келинаётган анъанавий мақола жанри услубини қораламоқчи эмасмиз, фақатгина халқаро аудитория нимага кўникканлиги хусусида маълумот бераяпмиз, холос.

Мақоланинг тузилиши

Лид - мақоланинг кириш қисмидир.

Лид:

- мақоланинг энг асосий “янгилиги” ни биринчи планга олиб чиқиши;
- воқеа-ҳодисанинг резюмеси, яъни қисқача асосини баён қилиш;
- ўқувчи мақоланинг нима ҳақда эканини дарҳол тушиниб этиши учун аниқ ва қисқа жумлаларда бериш;

²⁴ Ж.А.Кримски. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳrir қилиниши асослари. Т., 2003 й., 82-бет

- муштариининг диққат-эътиборини дарҳол жалб этиш керак.

Мақолага қўйиладиган талаблар

1. Мақоланинг матни бир мавзуни ўзида тўла акс эттирмоғи лозим.
2. Ҳар бир абзац бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдирмоғи керак.
3. Узун иқтибослар, қайтариқлардан қочиш, фикрларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш зарур.
4. Мақоланинг умумий тузилиши бир чизиқда кетиши шарт эмас (резюмелардан ҳам фойдаланиш мумкин).
5. Мақола хронологик тартибда ёзилиши ёки бошқа бирор бир мантиққа асосланиши мумкин.
6. Халқаро журналистика меъёрларига кўра мақола учинчи шахс номидан ҳам ёзилиши мумкин.
7. Муаллифнинг шахси материалда акс этмаслиги ҳам мумкин, лекин кўпгина ҳолатларда бунинг акси бўлади. Аслида биринчи шахс номидан журналист ўзи бевосита иштирок этган воқеа, ҳодиса хусусида тайёрлайди.

Мақола лиди ва матнини тайёрлашдан олдин ўзингизга бир нечта савол беринг:

1. Лид мақоланинг асосий гоясини очиб бера оляяптими?
2. У муаллифнинг фикрини ифода эта оладими?
3. Лидни қисқартириш мумкинми?
4. Лид аниқ, равшан ёзилганми? Уни нафақат Ўзбекистонда, балки дунёning бошқа мамлакатларида ҳам ўқиб тушуниш мумкинми?
5. Лид халқаро аудиториянинг эътиборини торта оладими?
6. Ўзингиз худди ана шу лидли мақолани ўқиган бўлармидингиз?
7. Сизнинг мақолангизда асосий мавзу борми?
8. Келтирилаётган иқтибослар мақола мазмунини тўлдириб, моҳиятининг тўлиқ очилишини таъминлайдими?
9. Мавзуга унчалик мос келмайдиган далилларни қандай қилиб мақолага киритиш мумкин ёки уларни ишлатмаган маъқулми?

Хуносага қўйиладиган талаблар:

1. Одатда янгилик киритилмайди.
2. Мавзунинг долзарблиги нимадан иборатлиги яна бир бор ўқувчига эслатиб ўтилади.
3. Муштарийга мавзу “тугаганлиги”ни идрок этиш имкони берилади.
4. Ўқувчи ёдида қоладиган образ ёки фикрга урғу берилади.

Тақриз

Тақриз лотинча “резенция” сўзидан олинган бўлиб, “қайта кўриб чиқиш, хабар қилиш, тавсиф, баҳо бериш” деган маъноларни англатади. Бу таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тақриз публицистика жанрларидан бири бўлиб, унинг асосини ижтимоий-сиёсий ва бадиий, адабиёт, санъат асарларига танқидий баҳо бериш ташкил этади.

Тарихий тараққиёт, журналистиканинг ривожи жанрларнинг муттасил шаклланиб боришига ҳам таъсир этмай қолмайди. Бу таъсир бевосита тақризга ҳам тааллуқлидир. Илгари тақриз фақат ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бадиий адабиётларга берилган бўлса, кейинчалик санъатнинг спектакль, концерт, кино, рақс, тасвирий санъат, рассомчилик каби турларига ҳам бериладиган бўлди, эндиликда телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларга ҳам, хатто моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларига ҳам тақриз - баҳо берилмоқда.

Тақриз муаллифи янги чиққан китоб, асар ҳақида батафсил маълумот бериш орқали уни ўқувчига тавсия қиласди, асар муаллифи ва ижодий жамоа ишига объектив баҳо бериб, йўл қўйилган камчилик ва уни бартараф этиш йўлларини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, тақризчи ёзувчи билан ўқувчи, олим билан унинг мухлиси, ҳаммаслаги орасида воситачидир.

Тақризчи иккита мақсадни ўз олдига қўяди. Биринчиси, ахборий билиш (идрок этиш), яъни асар ва унинг муаллифига тегишли бўлган турли хил ахборотлардан хабардор бўлиш, иккинчиси, тадқиқот орқали асарнинг ҳақиқий қимматини таҳлил қилиб бериш.

Бошқа публицистика жанрларидан фарқли ўлароқ, тақриз ҳужжатлиликка яқиндир. Тадқиқотчи ўз мулоҳазалари орқали асарда тасвиirlанган воқеаларни ҳаётий манбалар билан солиштиради, воқелик билан далилларни, ҳужжатларни бир-бирига нечоғли мос келишини ўрганади. Албатта, танқидий тақризнинг асосини ҳам худди корреспонденцияда, очерк, фельветон, репортаждаги сингари, факт ва ҳужжатлар ташкил қиласди. Фақат тақризда бу фактлар олим, адаб, рассом, актёр ижоди маҳсули сифатида қайта ишланади.

Тақризнинг мақола билан ўхшаш томони шундаки, ҳар иккала жанрда ҳам назариядан кўра ҳаётий масалалар кўпроқ кўрилади. Фақат, тақриз воқеликнинг бир бўлагига бағишиланса, мақоланинг тадқиқот обьекти бир қадар кенгроқдир.

Сўнгги пайтларда тақриз борган сари корреспонденция ва мақола жанрларига яқинлашаётганини кузатиш мумкин. Ҳатто тақриз элементлари тўла акс этган бу жанр тури камайиб кетаётганини эътироф этиш керак.

Тақризнинг бир неча турлари бор. Булар адабий-бадиий тақриз, театр тақризи, киносценарий тақризларидир. Шунингдек, тақризнинг жанрлар орасида ҳам турлари мавжуд. Масалан, тақриз-мақола, тақриз-очерк, тақриз-репортаж.

Тақризчининг диққат марказида аниқ бир ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бадиий асар турмоғи керак. Шу нуқтаи назардан бу жанрга баҳо берганда айтиш мумкинки, тақриз - ахборот ҳақидаги ахборотдир.

Асарнинг ютуқ ва камчилиги ҳақида гапиргандা, ёзувчи ижодида устувор бўлган асосий принципларни ҳам эсдан чиқармаслик талаб этилади.

Тақриз асосини тадқиқ қилинаётган асар таҳлили ташкил этади. Таҳлил ҳар томонлама мукаммал бўлиши лозим. Айтайлик, бирор фильм ҳақида тақриз ёзганда, муаллиф бутун эътиборни сценарийга қаратиб, унинг мукаммал чиқиши фильмнинг ютуғини белгилаган деб айтиши нотўғри. Чунки бу ўринда режиссура, ижрочилик маҳорати, костюмларнинг танланиши, мусиқанинг мос тушганлиги — барчасининг уйғунлиги фильм муваффақиятини таъминлаганини батафсил кўрсатиб бериши керак. Тақризчи кўпинча, бадиий асарларга тақриз ёзганда, унинг мазмунини ўқувчига хикоя қилиш билан чекланиб қолади. Аслида тақризчи асарда акс этган ҳолат ижтимоий ҳаётда, адабиётда, санъатда нечоғли янги ҳодиса эканига эътибор қаратиши керак.

Тақризчи, аввало, асар ҳақида айтмоқчи бўлган фикрини ўзининг аниқ позициясини белгилаб олиши керак. Агар асарнинг тўғри келган жойини таҳлил қилишга ҳаракат қилса, ўқувчини ўз қарашларига, берган баҳосига ишонтира олмайди. Тақризчининг вазифаси тушунарсиз нарсани тушунтириш, ноаниқ нарсани аниқлаштириш, мураккаб нарсани соддалаштиришдир. Демак, унинг бурчи муаллиф камчилигини топиб, уни бартараф этишга ёрдам бериш, ўқувчига эса асарни ишончли тарзда тушунтиришдир. Айни пайтда фақат танқид қилиш асар баҳосини туширади. Асардаги ёрқин образларни тақризда муваффақиятли танлаш, аниқ топилган деталь ва бошқа тасвирий воситалар шарҳи муаллиф мавқеини аниқлаштиради ёки асарнинг аниқ баҳосини кўрсатади.

Тақриз ёзиш аввало, таҳлил қилинадиган обьектни тўғри танлай билишдан бошланади. Объект танланганидан кейин уни таҳлил қилиш учун зарур манбалар йиғилади. Ана шу тайёргарлик жараёни тақризни муваффақиятли чиқишида муҳим роль ўйнайди. Масалан, театр танқидчилари аввало, эътиборни асар матнига қаратишади. Аслида эса театрга бориб, спектаклни кўришлари, ҳатто репетицияларни кузатишлари зарур.

Тақриз шартли равищда икки тизимли гурухга - фактли ва абстракт материаллар гурухига бўлинади.

Биринчи гурухда - тезислар, шарҳлар, асарнинг назарий шархи, муаллиф позицияси, унинг асарга муносабати ўрин олади. Иккинчисида - асардан мисол келтириш, алоҳида эпизодларни тасвиirlаш асосий планга чиқади.

Шарҳ

Жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеа-ходисалардан воқиф бўлар экансиз, дафъатан унинг бирор мамлакат ёхуд жаҳон тақдирида қандай аҳамият касб этишини тасаввур қилишга қийналасиз. Бунинг учун аввало дунёда кечеётган воқеа-ходисалардан мунтазам воқиф бўлмоқ, уларнинг моҳиятини тўғри тушуниб, ҳамма ҳам кўришга қодир бўлмаган ўзаро боғлиқликни англаш зарур. Шу боисдан ҳам биз маълум воқеалар ҳақида хулоса чиқаришда шарҳловчилар талқинига эътибор қаратамиз. Мазкур жараёнда шарҳловчиларнинг билимдонлиги, зийраклиги, маҳорати ҳар биримизда маълум воқеага нисбатан жамоатчилик фикрининг шаклланишига кўмаклашишини кузатамиз. Демак матбуотда, умуман оммавий ахборот воситаларида шарҳларнинг ўзига хос ўрни ва вазифаси бор.

Шарҳнинг ўқувчиларга фойдали бўлган қўйидаги жиҳатлари мавжуд:

- воқеа-ходисалар ҳақидағи ахборотларнинг кўплиги туфайли юзага келган тушунмовчилик ва тартибсизликларни маълум бир қолипга солишга ёрдам беради;
- ўқувчиларни ОАВ томонидан узатилаётган ҳаддан ташқари кўп хабар ва янгиликларга боғланиб қолишдан сақлади;
- ўқувчиларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга ундейди;
- ўқувчиларда танқидий нуқтаи назарни шакллантириш кўникмасини ҳосил қиласди;
- муҳим ва жиддий муаммолар атрофида суҳбат ва баҳс-мунозаралар уюштиради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шарҳга қўйидагича изоҳ берилган: “Шарҳ бирор нарсанинг мазмунини, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш: изоҳлаш, изоҳ”. Шарҳ таҳлилий жанрнинг муҳим қисмларидан бири сифатида жамият ҳаётидаги ёки халқаро турмушдаги воқеа-ходисаларга муаллиф муносабатини ўзида ифода этади. Маълум воқеа-ходиса ҳақида тезкорлик билан берилган хабар, ахборот шарҳда бирмунча кенгроқ таҳлил этилади, маълум хулосалар чиқарилади. Шунинг учун назариётчилар шарҳ ёзиш бўйича қўйидаги қоидаларга амал қилиш лозимлигини таъкидлашади:

- Шарҳловчи фактларни рўй-рост ва тўлиқлигича ўқувчиларга тақдим этиши лозим. Шарҳни ярим ҳақиқатга асосланниб ёзиш ярамайди. Шарҳловчи ҳеч қачон ўқувчини била туриб янгиштирмаслиги, вазиятни нотўғри талқин этмаслиги ёки бирор кишини ноқулай вазиятга қўймаслиги керак.
- Шарҳловчи маълумотларнинг моҳиятига ва уларнинг яхшиликка хизмат қилишига асосланган ҳолда тасдиқланган фактлардан холисона хулоса чиқариши лозим.
- Шарҳловчи ҳеч қачон ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ёки бирор бир фойдани кўзлаб ўқувчига ўз таъсирини ўтказмаслиги лозим.
- Шарҳловчи ўз фикр-мулоҳазаларини мунтазам равишда ҳамма учун тушунарли тарзда етказиб бериши ва зарур бўлган жойда тузатишлар киритишдан тортинаслиги керак.
- Шарҳловчининг ўзида кучли эътиқодга ва ҳаётнинг демократик тамойилларига қатъий ишонч бўлиши зарур. У бирорнинг вижданни ва эътиқодини ҳақоратлайдиган ҳар қандай нарсани шарҳлашдан ўзини сақлаши керак. Кўпинча газета сахифалари битта фикрни илгари сурадилар. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай умумтўғри фикрлар аввало индивидуал (якка) шахсий фикрлар мажмуусидан пайдо бўлади. Шунинг учун ҳар қандай бошқача фикр эътибордан четда қолмаслиги керак. Шарҳловчи касбий дахлсизликнинг олий мезонларига риоя қилиши, ўз ҳамкасларини қўллаб-куватлаши лозим.

Журналистика ўз табиатига қўра субъектив ҳодисадир. У теварак-атрофда рўй берган воқеа-ходисаларга ўз муносабатини билдиришга мажбур.

Газеталарнинг ҳар бир сонини бош мақолосиз - муҳаррир шарҳисиз тасаввур қилиш қийин. Шарҳнинг ҳажми турли тарзда бўлиши мумкин.

Буюк британиялик журналист ва олим Девид Рэндалл шарҳнинг учта турини кўрсатади: очик, пардаланган ва ноихтиёрий шарҳ. Очик шарҳ - бу аниқ кўриниб турган нарсани шарҳлаш: журналист тўғри ва очиқасига ўз фикр-мулоҳазасини билдиради. Умуман олганда шарҳнинг ушбу кўринишидан дунё матбуоти аста-секин воз кечмоқда.

Шунинг учун одатда шарҳларнинг асосан пардаланган ёки ноихтиёрий турлари кўп учрайди. Шарҳнинг бу икки тури ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас. Ноихтиёрий шарҳ ўз номи билан муаллиф хоҳламаган тарзда, тасодифий вазиятдан келиб чиқиб ёзилиши мумкин. Зимдан

ҳаракат қилиш шархнинг ҳар иккала турига ҳам тегишли. Лекин ҳар иккаласининг ҳам йўналиши бир хил ва битта натижани кўзлайди.

Шарх маълум бир мавзу бўйича фикрлаш, тушунча беришни англатади. Шунинг учун ҳам шархлар:

- бирордан қасд олиш;
- ҳис- туйғуларни англатиш;
- шахсий манфаатларни кўзлаш;
- эмоционал ҳаяжонни етказиш воситаси бўлиши мумкин эмас.

Шархда:

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нимадир етказиб берилиши;
- ишонарли аргументлар келтирилиши;
- ахборотда аниқ муносабат акс этиши;
- ўқувчига тушунарли, равон тилда ёзилиши керак.

Ҳар бир материал:

- ўз услуби ва дастхатига эга бўлиши;
- фактларга баҳо бериш ва таҳлил қилиш тартиби асосига қурилиши;
- мақсад бирор мавзуга қаратилиши;
- янги жонли ракурс, баъзан зиддиятли услубда ифодаланиши;
- шарҳланаётган мавзуга ўқувчининг янгича нуқтаи назардан қарашига эришиш;
- хикоя қилиш эмас, кўрсатиб бериш;
- фикрни ўқувчига қарши қўйиш эмас, аксинча мисоллар келтириш орқали асослаш;
- муаллиф тажрибасига эмас, мавзуга эътиборни қаратиш;
- оҳангдаги узвий мутаносибликка амал қилишга (бирор оҳангни танлаб, охиригача шунга амал қилиш) асосланиши лозим.

Бирор нарсани шарҳлашда, аввало муаммони аниқлаш муҳим ҳисобланади. Демак, шарҳ ёзишдан олдин муаммони аниқланг. Сиз нимани муҳокама ёки ҳал қилмоқчисиз?

Тушунтирилиши ёки изоҳланиши зарур бўлган бирор нарса борми? Шархловчилар янгилик ёки ахборотни бир қолипга солиши шарт эмас. Шархлар чўзилиб кетиши ҳам керак эмас, кўпинча қисқа ва лўндаси таъсирли чиқади.

Имкониятлар рўйхатини тузинг. Муаммо мавжудлигини аниқлаганингиздан сўнг, сиз ўз билим ва тажрибангизни, ўзингиздаги мавжуд манбаларни яхшилаб кўздан кечиринг ва иложи борича кўпроқ ечимларни излаб топинг. Ҳар бир имкониятни кўриб чиқмагунча, битта ечимда тўхтаб қолманг.

Имкониятларни текширишга киришинг. Уларнинг ҳар бирига танқидий нуқтаи назар билан қаранг. Воқеликни таҳлил қилишга мос келадими? Агар мос келмаса, бу имкониятдан воз кечиш мумкин.

Энг тўғри жавобни, энг фойдали ечимни топгунга қадар ҳаракат қилинг. Шундан кейингина уни ўқувчилар хукмига ҳавола этинг.

Шархларда шархловчи ёки таҳририят позицияси қуидагича ифодаланиши мумкин:

- қарши позиция;
- бетараф позиция;
- қўллаб-қувватловчи позиция.

Келинг, мазкур позицияларни аниқ мисоллар асосида кўриб чиқайлик. Яъни, янги завод курилиши юзасидан имкониятларни белгилаб олайлик. Завод Тошкент шаҳрида қурилади. Лойиха баҳоси 1 миллион АҚШ доллари.

Қарши позиция: Табиатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари томонидан Тошкент шаҳрида янги саноат корхонасининг қурилиши пойтахт экологиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги айтилмоқда. Шунингдек, лойиха баҳоси ҳам жуда қиммат.

Бетараф позиция: Тошкент шаҳрида янги саноат корхонасининг қурилиши бўйича қабул қилинган янги лойиҳани табиатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари билан атрофлича муҳокама қилиш лозим. Шунингдек, лойиҳа қиймати юзасидан ҳам барча таклифларни ўрганиб чиқкан ҳолда якуний фикрга келиш керак.

Құллаб-қувватловчи позиция: Тошкент шаҳрида янги саноат корхонасининг қурилиши бўйича қабул қилинган лойиха пойтахтимизда ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллион АҚШ доллари ажратилиши ҳам мазкур корхона тез фурсатларда қурилиб, фойдаланишга топширилишидан далолат беради.

Шунингдек, шарҳда мактов ёки танқидий муносабат акс этиши мумкин.

Бош мақола шаклида ёзилаётган шарҳни қўйидаги қисмларга бўлиб олган маъқул:

- Кириш қисми. Мавзу ёки муаммонинг номиёқ унинг долзарб ёки муҳимлигидан далолат бериб туради. Ўқувчига нима ҳакида гапирмоқчи эканлигингиз маълум бўлсин.
- Асосий қисм. Асос ва далилларни тақдим этади. Бу бир томондан масаланинг муҳимлигини кўрсатса, иккинчи томондан уни рад этади. Бир томонлама асослаш оммага унчалик маъқул келмаслигини ёддан чиқарманг. Ўқувчига қарши томоннинг фикрини ҳам кўрсатинг.
- Якун. Вазиятни кўрсатади. Бу ўқувчини бирор нарсага ишонишга ёки бирор ҳаракат бошлашга ундаиди.

Шарҳлар танланган мавзуга қараб расмий ёки норасмий бўлиши мумкин.

Шарҳ ёзиш жараёнида воқеликни аниқлаш ва тасвирлашда қандай услублардан фойдаланилади? Шарҳнинг ҳам ўзига хос шартлари мавжудми ёки у фақат муаллифнинг айниятiga боғлиқми? Албатта, ҳар қандай ижод соҳасида у ёки бу мавзуга нисбатан муаллиф муносабати ифодаланади. Шарҳлаш жараёнида ҳам муаллиф мавзуга нисбатан ўз муносабатини, қарашларини белгилаб олиши, шахсий ёки умумий хulosалардан, сухбат ва иқтибослардан фойдаланиши мумкин. Мавзуни ўрганиш жараёни турлича кечиши мумкин, бу материални тадқиқ этишнинг ҳажми ва қандай усул ва услублардан фойдаланишга боғлиқ. Айнан мана шу танлаш эркинлиги воқеликни ўрганиш жараёнининг аниқ бир объектив омиллари йўқлигини келтириб чиқаради. Шундай бўлишига қарамасдан, баъзи бир умумий тамойиллар мавжудки, уларга амал қилмасдан туриб, мавзуни холисона ёритиш мумкин эмас. Турли миқёсдаги хабарларни диалектик нуқтаи назардан ёритиш зарур. Ушбу мураккаб муаммони публицистика вазифаларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосда ҳал этиш мумкин. Илмий таҳлил ва талқингина одамларга исботланган хulosалар, тавсиялар беради, ижтимоий фикрни шакллантира олади. Шарҳлашда кўп ҳолатларда кичик, алоҳида фактлардан умумлашма ва бутунлик томон интилиш характерли хусусият касб этади. Шунингдек, шарҳлашда индуктив услубдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки воқеликни айни ҳаётий вазиятларда ёритиш, алоҳида ҳодисалар, фактлар ҳакида хабар бериш шарҳнинг асосий хусусиятларидан биридир. Мазкур услуб ёрдамида холис ва тўғри хulosалар чиқариш учун фактларни излаб топиш ва уларни талқин этиш, келтирилган маълумотларни тўғри таснифлаш лозим. Чунки шарҳлаш жараёнида материалларни тўғри таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шарҳловчи воқеа ва фактларни, ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этаётганда нафақат унинг келиб чиқишини очиб бериши, балки унинг келажақда қандай ривож топишини ҳам кўрсатиб бера олиши керак.

Хат

Бадиий-публицистик жанрлар сирасида хат алоҳида ўрин, мавқега эга. Хат илмий адабиётда эпистоляр публицистика, дебномланади. Хат табиатан, моҳияттан публицистик жанр: унинг сўзлари чўғдор, ҳарорати баланд, бу унинг “соғлиги шикасталиги”дан эмас, аксинча, бардамлиги, соғломлиги, руҳий тетиклиги аломатидир.

Табиийки, ҳар қандай хат, мактуб таҳлилий жанр хисобланмайди. Масалан, одамлар, идоралар ўртасидаги ёзишмалар, шахсий мактубларнинг аксарияти шунчаки алоқа воситаси, холос. Хат муҳим ижтимоий-сиёсий мазмун-моҳият касб этган, салмоқли муаммони кўтариб чиққан, жамоатчилик фикрини қўзғатган, ифода этган тақдирдагина бадиий-публицистик жанр хусусиятларига эга бўлади. Баъзан муаллиф “ўта шахсий” деб ҳисоблаган мактуб кутилмаганда ўта ижтимоий маъно-мазмун касб этиши мумкин.

Хат - жуда қадимий ва кенг тарқалган жанр. Жаҳон адабиёти, публицистикасида мактуб шаклида ёзилган бир қатор шеърлар, поэмалар, ҳикоя, кисса, романлар, ҳатто драматик асарлар мавжуд. Хуллас, хат қадимий ва айни пайтда тобора ривожланиб бораётган, истиқболли бадиий-публицистик жанрлардандир. Мактуб Шарқ адабиётида, айникса, кенг тарқалган. “Нома” сўзи шеърий, насрый асарлар сарлавҳасидан ҳам жой олгани жанрга эътибор катта бўлганидан далолат бериб турибди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари ва бошқалар ўқувчига мурожаат шаклида ёзилганини номлари айтиб турибди.

Ҳозирги замон матбуотида “хат” сўзи қўп ҳолларда руҳн (рубрика) таркибиға кирган ҳолда ишлатилади. Публицистика жанрлари тезкорлиги, ҳозиржавоблиги, даврнинг долзарб воқеаларига “лаббай” деб жавоб бериши билан ажralиб туради. Шу хусусият, фазилат хат жанрига ҳам тўлиқ дахлдордир. Хат публицистикасида “Очиқ хат” алоҳида ўрин тутади. Очиқ хат атамаси матбуот орқали жамоатчиликка мурожаат қилиш воситаси сифатида XIX аср ўрталарида немис матбуотида шаклланди. Жанр таркиби уч асосий қисмдан иборат: муаллиф шахсияти, вазият таҳлили, адресат шахсияти.

Очиқ хатда муаллиф шахсияти алоҳида аҳамиятга эга. Жанрда қўпчилик нуқтаи назаридан туриб ҳалқ, омма манфаатига оид муаммолар талқин қилинади.

Хат - асар ғояси, муаллиф ниятини амалга оширишда катта имкониятлар яратадиган муҳим жанрdir.

Учинчи боб **Бадиий-публицистик жанрлар**

Журналистиканинг ҳар бир жанри ўз ўрнига, мавқе ва нуфузига эга, улардан бирининг аҳамиятини ортиқ даражада кўтариб, бошқасини пасайтириб бўлмайди. Тўғри, айрим газеталарда узоқ вактлар давомида жиддий очерк, таҳлилий ва танқидий мақолалар, эссе босилмаслиги, нашр уларсиз ҳам фаолиятини давом эттириб туриши мумкин, лекин бу кемтиклик пировард натижада унинг мавқеига путур етказади, ўқувчиларнинг қизиқишини сусайтиради.

Журналистика жанрлари қўп ҳолларда публицистика жанрлари, деб юритилади. Журналистика билан публицистика ўртасида бир қанча муштарак жиҳатлар ва айни пайтда баъзи фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айрим тадқиқотчилар бу борада фикр юритишган. Масалан, журналистиканинг таниқли назариётчиларидан бири - рус олимни, филология фанлари доктори, профессор В.М.Горохов “Публицистик ижод қонуниятлари” (“Закономерности публицистического творчества”) номли китобида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтган.

Журналистика ва публицистиканинг бир-бираига яқинлиги, тадқиқотчилар фикрича, ҳар иккисининг жамият хаётида фаоллиги, ижтимоий-сиёсий бошқарувда иштирок этиши, оммани ижодий фаолияти орқали тарбиялаши, жамоатчилик фикрини шакллантириши ва бошқа соҳаларда кўринади. Айни чоғда, журналистика ва публицистика орасида сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Улардан айримлари қуйидагилардир:

Ҳар қандай публицистик асар журналистика асар ҳам бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай журналистика асар публицистик асар бўла олмаслиги, унинг даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Журналистика кўпроқ янгилик етказиш, публицистика эса материал унинг сифати билан ўлчанади, баҳоланади. Журналистикани паст-баланд тоғлар тизмасига қиёс этадиган бўлсак, публицистика тоғнинг баланд чўққиси. Чўққига эса бирдан чиқиб бўлмайди, бунинг учун тажриба, малака, маҳорат керак. Масалан, хабар, янгилик, интервью, репортаж жанрларида далил, тафсилот муҳим бўлса, публицистикада таҳлил, тадқиқот, умумлашма, холоса устувор бўлади. У ҳаётни кенгроқ, миқёслироқ қамраб олади, ғояни ривожлантириб, катта ижтимоий холосалар беради, шу маънода журналистика ижод турини сиёсатга, публицистикани мағкурага тенглаштириш мумкин. Яна журналистикага нисбатан тезкорлик, дифференциаллик, публицистикага нисбатан актуаллик, интеграллик тушунчаларини ишлатиш мумкин.

Бадий-публицистик жанрлар — очерк, фельетон, памфлет, эссе да борлиқни акс эттиришда адабий-бадий усуллардан, яъни образлилиқ, ўхшатищ, жонлантириш, бўрттириш, драматизмдан, сюжет ва композиция имкониятларидан ўринли ва унумли фойдаланилади.

Очерк

Очерк — бадий-публицистиканинг кенг тарқалган, етакчи жанрларидан биридир. Табиатига ҳам бадиият, ҳам публицистика белги, хусусиятлари хос бўлган ушбу жанр икки жиҳатдан баҳоланади. “Очерк ҳикоя билан тадқиқот ўртасига яқин жойда туради”, деган эди Максим Горький. Ижодий фаолияти давомида бу жанрнинг қўплаб етук намуналарини яратган машхур рус адибининг гапларида жон бор. Очерк соф ҳикоя ҳам, соф тадқиқот ҳам эмас, балки уларнинг бир қатор алломатларини бағрига сингдирган ўзига хос синтетик асардир. Русча “очерк” сўзи “чертить”, “очертить”, яъни “чизмоқ”, “чизиб кўрсатмоқ”, “чегаралаб олмоқ” маъноларини билдиришини, шунингдек, аксарият очеркларнинг публицистика билан тўйинганлигини ҳам назарда тутсак, бу жанр хусусиятларини англаб олишимиз ойдинлашади. “Чизмоқ”, “чизиб кўрсатмоқ”, “чегаралаб олмоқ”, “доира қилиб белгиламоқ” сўzlари баён этмоқ, тасвирламоқ, баҳоламоқ тушунчаларидан ташқари, асар композициясига, яъни шакли-шамойилига ҳам ишора қилиб туради.

Очерк билан ҳикоянинг муштарак ва фарқли жиҳатлари нимада?

Ҳикоя - ижтимоий муҳим воқеага бағишиланган, ҳажман унча катта бўлмаган, бадиий тўқима, сюжет, композиция имкониятларидан кенг фойдаланиб, воқеа-ҳодисани қўйма тимсоллар, типик образларда гавдалантириб берадиган насрый асар бўлса, очерк, асосан, мантиқий муҳокамалар, тушунчалар, шунингдек, бадиий образлар уйғунлигига яратилиб, муҳим, долзарб ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқадиган, кўп ҳолларда ҳаётий воқеа, ҳужжатлар асосида қурилиб, аниқ қаҳрамон, персонажлар характеристери чизгиларини кўрсатадиган насрый публицистик асардир. Ҳикояда бадиий тасвир, қўйма образлар устувор бўлса, очеркда мантиқий муҳокама, тушунча образлар орқали лирико-публицистик баён усули асосий ўринни тутади. Албатта, бунда муаллифнинг ёзиш маҳорати, тили, услуги муҳим аҳамият касб этади. Очерк атамаси ўзбек матбуоти, адабиётига XX аср бошларидан, асосан, рус адабиёти, матбуоти орқали кириб келди, мумтоз адабиёт намуналарида бу термин учрамайди. Очеркнинг, хусусан, портрет очерки, йўл очерклари (сафарнома)нинг энг яхши намунасини Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида учратамиз. Навоий “Мажолисун-нафоис”да 459 шоирнинг шахсияти, ижоди, тийнати, фазилати, қусурлари ҳақида шундай қисқа, лўнда, аниқ тасвирлар беради, шеъриятининг матн мисраларидан намуналар келтиради, маҳоратига холис,adolatli баҳо берадики, ушбу портрет характеристикаси ўкувчи ёдидга узок вақт сақланиб қолади. «Бобурнома»да Андижоннинг бадиий-публицистик тасвири, баёни қуйидагича: “Жанубий тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатга воқе бўлубтур. Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас... Тўққиз тарнов сув кирап. Бу ажабтурким, бир еридан ҳам чиқмас... Ови қуши доги кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур... Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки бўлмас киши йўқтур... элининг лафзи қалам билан ростдур”.

Бирор киши ҳақида гап кетганда, Бобур унинг валодат ва насаби, шакл ва шамойили, яъни портрети, ахлоқ ва атвори, масоф ва урушлари, вилояти, авлоди ҳақида шундай маълумотлар, лўнда тавсифномалар берадики, муаллиф маҳоратига беихтиёр қойил қоласиз. Мана, у отаси Умаршайх мирзонинг портретини қандай чизади: “паст бўйлук, тегирма соқоллик, кўба юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, баг баглатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, баг боғлағондан сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узилур эди. Киймоқта ва емоқта бетакаллуф эди. Дасторни дасторпеч чирмар эди”.

Келтирилган парчаларда мантиқий муҳокама, эҳтирос, ҳаяжон, чўғ ҳам, таҳлил, тадқиқ (анализ) ҳам, хулоса, умумлашма ҳам, хуллас, бадиий-публицистик асар учун хос, мос бўлган барча унсурлар мавжуд.

“Очерк” атамаси Ғарб адабиётида деярли учрамайди, биз билган, “соф” очерк у ерда йўқ. Ғарбда “скитце”, “эссе” терминлари, рукилари остида бериладиган асарларга очерк хусусиятлари кўпроқ хос.

Очерк ижоднинг икки тури - бадиий ижод ва публицистик ижод унсурлари, имкониятларидан бирдек фойдаланган, икки ижод тури хусусиятларини ўзига сингдирган, омухта, синтетик асар эканини унутмаслик лозим.

Очерк бадиий ижоднинг образ, манзара, қўйма тасвир, жозибали тил, характер, шароит ва ҳоказо имкониятларидан озиқланса, публицистикадан мантиқий муҳокама, рақамлар мағзини чақиш, таҳлил этиш, хулосалар чиқаришда қўл келади. “Бобурнома”, “Петербургдан Москвага саёҳат”дан келтирилган парчалар шу фикрни тасдиқлади.

Очерклар мавзуси, мундарижасига кўра уч турга бўлинади:

1. Портрет очерк.
2. Муаммоли очерк.
3. Йўл очерки (сафарнома).

Портрет очерклари. Адабиёт - инсоншунослик экан, очерк ҳам инсон ҳаёти, руҳияти баёни, тасвиридир. Портрет очерк аниқ бир инсон ҳаёти, ижтимоий фаолияти, тийнати чизгилари, руҳий дунёси, маънавий олами, ташқи ва ички қиёфаси, курашлари, ғалаба ва мағлубиятлари ҳақидаги мўъжаз ҳикоядир. Портрет очеркда бир (ёки бир неча гурухнинг) ташқи қиёфаси, ички дунёсини тасвирлаш, тавсифлаш орқали муҳим ғоялар илгари сурилиши, долзарб муаммолар ўртага қўйилиши мумкин.

Табиат тасвири — портрети чизилган очерклар ҳам учраб туради. Масалан, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг “Ўзбекистон манзаралари” очеркида юртимиз табиати, жумладан, шундай нафис бўёқларда чизилган: “Саратон офтоби ҳансираган далаларда энди кузак шамоли кезиб юрибди. Дов-дараҳт зумрад тўнини ечиб, зар чопонини кийди. Учид юрган мезон иплари ялангоч тераклар бошига ҳалқа ташляпти. Ариқлар лаби заҳ тортиб, сув тагидаги тошчалар кўриниб қолди. Деҳқон эшигидан чиқиб кетган қўйлар битта-иккитадан бола етаклаб қайтиб келишшаяпти. Ҳосилини кўтаролмай бели майишган анорзорлар, узумзорлар боласини яслига топширган онадек кўзлари сузилиб, устига “кўрпа” тортяпти. Эрта кўклам пушти гулларга бурканган ўрикзорлар ёзда олтин соққага айланди. Йўқ, аввал бирон тепаликка чиқиб, унда шоирона ҳисларга берилинг-да, шу поёни йўқ ўрикзорларга тикилинг. Яшил япроқларга куз шамоли зар суртиб кетибди. Ҳар бир барг атрофда лов-лов ёнаман дейди. Шоҳдан-шоҳга сакраган қушчалар ховуч-ховуч барг тўқади. Тўкилган барглар офтобда чақнаб кўзни олади...” Публицист Ўзбекистоннинг куз маназараси эскизини чизади, озу соз, ёрқин, рангин бўёқлар билан иш кўради. Сийрак қуюқ бўёқлари, баравж хонишлари, маҳобатли сўзлари - ўлкамизнинг тўкин кузига маст, қувонч, фахр ҳисси ичига сиғмай, тўлиқиб юрган адабнинг “ёрилиши”, дил розини тўкиб солиши, шодлигини ўқувчилар билан бирга баҳам кўриши. Лекин очеркнавис дилда борини айттолмаётгандан ўкинчда: “Битта дона буғдойдан бошоқ яратган, минг дона бошоқдан хирмон тўла доң яратолган ғаллакор жигарларим, сизнинг шаънингизга бисотимдан қандоқ гаплар топиб айттай. Тандирдан узилган лоладек нонларнинг шукронаси сизга... нон олтindан қиммат, олтindан азизроқ, нон олдида жаҳоннинг бойликлари ҳечdir”. “Тўқсон кун сув кечиб етиштирган шолиларингиз бошогини кўтаролмай комбайнларни терлатди”, “бир дона тилладан висол дақиқаларини энтишиб кутаётган куёв болага белбоғ чиқади”, “Гербимиз қадалган саркардалар қалпоғи сенинг қоракўлингдан”...

Муаммоли очерк - даврнинг етилиб, пишиб турган долзарб муаммоларини дадил ўртага қўйиши, публицистик чўғдорлиги, бадиий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Муаммоли очерк бадиий тўқима асосига ҳам, конкрет воеа асосига ҳам қурилиши мумкин. Гап муаммонинг ҳаётйлиги, долзарблигига. Масалан, истеъододли адаб Дадаҳон Нурийнинг “Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик”, “Бўстонлиқни кутқаринг”, “Шаҳарга бомба керакми?” очерклари, “Шаҳар тегирмони” китобига кирган бошқа очерклари экологиянинг, теварак-атрофни муҳофаза қилишнинг долзарб, пишиб етилган муаммоларини кескин қўйиши билан жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида, мустақиллик йилларида газета ва журналлар саҳифаларида, алоҳида китоб ва тўпламларда экология, тил, дин, тарих, моддий ва маънавий бойликлар, қадриятлар мавзуларида бир қанча пишиқ,

муаммоли очерклар ёзилди ва ёзилмоқда. Бу каби очеркларни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида ҳам учратиш мумкин. Айни чоғда ҳаётнинг пишиб етилган, қаламга олишга маҳтал бўлиб турган муаммоларини илғаб, дадил майдонга ташловчи, маҳорат билан ёритувчи, кенг қамровли, жиддий, теран очерклар кам юзага келмоқда.

Йўл очерки — жанрнинг кенг тарқалган, қадимий ва навқирон турларидан бири бўлиб, унинг асосий хусусияти сафар давомида кўрилган, кузатилган воқеалар, одамлар билан мулоқотдан олинган таассуротлар, кўнгилда кечган ҳис-туйғу, фикр-мулоҳазалар, муаммолар баёни, тасвиридан иборат. Йўл очеркида муаллиф нияти, сафар йўналиши кўпинча олдиндан белгилаб олинади, бу нарса асар композицияси, ёзиш манерасида тили, услубида ўз изини қолдирадики, буни “Бобурнома”, “Петербургдан Москвага саёҳат”, “Саёҳатнома” каби йўл очерклари мисолида кўришимиз мумкин.

Табиийлик, самимийлик, ҳаққонийлик, холислик билан битилган, ўнлаб воқеалар, деталлар ичиди энг арзирли, диққатга сазоворларини танлаб олиб кўрсатиши йўл очеркига қўйиладиган талаблар ичиди энг муҳимлариридир. Ўкувчи саёҳатчи муаллифнинг рост-ёлғон гапини, самимий ёки носамийлигини, салмоқли, жўяли ёки майда, арзимас гапини дарҳол англайди ва шунга яраша ўз баҳосини беради.

Фельетон

Фельетон французча Feuilleton сўзидан олинган бўлиб, варак деган маънони беради. Бошда газетага илова қилинган варакни ёхуд газетанинг остки қисмида, матбуот термини билан айтганда, подвалда бериладиган материал фельетон дейилганда ҳозиргидек муайян жанр кўзда тутилмаган: ранг-баранг материаллар, сухбату ҳисбот, спектакль тақризи, мунаққид мақоласи, ҳатто подвалда терилган адабий асар - фельетон, дея номланган. Ҳозир ҳам Ғарб матбуотида кўпинча йирик асарлар фельетон, деб аталади.

Айрим эски тадқиқот, ўкув кўлланмаларида фельетон матбуотнинг кенг тарқалган жанрларидан бири, деган фикрга дуч келамиз. Ўз навбатида, фельетон ҳозирги матбуотнинг кам тарқалган жанрларидан бири, дейилса тўғрироқ бўлади. Бугунги кунда марказий нашрларда фельетон жанри кам кўринаётганини кузатамиз. Фельетон жамият ҳаётида учраб турадиган, тараққиётга тўсиқ бўладиган камчилик, иллатларни ҳажв, кулги воситасида кескин танқид остига оладиган, фош қиласидиган, салбий ҳолатларни инкор этиш асосида ижтимоий идеални тасдиқлайдиган бадиий-публицистик жанрдир. Фельетоннинг асосий тифи воқеликдаги турли-туман нуқсон, қусур, негатив ҳолатларга қаратилган бўлиб, мақсад бу хато, камчиликларни тугатиш, барҳам беришдир. Юзаки қараганда, танқид ўқи айрим одамларга йўналтирилгандай туюлса-да, асосий мақсад айрим кимсалар ташийдиган турли иллатларни йўқотишдир. Таниқли украин адиби Остап Вишнянинг иш столи тепасида “менинг юз карра лаънатга учрагур дўстларим” деган ёзув-рўйхат бўлиб, унда бюрократлар, кўзбўямачилар, хушомадгўйлар, порахўрлар, товламачилар, чайқовчилар, ташмачилар, вайсақилар, такаббурлар, абллаҳлар, извогарлар, чақимчилар, текинхўрлар, давлат мулкини талон-тарож қилувчилар, ландовурлар, алимент тўламай қочиб юрувчилар ва ҳоказо-ҳоказолар зикр этилган экан. У “Мен шўрпешона мана нималар ҳақида ўйлашим, ёзишим керак” деб кўплаб долзарб мавзу, муаммоларни санаб ўртага ташлаган.

Фельетон бадиий-публицистик жанрлар сирасига киради. Жанрнинг қўшалоқ ном билан юритилиши, ҳам бадиият, ҳам публицистика қонун-қоидалари асосида яратилиши, уларнинг талабларига қай даражада жавоб беришига қараб баҳоланишини англаради.

Фельетоннинг бадиий хусусиятлари деганда, тиниқ манзара, қуйма тасвиirlар, образ, тимсоллар, типик характер ва шароит, сюжет чизиги, пишиқ композиция, адабий тил, халқ тили, ранг-баранг ижод воситалари англашилади. Фельетоннинг публицистик хусусиятлари дейилганда, мантиқий муҳокама, илмий тушунча, ўткир полемик рух, публицистик чўғ, аччиқ ва нордон кулги, муаллиф “мен”ининг фаоллиги, баённинг, тасвир услубининг, сюжет, композиция, конфликтнинг ўзига хослиги, монолог ва диалогнинг мўллиги ва ҳоказолар тушунилади. Жанр табиати илмий тушунча, амаллардан фойдаланишини ҳам тақозо этади, шу маънода фельетонни бадиий-илмий-публицистик жанр деб ҳам аташ мумкин.

Фельетоннинг муҳим хусусиятларидан бири, унинг ҳужжатлилиги, воқебандлиги, ҳаққонийлиги. Худди шу нарса муаллифни тасвирда, баёнда, образ, характер яратишида, сюжет, композиция имкониятларидан фойдаланишда бир қадар чеклайди. Масалан, у персонажнинг тугал портретини чизмаслиги мумкин, тўла чизиши балким шарт ҳам эмас, бунда у портрет тавсифи (характеристикаси), образ-тезисга кўпроқ мурожаат этади.

Публицистика назариётчиларидан бири, профессор О. Тоғаев ўз китоб, мақола ва тадқиқотларида ўзбек фельетони муаммоларига ҳам кўп эътибор қаратган эди. Масалан, у “Публицистика жанрлари” китобида Турди, Гулханий, Махмур, Муқимий, Завқий каби шоирларнинг шеърий фельетонларини таҳлил этар экан, “Демократ шоир сатирасининг яна бир муҳим хусусияти салбий образлар, типларнинг яхлит характеристикасини чизиш маҳоратидир” деган фикрни билдиради.

Фельетонда муаллиф ўта фаол бўлиши, воқеаларга бемалол аралашиши, баҳо бериши лозим. Фельетончиликда материални ишлашда икки хил усулдан кенг фойдаланилади. Булар - далилларни тизимли, кетма-кет баён қилиш — ҳикоялаш усули, иккинчиси – қиёслаш, чоғишириш усулидир. А. Қодирий, F. Ғулом, А. Қаҳҳор, С. Аҳмад фельетонларига воқеаларни бузмай, кетма-кет баён қилиш, ҳикоячилик услуби кўпроқ хос. А. Қаҳҳор “Кўзача”, “Сарҳона”, “Иғвогар” фельетонларини ушбу услубда ёзган бўлса, “Барон фон Ринг” фельетонида қиёслаш услубидан фойдаланган. Фельетон турли усулларда ёзилиши мумкин: ҳикоя, эртак, туш, сухбат кенг тарқалган усуллардан саналади.

Фельетонда образлилик, образ яратиш муҳим бўлиб, катта маҳорат талаб қиласди.

Образлиникнинг юксак чўққиси инсон образини яратишидир. Образ яратишида муаллиф сюжет ва композиция имкониятларидан, деталь ва тафсилотлардан, ўхшатиш, жонлантириш, бўрттириш, кичрайтириш, мақол, матал, ҳикматли сўзлардан, халқ ибораларидан ўринли ва унумли фойдаланиши маҳорат белгиси, муваффақият гаровидир. Абдулла Қодирийнинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Калвак махсум хотира дафтаридан”, “Ширвон хола нима дейди?” фельетонлари жанрнинг юксак намуналари бўлиб, ёш қаламкашлар учун маҳорат, ибрат мактабидир.

Эссе

Кейинги йилларда ўзбек адабиёти, публицистикаси ва журналистикаси яна бир жанр - эссе ҳисобига ҳам бойиб бораяпти. Муаммоли мақола, сухбат-интервью жанрлари сингари, эссе жанрида пайдо бўлган сон ва сифат ўзгаришлар кейинги йилларда жамият ҳаётида юз берган демократия, ошкоралик, турфа фикрлилик каби жараёнлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, миллий истиқбол мафкураси табиати эмин-эркинликка мойил эссе жанри учун қулай шарт-шароитлар яратди.

Эссе (французча интилиш, тажриба, лотинча - тортиш, чамалаш, тортиб кўраман) бирор бир мавзуни олиб талқин қилувчи, унга алоқадор шахсий таассуротлар ва мулоҳазаларни баён этиш, тасвирлашга интилевчи, унча катта бўлмаган, эркин композицияли насрый асардир. Ранг-баранг жанрларга (фақат адабий жанр бўлиши шарт эмас) шахсий тамойиллар олиб кириш, турли фанларнинг далил-исботлари ва атамаларини бирга қўшиб олиб бориш жараёнида эссе фалсафий, тарихий-биографик, публицистик, адабий-танқидий характер касб этиши мумкин. Эссе жанрининг жанр сифатида қарор топиши ва шаклланиши француз адиби Мишель Монтень ижоди ва унинг “Тажрибалар” асари билан боғлиқ эканлиги барча тадқиқотчилар томонидан яқдил эътироф этилади. Чингиз Айтматов ва Асқад Муҳтор асарларида ҳам “Тажрибалар”нинг таъсири бор. Эссе ҳам бошқа бадиий-публицистик асарлар сингари инсоншунослик, яна бошқачароқ, аниқроқ айтадиган бўлсак, “ўзликшуносликдир”. Эсседа инсон даставвал, ўзи билан ўйчан, дилкаш сухбат қуради, ўз ички оламига саёҳат қиласди, ўзлигини, ақлу ҳиссиятнинг нозик ўйинини намоён этади.

Эссе ўзбек адабиётида тез тараққий этиб бораётган, истиқболли жанрлардандир. Бундай дейишимизга маълум асослар бор. Биринчидан, инсон омилига, шахс камолотига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор берилаётган кейинги пайтларда эссеининг аҳамияти ошиши,

унга эҳтиёжнинг кучайиши табиий. Иккинчидан, сўнгги йилларда тобора равшан кўзга ташланадиган тенденциялардан бири - ҳужжатли жанрларга қизиқиши ортиб бораётганлигидир. Ҳужжатлилик эса эссеининг табиатига хос нарса.

Бадиий тафаккур енгил ва эркин кўрингани билан эссеининг энг яхши намуналари бадиий образ, фикр тараққиётининг ички мантиқига бўйсунади. Эссеининг табиати ҳур фикрлашни, тасвир, баёнда эркинликни тақозо этади. Ўзбек адабиёти, публицистикасида эссе жанрининг ривожи турфа фикрлашга бир қадар имконият юзага келган саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан, бемалол, эркин ёзишга шарт-шароитлар пайдо бўлган 90-йиллардан бошланди. Ўзбек адабиёти, публицистикасида эссе икки мавзу йўналишида намоён бўлмоқда:

1. Бадиий-публицистик эсселар.
2. Адабий-танқидий эсселар.

Эссе жанрида бир қанча китоблар нашр этилди. Сайд Аҳмаднинг “Йўқотганларим ва топганларим”, Одил Ёкубовнинг “Фарзандлар бурчи”, Ғайбуллоҳ-ас Саломнинг “Эй, умри азиз”, “Эзгуликка чоғлан, одамзот”, Озод Шарофитдиновнинг “Сардафтар сахифалари”, Кибриё Қаҳхорованинг “Чорак аср ҳамнафас” асарларига эссе руҳи сингиб кетгандир.

Эсседа ижодкор асарлари ўз шахсияти билан чамбарчас боғлаб, бунга алоҳида ўрин, эътибор берилади. Эссе эркин тузилишли, муаллифнинг имкониятлари бир қадар кенг имкон берувчи асар. Лекин эркинлик - англаб олинган зарурат. Турган гапки, исталган воқеа, тафсилотни, эсга келган деталь, таассуротни қоғозга туширавериш эссе ёзиш дегани эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўртинчи ҳокимиёт. Т. “Ўзбекистон”, 1998.
2. Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. Т. 1973.
3. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. Т. 1976.
4. Умиров С. Даъваткор сўз. Т. 1985.
5. Умиров С. Санъатнинг сехрли қалити. Т. 1974.
6. Сайдов О. Сатира тили билан. Т. 1978.
7. Саломов Қ., Умиров С. Толибнома. Т. 1996-97.
8. Газетные жанры. М. 1976.
9. Уроки Аграновского. М. 1976.
10. Журбина Е. Повесть с двумя сюжетами. М. 1969.
11. Рэнделл Дэвид. Универсальный журналист. Алматы. 1995.
12. Прохоров Е. П. Введение в теорию журналистики. М. 1984.

Учинчи қисм **Журналистика йўналишлари** **Биринчи боб** **Интернет журналистикаси**

Ахборот технологиялари ва замонавий журналистика

Ахборот асри бўлмиш XXI аср жамият хаётининг ҳар қандай жабҳасига қатор янгиланишларни олиб кирди. Мазкур ўзгаришлар биринчи навбатда янги ахборот коммуникацион технологиялар таъсири остида юз бериб, инсон фаолиятининг ҳар бир соҳасида информацияга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан тавсифланди. Шулар қатори журналистика ҳам замонавий технологиялар таъсиридан четда қолмади. XX асрнинг якунида биз электрон газета, интернет журнал, рақамли ТВ ва on-line режимда фаолият юритувчи ахборот агентликлари вужудга келганининг гувоҳи бўлдик. Айни дамда мазкур жараён сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб улгурди.

Янги ахборот технологиялари, электрон ва мультимедиа воситалари, рақамли ва сунъий йўлдошли алоқа каналлари ҳамда интернет инсон имкониятлари, унинг тафаккури, билими ва ижодий бунёдкорлиги самарасидир. Мутахассислар ахборот технологиясининг асосий белгиси сифатида маълумотни қайта ишлаш жараённинг муайян босқичларга бўлинишини эътироф этадилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жараённинг батамом тартибга солиниши ва уни

автоматлаштирилган ҳолга ўтказилиши учун янги имконият яратиб берди²⁵. Яъни, ахборот технологиялари деганда - коммуникатив фаолиятни амалга ошириш ҳамда маълумотни қайта ишлаш, ахборот ва билим тарқатиш учун фойдаланиладиган барча электрон, рақамли ва техник воситалар тушунилади. Кундалик фаолиятда кўп фойдаланаётганимиз компьютер, ахборот технологияларининг одатий ва кенг тарқалган биргина тури холос, бизга мазкур техниканинг функцияларини янада мукаммаллаштириб берувчи воситалар бўлмиш интернет тизими, оптик толали бирикмалар, намойиш этиш терминаллари, модем, сканер, принтер ҳамда ахборот сақлаш воситаси бўлган CD-ROM ахборот алмашини жараёнида тобора такомиллашиб бораётган технологиялар саналади.

Ахборотлаштириш – жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида ахборот ва билимлардан фойдаланиш самарасини ошириш, фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва ахборот жамиятига ўтиш учун шароитлар яратиш мақсадида АҚТлардан кенг фойдаланиш жараёнидир. Замонавий ахборот технологиялари жамият ахборотлаштирилиши жараёнининг асосида туриб, уни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

ОАВ фаолиятида ҳам янги ахборот технологиялари бир қанча ўзгаришларга сабаб бўлди. Айни улар таъсирида бугунги кун журналистикаси глобаллашув, конверсия (конвергенция), дигитализация (рақамлаштириш) жараёnlарини бошидан кечирмоқда.

Журналистикада конверсия. «Конверсия» қўшилиш, бирлашиш маъноларини билдириб, у турли хил электрон технологияларнинг тез ривожланиши ва ўзаро алоқадорликда ишлаши натижасида ягона тизимга бирлашиш, қўшилиш жараёнини англатади. Мазкур атама айрим чет эл манбаларида «конвергенция» сўзи билан ҳам ифодаланади. Журналистикада конверсия бевосита турли хил ахборот узатиш шаклларининг ягона бир тизимга ўтишида яққол кўринади. Масалан, телевидениеда ҳозирда нафақат тасвир ва овоздан, балки матнли маълумотлардан ҳам бевосита фойдаланилади. Буни овоздан ташқари қўшимча маълумот беришга мўлжалланган титр ёзувларида кузатиш мумкин. Бу усулда ахборот узатиш кўпгина қулайликларга эга экани исботланган. Интернет таъсирида конверсия жараёни бошқа шаклларда ҳам ўзини намоён этади. Унинг асосий хусусияти бир-биридан айри ҳолдаги ОАВни бириктиришdir. Масалан, журналист битта материални тайёрлаб, ҳам газета, ҳам on-line нашрда ёки телеканалнинг ахборот хизматида эълон қилиши мумкин. Интернет тизимидағи ОАВ on-line шаклда воқеаларни ёритишида нафақат матндан фойдаланади, балки ўз чиқишлиарини видеотасвир ёки фотосуратлар билан тўлдиришга ҳаракат қиласди, радио ва телевидение эса интернет орқали дунё билан бевосита мулокот ўрнатиш, жонли эфирни ташкил қилиш имконига эга бўлмоқда. Натижада айни жараён бир неча хил ахборот узатиш усулларининг қоришиб, бирлашиб кетишига олиб келмоқда.

ОАВ фаолиятида рақамлаштириш. Дигитализация, яъни рақамлаштириш ОАВ фаолиятининг турли босқичларида намоён бўлади. Манбаларга мурожат этиш, маълумотларни йиғиши, уларни қайта ишлаш ва сақлаш, материални чоп этиш ва тарқатиш сингари ҳар бир босқич айни пайтда рақамли форматда амалга оширилмоқда. Бугун журналист учун ахборот манбаи сифатида интернет тизими фаол кўлланилади. Глобал тармоқда берилган маълумотлар, ҳоҳ матн, фото, овоз ёки видео шаклида бўлсин у рақамлаштирилган ҳисобланади.

Журналистларнинг рақамли техник воситалар, хусусан, рақамли фотоаппарат ва диктофон, компьютер, уяли алоқа воситаси билан таъминлангани эса одатий ахборотни рақамли форматда ёзиб олиш, сақлаш, уни бойитиш ва қайта ишлаш учун кенг имконият яратади. Кейинги босқич бу нашр этиш жараёни. Бу ерда журналистик маҳсулот техник ходимларга рақамли форматда (дискета, CD-ROM, флеш хотира орқали) топширилади ва босма нашрдан ёки эшиттириш дастуридан жой олаётган материал анъанавий (босма, теле- ёки радио-) кўриниш билан бирга ноанъанавий (электрон) форматда ҳам чоп этилади, узатилади ва тарқатилади. Хусусан, босма нашрларнинг электрон форматда тарқатилиши деганда газета, журнал ёки ахборот агентликларининг веб-саҳифаларда жойлаштирилиши ва обуначиларга электрон-пошта орқали

²⁵ Раширова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. Тошкент 2007. 8-бет.

маълумот узатиш назарда тутилади. Демак, рақамлаштириш натижаси ўлароқ, газеталар бугун компьютерда терилади, интернет тизимида уларнинг электрон вариантини ўқиш мумкин.

Интернет журналистикаси: асосий тушунча ва тамойиллар

Тарихнинг гувоҳлик беришича, радио оммавий аудиторияни жалб қилиши учун 40 йил керак бўлди, телевидение эса бунга 14 йилда эришди, интернет тизимининг дунёвий аудиторияни жалб қилиши учун эса 4 йил кифоя қилди. Бинобарин, бугун Интернет ўзида нафакат матбуот, балки радио ва телевидение имкониятларини ҳам мужассам этмокда.

Интернет — бу вакт, макон ва жўғрофик чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир. Ундаги протоколлар тизими орқали бошқариладиган барча тармоқлар бир-бири билан ўзаро алоқада ишлайди ва мижоз, яъни фойдаланувчилар учун қуидаги операцияларни бажаришга имкон яратади:

- маълумотни сақлаш, излаш, чоп этиш, қўчириш, жўнатиш ва қабул қилиш;
- матн, товуш, видео, фото, графика, мусиқа ва бошқа шакллардаги маълумотларни интерфаол равишда алмашиш.

Бугунги кунда интернет кенгликлари бўйлаб нафакат компьютер, балки уяли телефонлар ёрдамида ҳам ҳаракатланиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. Кундан кунга такомиллаштирилган восита ва кашфиётлар ҳам синовдан ўтказилмоқда. Бутунжаҳон тармоғи бугунги кунгача маълум бўлган барча ахборот манбаларидан (телевидение, радио, матбуот нашрлари) фарқли ўлароқ, ўз истеъмолчиларига ҳар қандай маълумотни исталган шаклда, фойдаланувчилар қизиқиш ва хоҳишларига қараб, индивидуал равишда олиш учун қулай имконият яратиб беради. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, инновацион технологиялардан фойдаланиш интернет тармоғида юзага келувчи муаммоларни ҳал қилиш ва ахборотга нисбатан ортиб бораётган талабни қондиришга ёрдам беради. Ва шу ўринда ахборотларнинг индивидуаллаштирилиши юқори погонага кўтарилади. Буларнинг барчаси интернет вазифаларининг янада кенгайишига имконият яратади. Ваҳоланки, дастлаб унинг функцияси фақат маълумот юбориш ва қабул қилиш билан чекланган.

Маълумки, интернет даставвал коммуникация тармоғи сифатида ҳарбий мақсадларда АҚШда яратилган. Тармоқнинг ибтидоий кўриниши 1969 йили пайдо бўлиб, у ARPANET деб номланди. Янги технология ҳақидаги хабар тарқала бошлагач, олимлар унинг илмий жамият учун аҳамиятини тушуниб етади ва кейинги такомиллаштирилган тизим 1972 йил 50 та университет ва илмий марказларни боғлаган ҳолда қўлланила бошлайди. Шу тариқа айни кўринишдаги интернет тармоғи вужудга келади.

Интернетга биринчилардан бўлиб босма ОАВ интилади. Тармоқнинг имкониятлари йирик ахборот агентликлари ва хизматларининг назаридан четда қолмайди. Негаки интернетга чиқиш нафакат янги профессионал даражага кўтарилиш, балки дунёнинг турли бурчакларидаги ўкувчиларга етиб бориш демакдир. Матбуотдан сўнг интернетда фаол ишлаётган ахборот воситалари сафида ахборот агентликлари биринчи ўринга чиқиб олади. Вақт ўтгач, радио ва ТВ ҳам тармоқда ўз ўрнини эгаллай бошлади.

Интернетнинг ОАВ сифатидаги бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан:

- тармоқнинг глобал миқёсга эга экани;
- маълумотлар узатишдаги тезкорлик;
- иш жараёнининг марказлаштирилмагани;
- ҳамма учун очиқлиги;
- фойдаланувчи томонидан назорат қилиниши;
- иқтисодий жиҳатдан қурайлиги.

Айнан мазкур хусусиятлар интернетдан фойдаланувчилар сонининг йилдан-йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Место для вашей рекламы!

Нашриёт руҳнлар

- Ҳабарлар
- Сиёсат
- Тадбиркорлик
- Тазлим
- Маданият ва маърифат
- Саломатлик
- Мактубларнингиз
- "Ёғду" ёшлар саҳифаси
- Спорт
- Самарқанд 2750 ёшда

Сайт сарлавҳалари

- Нашр ҳақида
- ▶ Бизнинг тарихимиз
- ▶ Бугунги "зарифонликлар"
- Ўкувчилар муллоҳазаси
- Фотогалерея

Овоз бериш

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Самарқандда Суряига қарши ўтказадиган ўйинда қандай хисоб қайд этилади?

- Ирик ҳисоб – 4-0
- Икки тўп фанни билан

№ 6 дан: 06.09.2007

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



...тандир атрофида 3-4 иши куймаланиб юрибди. Демак, бу ерда гайриқонунийлик бор. 3-4 карра юл даромад, қилинмоқда, солик эса дастлаб белгиланганидек тўланмоқда.

Руҳ: Сиёсат

Батафсил...

МУОМАЛАМИЗНИ ҚАЧОН ЯХШИЛАЙМИЗ?

...упар бир-бирини куракда турмайдиган сўзлар билан "сийлашарди". Афсуски, уларнинг ораларига кириб, овозларини ўчирадиган шоввоз топилмади.

Руҳ: Маданият ва маърифат

Батафсил...

САМАРҚАНД СОЛНОМАСИ – САБОҚ МАКТАБИ



...Аслида биз шаҳарнинг ёшини суриштириш орқали, унинг буғунги жамоли, ёртсанги развани ҳақида қайғурамиз. Чунки у тариннинг энг ёрқин саҳифаларида ҳам шу юрт фарзандларининг эътибори билан ер юзи

Руҳ: Самарқанд 2750 ёшда

Батафсил...

МАҲМУД МУАЛЛИМНИНГ КУНДАЛИГИ

2 сентябрь, 2006 йил. Кечакайран бахрна роса ичганимиздан эрталаб базур ўрнимдан турдим. Хотин сузид кўйиган косадаги ширчой ҳам, чойнақдаги чой ҳам

Сонлар архиви

Сентябр 2007 Go

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30

Ҳамкорлар



OAB

хўллаб-куватлаш

фонди

Об-ҳаво

GISMETEO

Ташкент	+28°C	
Бухара	+31°C	
Джизак	+28°C	
Карши	+30°C	

Интернет журналистикаси деганда биз Интернет тармоғида мавжуд on-line нашрларни, босма оммавий ахборот воситаларининг веб-қўринишини ҳамда фақат глобал тармоқ муҳитида фаолият юритувчи интернет нашрларини тушунамиз. Айни кунда мазкур тушунча таркибига ахборот агентликлари, ТВ ва радионинг интернетдаги фаолиятини ҳам қамраб олишимиз ўринли, негаки уларнинг кўлами тобора ортгани сайин, ўзига хос ишлаш тизими, механизми, тамойиллари шаклланмоқда. Интернет тизимида ва у орқали ахборот тақдим этаётган ОАВда мультимедиалик, интерактивлик ва тезкорлик биринчи даражага кўтарилади.

Интернет нашрнинг ОАВ сифатида фаолият юритиши ҳукукий жиҳатдан ҳам белгилаб берилган. Янги таҳрирдаги «ОАВ тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Конунининг (2007 йил 16 январь) 4-моддасида «Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетеңлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир», деб белгиланган. Конуннинг 3-бобига кўра, Интернет нашрларини ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказиш муассиснинг ихтиёрига кўра амалга оширилади.

Интернетдаги нашрларнинг тавсифланиши. Интернетдан жой олган медиа ресурсларни тавсифлаганда, уларни бир-биридан фарқ қилувчи бир неча жиҳати мавжудлигини инобатга олмоқ керак. ОАВ веб-муҳитда ўз саҳифасини очар экан, унга бир неча вазифаларни юклashi мумкин. Баъзи оммавий ахборот воситалари интернетда анъанавий нашрининг электрон вариантини жойлаштиrsa (www.mohiyat.uz, www.hurriyat.uz, www.dp.uz, www.diyonat.uz), баъзилари ташкилот хақида маълумот берувчи корпоратив саҳифани очади (давлат органларининг веб-сайтлари, турли ташкилот ва муассасаларнинг веб-саҳифалари) ва у ўзига яраша «visit card» вазифасини ўтайди. Лекин, айни даврда алоҳида эътибор тўлиқ on-line режимда фаолият юритувчи электрон ресурсларга (www.region.uz, www.uzreport.com, www.gorizont.uz, www.gzt.uz, www.security.uz) қаратилмоқда.

Интернетда мавжуд ОАВини яна бир неча жиҳатга кўра тавсифлаш мумкин. Биринчидан, веб-манбаларнинг қамраб олаётган мавзуу қўламига қараб интернетда таклиф этилган ОАВ:

- Монотематик — бир мавзу доирасида маълумотлар берил борувчи ихтисослашган веб-сайтлар;
- Политематик – турли йўналишларни қамраб олувчи, давр талабига кўра мавзу кўламини кенгайтира оладиган веб-манбаларига бўлинади.

Иккинчидан, улар *жанр хусусиятига кўра* фарқланади. Интернет нашрнинг мазмуни ва жанр хусусиятидан келиб чиқиб, уларни:

- янгиликлар манбаи;
- таҳлилий ресурслар;
- муаллифлик сайтлари;
- кўнгилочар сайтлар;
- таҳририят веб-саҳифаларига ажратиш мумкин.

Учинчидан, янги медиалар *тегишилилк принципига асосан* ҳам фарқланиши мумкин.

Масалан, веб-муҳитда мавжуд ресурслар:

- давлатга тегишили манбалар;
- медиа компанияларга тегишили веб-ресурслар;
- сиёсий кучлар томонидан ташкил этилган манбалар;
- бизнес ташкилотларига тааллуқли бўлган медиалар;
- мустақил веб-саҳифалар сифатида тавсифланиши мумкин.

Тўртинчидан, улар техник *жиҳатдан ташкил этилганига кўра* фарқланади. Бунда веб-манбанинг нафақат техник, балки мазмун жиҳатдан қандай ташкил этилгани, мақсади ва вазифалари нимадан иборат экани инобатга олинади. Хусусан, бунга кўра улар веб-сайт, веб-портал, янгиликлар узатиш гурухлари ва маълумот юбориш хизмати кабиларга ажратилиди.

Веб-сайт (web-site) – инглиз тилидан тўғридан-тўғри маъноси «интернетдаги жой»ни англатади. Веб-саҳифалар жойлашган жой сайт деб аталади. Улар одатда “<http://>”дан бошланадиган манзилга эга бўлади. ОАВнинг сайтига газета ва журналларнинг ҳар бир сонини жойлаштириш, ўзи ҳақидаги маълумотларни бериш ҳамда таҳририят томонидан кундалик янгиликларни узатиш вазифалари юклатилади.

The screenshot shows the Region.uz website. At the top, there's a menu bar with 'File', 'Edit', 'View', 'Bookmarks', 'Tools', and 'Help'. Below the menu is a toolbar with icons for 'New tab', 'Back', 'Forward', 'Stop', etc. The main content area has a banner for 'O'zbekiston bosma ommaviy axborot vositalari va axborot agentstiklarini qo'slab quvvatlash'. The left sidebar has a 'Худудлар' section with a list of regions: Кашидадар вилояти, Коракалпогистон Республикаси, Андикон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдаря вилояти, Сурхондаре вилояти, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти, и Хоразм вилояти. The main content area includes sections for 'Асосий' news, 'Коллекцияларни чорлаиди' (Collection of documents), 'Адаб меросига бағишланади' (Dedicated to literature), 'Амударёликлар – голиб' (Amudarёliklар – golib), and 'Бухоро шаҳридаги банк ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи вакиллари голиб' (Bank and economic institutions of Bukhara city). On the right, there's a sidebar with a login form, currency exchange rates (EUR/UZS, RUB/UZS, USD/UZS), and a 'UzRating' section.

Портал (portal) – сўзма-сўз таржимасига кўра «дарвоза» маъносини билдиради. Бошқа интернет саҳифалардан фарқли ўлароқ, веб-портал ўзида бир неча сайтларга тенг манбаларни бирлаштирувчи йирик ресурс ҳисобланади. Бундай информацион ресурсларни ташкил этган

муассислар одатда унга бир неча вазифани юклайди. Хусусан, портал ўқувчини алоҳида мавзулар бўйича қўшимча маълумот олиш учун ўз ичига қамраб олинган таркибий манбаларига йўналтиради. Порталлар хеч қачон монотематик, яъни бир мавзу билан чекланмайди. Уларнинг хусусияти айнан, политематик ресурс сифатида ўқувчига комплекс маълумот беришдир. Ўз навбатида улар қидирув, корпоратив, информацион порталларга бўлинади.

Янгиликлар узатиши гурухлари (newsgroups) – кишиларнинг бирлашиб, умумий қизиқиш ва манфаатлар бўйича мунозара ва давра сухбатларини ўгказишга мўлжалланган тизим. Мазкур хизмат аудиториянинг ўзи томонидан ташкил этилади. Электрон почта орқали амалга ошириладиган ахборот алмашинуви батамом ўқувчиларнинг ихтиёридан келиб чиқиб тузилади. Мулоқот қўйидаги тарзда кечади. Бирор инсон томонидан маълум мавзу юзасидан йигилган маълумотлар, мақолалар, лавҳалар дунёнинг бошқа чеккасида яшовчи шу мавзуга қизиқиши бўлган кишиларга юборилади. Ўз навбатида улар олган маълумотларини ўзида мавжуд янгиликлар ва фикр-мулоҳазалар билан тўлдириб, бойитиб қайта алмашишади. Бунда маълумотларнинг мунтазамлиги, ҳажми, мавзу қўлами, хуллас, барчаси ўқувчилар ихтиёри билан белгиланади. Шу тарзда аудитория информация яратиш, узатиш, тарқатиш ва чоп этиш жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида қатнашади. Хатларнинг узун «занжири» сингари яратилган янгиликлар узатиш гурухларини, моҳиятига кўра, мунтазам равишда янгиланиб турувчи, мақолаларнинг тематик тўплами, деб айтиш мумкин.

Маълумот юборилиши хизмати бевосита ахборот ишлаб чиқариш жараёнига эмас, уни тарқатиш ва оммавийлаштиришга алоқадор бўлган информацион хизмат саналади. Мазкур хизмат веб-манбанинг кундалик янгиликларини куннинг аниқ белгиланган вақтида, бевосита ўқувчиларнинг электрон почта манзилига етказиб берувчи восита ҳисобланади. Ундаги маълумотлар билан бевосита шу хизматга обуна бўлган ўқувчиларгина таъминланиб туради.

Интернет мухитида журналист ижоди. Юқорида таъкидланганидек, интернет имкониятлари журналистнинг ижодий жараёнига маълум янгилик ва ўзгаришларни олиб киради. Жумладан, тармоқнинг мультимедиа хусусияти, тезкорлик ва интерактивлик принциплари ижодни одатий босма ОАВ учун мақола тайёрлашдан фарқли бўлган жараёнга айлантиради.

Мультимедиа (multimedia) – сўз таркибига кўра («multi» - кўп, турли хилдаги ва «media» - восита) турли хил медиаларнинг йиғиндиси маъносини берувчи бу атама ахборотни турли шаклларда (матн, аудиоахборот, компьютер графикаси, видеомаълумот, фотосурат ва бошқалар) сақлаш, алмашиш ва тақдим этишга имкон берувчи техник воситани англаатади. Бугунги кунда ОАВ ходимлари фақатгина босма, ТВ ва радио ихтисослигига қараб эмас, балки интернет оммавий ахборот воситасида фаолият юритувчи журналист сифатида ҳам алоҳида тайёргарлик кўради. Айнанавий ОАВ (матбуот, ТВ ва радио)дан фарқли равишда интернет журналистдан буларнинг барчаси учун хос бўлган ижодий маҳоратни талаб этади. Негаки, on-line масс-медиа учун материал тайёрлаётган журналист унинг матнини яратиш билан чекланмай, ўз мақоласини фотосуратлар, видеолавҳалар, жонли интервью, график кўринишдаги маълумотлар ва ҳоказолар билан бойитиши мумкин. Бунда у мультимедиа воситаларини кўллагани боис яратган мақоласи одатий «мақола» бўлиб эмас, кўп қиррали ижод маҳсали сифатида намоён бўлади. Бунинг учун интернет тармоғи жуда катта имкониятларни тақдим этади. Ижодкорнинг мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиши, унинг профессионал даражаси ва маҳорати, шунингдек, техник воситаларнинг кўлланилишига ҳам боғлиқ. Интернетда мультимедиа хусусиятини жамлаган маълумот жойлаштириш учун таҳририятда ракамли фотоаппарат ва диктофон бўлиши ҳамда мазкур техник воситаларни кўллаб-қувватловчи компьютер дастурлари ўрнатилиши лозим.

Тезкорлик. Интернет ҳудудида мақола чоп этишнинг яна бир муҳим жиҳати, унинг тезкорлигидир. Бунда тезкорлик - on-line режимда ишлаш тамойили билан белгиланади. Бу хусусият, айникса, ахборот сайтлари учун долзарб саналади. Сабаби, ҳар қандай янгилик онлайн режимда воқеаларнинг ривожига қараб кунига бир неча маротаба янгиланиб, бойитилиб бориши мумкин. Веб-газета он-лайн режимда янги маълумотлар келиб тушган заҳоти ўрта ҳисобда кунига энг ками 5-10 марта янгиланиши мумкин. Айнан шу кўрсаткич унинг қоғоз вариантидан кескин фарқини акс эттиради. Интернет маконида самарали ишлаш учун

журналист информацион мухитда ишлаш кўникмасига эга бўлиши лозим. Журналист бунда янгиликни тез илғаб олиши, уни қисқа ва лўнда ифода эта билиши, материални алоҳида мантиқий бўлакларга тақсимлаши ва тақдим эта олиши керак. Яъни у, ҳар қандай маълумотни тезкор хабар шаклига келтира олиши лозим.

Интерактивлик (Interactive) – интерфаол коммуникация воситалари, деб талқин этилувчи мазкур атама техник имкониятни назарда тутади. Яъни интерактив воситалар – бу, тўлиқ ахборот алмашиш, яъни коммуникатив жараённинг барча иштирокчилари билан алоқа боғлашга шароит юратувчи технологиялардир. Интернетнинг интерактив воситаларига куйидагилар киради:

- Форум
- Мехмонлар китоби
- Сўровлар
- Муаллифнинг е-почтаси
- Кўшимча маълумотларга йўлланмалар
- Қайта алоқа хизмати

Буларнинг барчаси Интернет нашр таҳририятининг аудитория билан алоқа ўрнатишида фойдаланилади. Аммо интерактивлик фақатгина икки томонлама алоқа боғлаш мақсадини кўзламайди. Интерфаол режимда ишлаш - бу аудитория талабларига тезроқ жавоб бериш ва унга кўра ахборот тайёрлаш демакдир. Интерактив фаолият таҳририят учун нашрнинг аудиторияси ким, қандай тоифадаги кишилар, уларнинг қизиқишилари нимадан иборат, қандай маълумотларга эҳтиёжи мавжуд эканини аниқлашда самарали восита ҳисобланади. Бунга эътибор қаратиш бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса муҳимдир, сабаби реклама ҳисобидан кун кўрувчи таҳририят реклама берувчиларни топиш ва уларни жалб этишда ҳам айнан шу усулдан фойдаланиши мумкин.

Интернет тармоғига хос бўлган жиҳатлардан архив, фотогалерея, ташқи манбаларга чиқиш имкониятлари ва кўпгина бошқа имкониятларни келтириб ўтиш мумкин.

Архивлар айнан ОАВ учун катта аҳамият касб этади. Улар орқали ўқувчилар интернет саҳифасида аввал (1 ой, 1 йил олдин) чоп этилган маълумотга мурожаат этиши, уни мавзуси, санаси ва рукнига қараб излаши мумкин.

The screenshot shows the homepage of the HORIZONT news website. At the top, there's a banner with the headline: "ведущего церемонии награждения "Оскар" приглашают сатирика Джона Стюарта\\"Союз Исламского". Below the banner, there's a navigation bar with links to News, Politics, Economics, Analysis, Culture, Sports, and Media. A search bar and a 'Find' button are also present. The main content area features several news articles. One article on the left discusses the arrest of 160 protesters in Iraq. Another article on the right discusses the 'colors of the khaki' (Жуки цвета хаки). There are also sections for 'Topics of the day' (Темы дня), 'Last news' (Последние новости), 'News' (Новости), and 'Politics' (Политика). On the right side, there are weather forecasts for Tashkent, Almaty, Dushanbe, Bishkek, Ashgabad, and Kabul, along with exchange rates for USD, EUR, RUB, GBP, JPY, and NBU information. A counter at the bottom right shows 290 visitors.

Таҳлилий материаллар ўзининг қизиқарли мазмуни, енгил шаклда ёритилгани ва фактларнинг бисёрлиги билан ўқувчи дикқатини ўзига тортади. Кўпинча бундай мақолаларда

таққослаш, ўхшатиш, чукур таҳлил ва мутахассис хулосаси каби журналистик элементлар жой олади. Интернет спецификаси эса бунинг баробарида қўшимча маълумот олиш учун ташки манбаларни келтиришга ҳам имконият беради. Бу эса сўзсиз мақолани янада бойитади.

Веб-саҳифада реклама сиёсати. *Реклама сиёсати* – бу таҳририятнинг коммуникатив сиёсати доирасида реклама соҳасидаги асосий стратегик йўналишларнинг йиғиндиси. Реклама веб-сайтларнинг ягона даромад манбай саналади. Аммо бу, сайтда реклама қанча кўп бўлса, унинг самараси шунча ортади, деган гап эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ОАВ ўз реклама сиёсатига эга бўлиши тақозо этилади. ОАВ веб-сайтида қандай турдаги рекламадан фойдаланиш мумкин?

Интернет-реклама бир неча хилга бўлинади:

- Матнли реклама
- Контекст реклама
- Баннер рекламаси

Матнли реклама – мақола, интервью, лавҳа, корреспонденция каби жанрларда берилган информацион, танишитирувчи ёки таҳлилий реклама ахбороти. Бундай кўринишдаги реклама веб-саҳифанинг маълумотга тегишли рукни ва мавзуси остида берилиши мумкин. Одатда бундай матн енгил услубда, изоҳлар билан тўлдирилган шаклда ва қайта алоқа воситасини кўрсатган ҳолда тузилади. Матннинг сўнггида, албатта, ўқувчиларга маълумотнинг реклама сифатида тақдим этилгани ҳақидаги изоҳ берилиши керак.

Контекст реклама кўп ҳолларда материал таркибида, фотосурат ортида яширинган маълумот сифатида берилади. Масалан, иқтисодий мавзуни ёритувчи мақоланинг таркибида бирор сўз орқали реклама материалига йўлланма берилади. Дейлик, маълумот энергетика соҳасидаги ўзгаришлар мавзусида таҳлилий ёритилади. Унда «энергоқувват» сўзи ажратилиб, шу хизматни ташкил этувчи муассаса ёки ишлаб чиқарувчи ташкилот сайтига, ёхуд у ҳақидаги маълумотга йўлланма берилади. Фотосуратлар ҳам шу тарзда йўлланма орқали бошқа манбага чиқиши имконини бериши мумкин.

Баннер рекламаси Интернетда энг кўп тарқалган ва фақатгина глобал тармоқ учун хос реклама туридир. Бу хилдаги реклама эълонлари ўз самарасини бир неча йилдирки, исботлаб келмоқда. ОАВ томонидан веб-сайт яратиш ғояси пайдо бўлгач, саҳифа структурасида реклама майдони учун жой ажратиш керак. Шуни инобатга олиш керакки, веб-саҳифаларда жойлаштирилаётган реклама баннерлари сайтни техник жиҳатдан оғирлаштириши мумкин. Сайтнинг экранда секин пайдо бўлиши, тўлиқ очилмаслиги уни яратишда мураккаб маълумотлардан, айниқса фото ва флеш анимациялардан кўп фойдаланилганидан далолат беради. Шунинг учун маълумотларни кўзни қамаштирувчи, экрандан ўқишида халақит берувчи шаклда эмас, қатъий тизимда жойлаштирилиши мухим.

ОАВ веб-саҳифаларининг фаолиятини такомиллаштириш йўллари: ёзилган ва ёзилмаган қоидалар

Веб-сайтни ташкил қилишда айрим қоидаларга риоя этиш саҳифа муваффақиятининг гаровидир. Улар бевосита сайтнинг ташкилотига боғлиқ.

Веб-саҳифага ташриф буюрган ҳар бир фойдаланувчи томонидан уни баҳолашда бир неча жиҳат мухим аҳамият касб этади. Уларни веб-сайтни баҳолашнинг бирламчи кўрсаткичлари деб белгилашимиз мумкин. Нега бирламчи? Сабаби, айнан бирламчи кўрсаткичлар сайт экранда пайдо бўлиши билан ўқувчида таассурот уйғотади, уни интернетдан жой олган мана шу сайтда 1-2 дақиқадан кўпроқ қолишини таъминлайди.

Визуал қўрсаткичлар. Визуал кўрсаткичлар деганда бевосита интернет нашрнинг умумий кўриниши назарда тутилади. Булар веб-саҳифа дизайнни ва вёрсткаси. Кўп ҳолларда веб-саҳифа эгалари дизайн кўринишига катта эътибор қаратиб сайтнинг Интернетдаги манзилини белгилашни охирги ўринга қўяди. Шошилинчда белгиланган, жуда узун ва ноаник манзиллар кейинчалик ўз хатосини кўрсатади, сайтни оммалаштириш ва уни эслаб қолишда панд беради. Эслаб қолиш учун қулай ва таҳририят номига мос бўлган манзилларга мисол:

www.mohiyat.uz, www.hurriyat.uz, www.znamya.uz, www.region.uz. қисман нотўғри танланган веб-адреслар: www.fermervatomorkachi.uz, www.buhoroookshomi.uz, www.vabkenthaeti.uz.

Дизайн асосан техник ходимлар томонидан ишлаб чиқилади. Аммо дизайн устида иш олиб бориш жараёнида таҳририят ижодий ходимларининг иштироки доимий бўлиши керак. Техник ходимга топшириқ беришдан аввал таҳририятда веб-сайт қандай кўринишида яратилса, нашрнинг хусусиятига тўғри келиши, веб-сайтнинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат бўлиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Бунинг учун сайт ташкил этишдан аввал интернетда мавжуд, дизайн ва вёрстка жиҳатдан сизга маъқул бўлган сайтларни танлаб олиш ва уларни техник ходимга кўрсатиш керак. Бу унга иш бошлашдан аввал тўғри йўналиш белгилашга ёрдам беради. Сайтни ишлаб чиқувчи ўз навбатида уларни ўрганиб чиқиб, ҳар бирининг хусусияти, дастурий тузилиши, амалга оширилиш имконияти, иш ҳажмини ва харажатини белгилайди. Сўнг келишилган ҳолда (кўп ҳолларда администраторнинг ўзи томонидан) сайтни яратиш учун «Техник топшириқ» ишлаб чиқилади.

Алоҳида эътибор рангларга қаратилиши лозим. Улар танланганда кўзни толиктирмайдиган, аммо эътиборни жалб этадиган бўлишига аҳамият бериш лозим. Сайтнинг вёрсткаси ўқувчи учун қулай ва бир қарашда тушунарли бўлиши, меню, реклама, матн, текст – барчаси ўз ўрнида, ўқувчи психологияси инобатга олинган ҳолда тузилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Информацион архитектура — сайт таркибий тузилишининг мазмуни. Бу тушунча бироз ноаниқдек туюлса-да, веб-саҳифанинг муваффақиятли яратилишида муҳим роль ўйнайди. Информацион архитектурани яратишда веб-нашрга қандай ном берилиши, менюларнинг жойлаштирилиши ва хусусиятлари, реклама майдончасининг ўрни ва ҳажми, рукиларнинг номи ва техник жиҳатлари, қайта алоқа инструментларининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш керак. Иш сайтнинг «Техник топшириғи» ишлаб чиқилаётган пайтданоқ ўз аҳамиятини кўрсатади. Негаки, ҳар бир таъкид этилган жиҳатга қўйилажак мақсад ва вазифалар техник томонидан таъминланиб берилиши лозим.

Веб-нашрнинг номи сайт очилган маҳал юқори панелда пайдо бўлади. У аниқ ва лўнда ифодаланиши керак. Айрим йирик сайтлар ва порталларда ҳар бир алоҳида саҳифа учун руқн номини сарлавҳа сифатида бериш амалиёти қўлланилади.

The screenshot shows the homepage of the business newspaper 'Деловой Партнер.uz'. The header includes the newspaper's name in large letters, a logo featuring a stylized 'D', and the subtitle 'ОТКРЫТАЯ ГАЗЕТА'. Navigation links at the top provide access to various sections like News, Politics, Economics, and Culture. A search function is also available. The main content area features a large image of a factory worker and several news articles. One prominent article is about priority directions for attracting foreign investment. Other news items include the export potential of Uzbekistan, a microfinancing development program, and the modernization path of a major Uzbek metallurgical company. The sidebar on the right lists more news items with their respective dates and brief descriptions.

Меню – сайтнинг руқн ва тематик бўлимлари сарлавҳасини ифодаловчи қисм. Улар асосий, корпоратив ва ёрдамчи менюларга бўлинади. Асосий меню сайтнинг тўлиқ мазмунини акс эттиради ва мавзу ёки руқнларга бўлинади. Кўп ҳолларда ўнг ёки чап томонда жойлаштирилади. Корпоратив меню – таҳририятга тегишли маълумотлар ҳақида ахборот беради. У одатда юқори ёки пастки қисмда жойлаштирилади ва «биз ҳақимизда», «обуна», «реклама», «қайта алоқа» каби маълумотларга йўлланма беради. Корпоратив меню ва у орқали берилган маълумотлар руҳияти нашрнинг имиджини шакллантирувчи кўрсаткичdir. Таҳририят тўғрисида маълумот берилганда, ижодий ходимлар ҳақида алоҳида маълумот жойлаштириш ўқувчиларнинг нашрга бўлган ишончини орттиради. Унутманг, интернет нашр бу биринчи навбатда интерактив ОАВ. Шунингдек, бу ерда таҳририятнинг реклама сиёсати аниқ кўрсатилиши керак, яъни реклама бериш имкониятлари, унинг турлари ва албатта реклама бўлимининг алоқа телефонлари бўлиши зарур.

Руқнлар – сайтнинг мазмунини ифодаловчи муҳим элементdir. Веб-саҳифанинг қандай мавзу ва йўналишдаги маълумотларни ёритишга мўлжалланганини айнан руқнларни ўрганиб чиқиб, билиб олиш мумкин. Руқнлар бир-икки сўз ёки сўз бирикмасидан ошмаслиги ва материаллар мазмунини тўлиқ акс эттириши лозим. Номлар аниқ ифодаланиб, ортиқча савол туғдирмаслиги лозим. Танланган сўз бирикмаларининг ифода усули таҳририят хусусияти ва йўналишига мос услугда бўлиши керак.

Нашрнинг мазмуни – контент. Интернет нашр учун материал тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари борасида юқорида тўхталган эдик. Веб-сайт контентини яратишда айнан шу мезонлар ва тамойилларга асосланиш лозим. Бундан ташқари, сайтга маълумот жойлаштиришда қуйидаги талабларни инобатга олмок керак. Интернетга мақолалар тез кўз югуртириб, аниқ тасаввур ҳосил қилишга мослаштирилган ҳолда, монитордан ўқиш учун мўлжалланган услубда, мантиқий бўлаклари хатбоши билан ажратилган кўринишда киритилиши лозим. Мақоланинг биринчи хатбошиси – ким, нима, қачон, қаерда, нима учун саволларига жавоб бериши лозим. Ҳар бир материал учун қисқа ва аниқ сарлавҳа танланиши ва имкон қадар фото берилиши мақсадга мувофиқ. Информацияга мос фото унинг нафакат сифати, балки қийматини ҳам оширади.

Фойдаланиши қулайлиги – навигация – ўқувчига тақдим этилаётган маълумотни тез ва осон топиш имконини бериши кўзлайди. Яратилган йўлланмалар тизимининг қанчалик қулай ва мукаммал ўйлангани кўзланган мақсадга эришиш ўйлида асосий, ҳал этувчи механизmdir. Навигация ўта мураккаб ва чалкаш бўлмаслиги лозим. Оддий йўлланмалар орқали ўқувчи истаган мақола ва маълумотга эга бўлишига имконият яратиб бериш кифоя. ОАВ веб-сайти учун саҳифада ўқувчига батафсил маълумот олиш, «принт версия» имкониятларидан фойдаланиш, яъни мақолани чоп этишида қулайлик яратиш, матнга ва архивга кириш техник жиҳатдан чекланмаслиги муҳим бўлган жиҳатлар ҳисобланади.

Интерактив имкониятлар борасида юқорида батафсил маълумот берилгани боис, қуйида факат ОАВ сайти учун эътиборли жиҳатларига тўхталамиз.

Сўровлар — Интернет форматдаги ОАВ фаолиятида маълумот йиғиш, кичик статистикага эга бўлиш, мавзунинг долзарблигини аниқлаш учун жуда қулай восита ҳисобланади. Сўров шаклида берилган муаммоли савол, аниқлик талаб этувчи вазият олинган натижаларга кўра, таҳлил этилиши ва янги муаммоларни кўтариш имконини яратиши мумкин. Кўп ҳолларда ОАВ веб-саҳифаларида ташкил этилган сўровлар эътиборсиз қолади, ваҳоланки уларнинг натижаларини таҳлил қилиш журналист учун нафақат янги материал устида бош қотиришга туртки, балки аудиториянинг кейинги иштироқини ҳам фаоллаштирувчи омил бўлиб хизмат қиласи.

Муаллиф билан алоқа ўрнатиш имконияти. Интернет бу чексиз ижодий сарҳадларни очиб берувчи макон. Интернет нашр учун мақола тайёрлаётган журналист аудитория билан интерактив алоқа ўрнатиш имконига эга бўлса, бу восита унга янги мавзуларни топиш, ёритилган муаммонинг бошқа томонини кўриш, альтернатив фикр ва мулоҳазалар йиғиш имкониятини тақдим этади. Бунда журналистнинг ўз ўқувчилари билан ишлаш йўллари жуда кўп: мақола сўнггига муаллиф электрон манзилига йўлланма бериш, ёритилган масала юзасидан ўқувчиларни форум орқали муҳокамага чорлаш, таҳририят манзилига хат юбориш ва

бошқалар. Дунёнинг йирик интернет ОАВ тажрибасида on-line нашр фақатгина журналист ва таҳририят ижодий ходимларининг фаолият маҳсули бўлиб қолмай, аудитория билан бирга ишлаш натижасида, саноқсиз жамоатчи мухбирлар иштирокида яратилаётган оммавий ахборот воситаси бўлиб улгурди.

Интернет-журналистикада жанрлар хилма-хиллиги

Интернетнинг тезкор - интерфаол салоҳияти ахборот оқимининг асосан **ахборот ва таҳлилий жанрларда** ўз аксини топишига сабаб бўлмоқда. Виртуал мұхитдаги ОАВнинг конверсион жиҳатлари эса бу маълумотларнинг таркиби нафакат матн, балки аудио ва видео материаллар билан бойитилиши учун замин яратади. Умуман олганда, Интернет маконида матбуот, радио ва телевидениенинг барча одатий жанрлари ўз кучини сақлайди. У ёки бу услубнинг устун келиши ҳамда уларнинг шаклан ўзгаришини Интернетнинг тўртинчи, яъни ноанъанавий ОАВ сифатида намоён бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Информацион жанрлар. Ҳозирда кибермаконда янгиликлар, яъни информацион жанр маҳсулотларининг кескин ортиб бориши кузатилмоқда. Интернетда «қуруқ» ахборот бирор хабар (бирон воқеа ёки ҳодиса тўғрисида маълумот) узатиша ифодаланади. Маълумки, материалнинг информацион жанрга мансублиги унда нима, қаерда, қачон ва баъзан қандай? деган саволларга жавобнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Информацион корреспонденция — рўй берадиган ҳодиса, юзага келаётган вазият, қолаверса, барча содир бўлаётган воқеаларни таърифлашдан иборат. Виртуал мұхитда корреспонденция жанрида яратилган материалларнинг иккита шакли мавжуд. Биринчиси, у ёки бу воқеани ҳақиқий фактлар асосида акс эттиришга қаратилган бўлса, иккинчиси, муаллиф маҳорати натижаси ўлароқ, вазиятнинг қандай ўзгариши ҳақидаги мулоҳазалар, огоҳлантирувчи иборалар, кейинги репортажнинг баъзи тафсилотлари билан «жонланади». Бунда on-line журналистнинг мақсади, аудиторияга ўзаро алоқадор сабаб ва натижалар, мазмун ва моҳиятни чукур ёритмаган ҳолда воқеани қандай бўлса, шундайлигича етказишдан иборат.

Ҳисобот — маълумот, ахборот, фикр, тажриба, мұҳокама ва нұқтаи назарлар билан ўзаро алмашиш мақсадида ўтказилган конференция, сессиялар, йиғилиш, форум ва семинар сингари тадбирларни аксарият жанрларга хос бўлмаган тарзда баён қилишга қаратилган. Муаллифнинг вазифаси тадбир ҳақидаги энг асосий маълумотларни баён қилиш, мурожаатнома, келишув, сертификат топшириш, тегишли қарорлар қабул қилиш каби якуний хужжатлар ҳақида ҳисобот қилишдир. Материал устида ишлаётган интернет-журналист газета ҳисоботи учун қўлланиладиган воситалардан фойдаланади. Ҳисоботни жонлантириш учун имкон қадар фотосуратлардан кенг фойдаланиш, алоҳида иштирокчи ва сўзга чиққанлар ҳақида маълумот берадиганда эса уларнинг фотосуратларини бериш мақсадга мувофиқдир.

Кичик мақола. Интернетда кичик мақола ахборот-хронологик хусусиятларга эга бўлган саволларга анъанавий тарзда изчил жавоб бериш орқали шаклланади. Бунда, жавобларни ёритиши тартиби ёки улар сонининг ўзгариши ахборотнинг максад ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Кўп ҳолларда бундай маериалларда асосий факт қуйидаги изчилликда шарҳланади: умумийлаштириш, сўнг эса уни тасдиқловчи далилларни келтириш. On-line журналист томонидан кичик мақола жанрида яратилган ва анъанавий газета электрон саҳифаларида жойлаштириладиган материаллар одатда бу жанр талабларига тўлиқ амал қиласди, яъни улар тезкор, мухим, аниқ ва лўнда ифодаланган бўлади. Интернет-журналистика талабларидан келиб чиқкан ҳолда маълумотни воқеалар ривожига қараб, ҳар 20-30 дақиқада янгилаб бориш мазкур жанрнинг тезкорлик хусусиятини оширишга имкон беради.

Информацион интервью анъанавий журналистикага хос бўлгани каби, Интернет-журналистикада ҳам бирор воқеа, ҳодиса ёки вазият тўғрисида (уни таҳлил этмасдан) ахборот бериш мақсадини кўзлайди. Аммо газета ва журналлар услуби ва талабидан фарқли равиша виртуал мұхитда ундаги савол-жавоблар тили максимал даражада соддалаштирилган, сўзлашув услугига хос бўлиши, телевидение ва радио эфири орқали узатилган интервьюга нисбатан жуда кисқа ва лўнда ифодаланган ёки аксинча, Интернетнинг «чексиз» майдонидан келиб чиқиб жуда катта ҳажмда бўлиши мумкин. Тармоқнинг конверсион ва интерактив имкониятлари информацион интервью каби жанрнинг ижодий жараёнига ўзгартериш киритиб, унда

кузатувчилар сифатида дунё бўйича кўп сонли on-line аудиторияни жалб қилиш ва бевосита унинг иштирокида материал яратиш имконини беради. Виртуал мухитда тақдим этилаётган бундай материаллар Интернет орқали турли шакллар (видеотрансляция, матнли ёки аудио эшиттириш) йиғиндиси сифатида тарқатилиши мумкин. Интернет ОАВ саҳифаларида интервью матн орқали берилган савол-жавоблар тизими билан чекланмасдан, жонли овоз билан бойитилган ҳолда матннинг ўзида аудио ёки видеолавҳага йўлланма (ссылка) бериши ҳам мумкин.

Репортаж. ТВ, радио, газета ва журналларнинг энг оммабоп жанрларидан бири бўлмиш репортаж Интернет мухитида ҳам оммалашган усул саналади. Кўпинча у анъанавий ОАВнинг электрон саҳифаларидағи оригинал материалнинг кўчирмаси сифатида намоён бўлади. Интернет тармоғи орқали узатиладиган репортаж жанридаги информацион материалларда кузатув методидан самарали фойдаланилади. Ишнинг натижаси матн, видео ва аудио уйғунлигига яратилган репортажлар мисолида акс этади. Репортаж яратиш вақтида on-line ҳолатда ишловчи репортёр билан унинг анъанавий матбуотда фаолият юритувчи ҳамкасби олдига қўйиладиган мақсад битта, у ҳам бўлса, томошабин, ўқувчи ёки тингловчига, «воқеа иштирокчиси» туйғусини шакллантириш²⁶. Бунга у воқеалар изчилигини узмаган ҳолда, тезкор ахборот бериб бориш орқали эришади. Аммо on-line журналист, ўз ҳамкасбидан фарқли равища, фактларни айни пайтда содир бўлаётган ҳодисалар тафсилоти билан узатиш имконига эга. Бунинг учун у телевизион журналистикадаги каби ахборот дастури вақтини кутиши ёки радиодаги каби узатилаётган бошқа дастур якунини кутишга эҳтиёж сезмайди. Журналистнинг материали куйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда яратилиши мумкин:

- кундалик воқеа ривожини акс эттириш. Бу хил репортаж усули маълум вақт мобайнида ривожланиб, ўзгариб бораётган вазиятни ёритишида қўлланилади. Масалан, Югославиядаги ҳарбий можаро, Афғонистондаги антитеррор операция, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида тезкор ахборот берилиши;

- вазият билан танишириш жараёнида юзага келган воқеа-ҳодисаларни атрофлича жонлантириш (уруш ва болалар, қочоқлар лагери ва ҳоказо). Бундай йўл воқеа жадал ривожланмаган ёки ундан кейинги бирор ҳолатни акс этишда қўлланади. On-line репортёр учун маълум воқеани акс эттириш ёки бирор вазиятни ёритиши билан бирга аудиториянинг ушбу мақолага муносабатини билиш ҳам мухим аҳамият касб этади.

On-line конференция. Интернет маконида оммабопликка эришган бу жанр ҳам ахборот, ҳам таҳлилий жанр хусусиятларини ўзида мужассам этиб, одатий интервьюдан фарқли ўлароқ, сўровда бир эмас, балки бир неча (ҳатто ўнлаб) кишилар жалб этилган бўлади. Интернет тармоғида берилган бундай материаллар кўтараётган масала юзасидан аудиторияда турли фикр ва мулоҳазалар, эътироф ва эътиrozлар мавжудлигини кўрсатиб берувчи сифатида тақдим этилиб, кенг оммага тарқатилади. On-line конференциялари куйидагича амалга оширилади: юзага келган вазият ёки содир бўлган воқеа-ҳодиса моҳиятини иштирокчилар билан бирга, улар қаторида машҳур инсонлар ёки воқеа гувоҳлари ҳам бўлиши мумкин, мухокама этилади. Бунда ташкилотчиларнинг техник таъминоти имкониятларидан келиб чиқиб on-line жараён, телевидиокўприк ёки e-mail ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Интернетда таҳлилий жанрлар

Интернет - бутун дунё аудиторияси ва ОАВ жалб этилган глобал тизимдир, шу сабабдан, унда таҳлилий жанрда яратилган аксарият материалларнинг руҳи бирмунча ўзгаради. Бундай мақолалар асосан халқаро аудитория учун аҳамиятли бўлган глобал ва халқаро миқёсдаги воқеаларни акс эттирувчи мавзуларда бўлади.

Таҳлилий ҳисобот тадбир (конференция, семинар, форум) жараёнида маълумот ийғаётган журналист ўз эътиборини мухокама этилаётган соҳа ва йўналишнинг мухим муаммоларини акс эттирувчи турли нуқтаи назарлар, фикр ва мулоҳазалар, қараш ва эътиrozларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга қаратади. Солишириш ва таққослаш асосига қурилган on-line ҳисобот сўзга чиққанларнинг баҳсини ифодалайди, кўрилаётган муаммоларни ҳал этишда уларнинг аҳамиятини белгилайди. Шу тарзда кенг ёритилаётган мухокама мавзуси

²⁶ С.М. Гуревич. Газетадаги репортаж. М., 1963. С. 5-31.

аудиторияни қизиқтираётган саволларга қаратилади ва тингловчи, томошабинлар диққатини жалб этилади. Таҳлилий ҳисоботда кўтарилаётган масала юзасидан билдирилган фикрларнинг реал вазиятдан қандай фарқланишини акс эттириш ҳам муҳим жиҳатлардан бири саналади.

Таҳлилий корреспонденция воқеанинг муҳим бир томонини ёки бирор фактни қайд этади, қолган тафсилот ва қараашлардан эса, танланган фактни акс эттириш ва таҳлил қилиш учун кўмакчи восита сифатида фойдаланади. Бунда бир қатор омиллар, жумладан, сарлавҳа танлаш ва баён этиш изчиллиги таҳлилий корреспонденцияни мақола жанридан ажратиб туради.

Таҳлилий интервьюда - фактни кўриб чиқиш, ўрганиш назарда тутилади. Бундай таҳлил вазиятни кўп томонлама очиб берувчи мураккаб саволлар мажмуига асосланади. Таҳлилий on-line интервью саволларга жавоб берувчи шахсни акс эттирилаётган ҳодисани нафақат таҳлил этиш, балки масалага баҳо беришга ҳам ундейди ва айнан шу хусусият, уни бошқа сұхбатлардан ажратиб туради.

Мониторинг – ҳодисани маълум тартибда «кузатиш», бирор фаолиятнинг айrim жиҳатларини мунтазам равища, қайта-қайта «ўлчаш» деганидир. On-line журналистикада мониторинг предмети турли воқеаларнинг аниқ хусусиятларини (хусусиятларнинг қай бири танланиши мониторинг мақсадига боғлик) ўрганиш ҳисобланади. Мазкур жанр, дунё ҳамжамияти ёки бирор мамлакат аҳолиси эътиборида бўлган муҳим ҳодиса содир бўлган пайтда айниқса, оммавийлик касб этади.

Мониторинг жараёнининг ўзига хослиги унда қўшимча усууллар, хусусан, Интернет мониторингининг ажралмас қисми ҳисобланмиш статистик маълумотлар (масалан, контент-таҳлил унда маълум вақт оралиғида бирон бир газета саҳифаларида маълум бир сиёсатчининг исм-шарифи неча маротаба қайд этилгани ҳисоблаб чиқилади) ҳам фаол қўлланилади. Мониторинг муайян ҳодисани маълум вақт оралиғидаги ривожини «аниқлаб берувчи» статистик маълумот сифатида кўздан кечириш имконини беради. Бундан ташқари, маълумотлар маълум нисбатда келтирилиб, таққосланади, умумийлаштирилади, баҳоланади, яъни матнда факт эмас, таҳлил жиҳати устун туради. Шу хусусиятларга кўра, мониторинг малакали меҳнат ва маҳсус социологик тайёргарликни тақозо этувчи тадқиқод тури экан, уни энг аввало, шу соҳа мутахассислари, талаб даражасида ўтказиши мумкин.

Рейтинг жанрининг мақсади маълум ҳодисаларни аниқ белги, сифат бўйича тақсимлашдан иборат бўлиб, унга эришиш учун ўхшатиш ва солиштириш услубларидан фойдаланилади. Рейтинги аниқланаётган масала иқтисодиёт, сиёsat, маданият ва спорт каби инсон фаолиятининг турли соҳаларига тааллукли бўлиши мумкин. Рейтинглар турли нашрлар, ихтисослаштирилган, ижтимоий-сиёсий, кўнгилочар ОАВларида кенг қўлланилади. Малакали жиддий рейтинглар одатда алоҳида мутахассислар томонидан эмас, балки эксперtlар гуруҳи ёки тегишли марказ ва институтлар томонидан ўтказилади.

Ахборот майдонидаги коммуникация жараёнига кенг жамоатчилик, алоҳида соҳа мутахассислари, ОАВ аудиторияси жалб этилган шароитда, журналистдан икки карра масъулият, икки баробар кўп изланиш ва юқори профессонал маҳорат талаб этилади. Янги техник имкониятлар ва узлуксиз ривожланиш жараёни ОАВга нисбатан турли ахборот манбаларидан фойдаланишда юқори масъулият юқлаши билан бирга, холислик ва аниқликни ҳам талаб этади. Сўзсиз, бунда матбуот эркинлигини таъминлаш ортади ҳамда журналист имкониятларини кенгрок юзага чиқариш уфқлари кенгаяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раширова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. Тошкент-2007.
2. Раширова Д. Информационные технологии и интерактивная Интернет журналистика. Т.:2003
3. Раширова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы Т.: 2003
4. Раширова Д.Р. Интернет как источник журналисткой информации. Т.: ТашГУ, 1999
5. Замронавий журналистика. Тошкент: «MRC-Tashkent»

6. Лугат-маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. 1700 та атама \Муаллифлар хайъати: Ф.П.Нестеренко, М.Казем, Я.М.Маматова ва б.Т. «Зар қалам», 2003.
7. Калмыков А. А., Коханова Л. А. Интернет-журналистика. Учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
8. Гребельников А.А. Работа журналиста в прессе. М.:2002
9. Рэдик Р. ва Кинг Э. Журналистика в стиле on-line. М.: Вагриус. 2000.
10. Dominick. Joseph R. The Dynamics of mass communication. New York.: 1996.

Иккинчи боб Фотожурналистика

Фотожурналистика - журналистиканинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, асосан тасвир орқали баён қилиш, воқеликни хронологик тарзда акс эттириш билан ифодаланади.

Фотожурналистика ўз турдош жанрларидан фарқ қилиб, унда объектив ёндашув муҳим ўрин тутади. Чунки бу суратлар содир бўлган бирор аниқ ҳодисани ўзида акс эттиради.

Фотожурналистнинг маҳорати шундаки, у олган суратларда воқелик ва ҳодиса нафақат акс этиши, баён қилиши, балки ўқувчида тўлиқ тасаввур ҳам уйғотиши жоиз. Бунинг учун фотожурналист ғоят оператив ишлаб, воқеликни тасвир орқали баён қилишга шай туриши лозим. Масалан, бугун қўплаб фотографлар шов-шувли тўй воқеалари ёки турли соҳа юлдуzlари ҳаётини фотопортаж сифатида тасвирга олишга ружу қўйганларини айтиш мумкин. Албатта, бу жиддий нашрларда фаолият юритадиган фотожурналистлар фаолиятида устуворлик касб этмайди.

Фотожурналистика термини илк бора Миссури университетининг журналистика мактаби талабаларига 29 йилдан ортиқ сабоқ берган Клифф Эдом томонидан кашф этилгани манбаларда қайд этилган. Университетда Эдом 1946 йилда биринчи фотожурналистика гурӯхини тузган. Айримлар фотожурналистика мактаби асосчиси мазкур университет декани Френк Л. Мотт бўлган, деб эътироф этишади.

1880 йилгача босмаҳоналарда фотосуратларни тўғридан-тўғри чоп этиш имкони бўлмаган.

Одатда рассомлар ишлаган суратлардан гравюралар тайёрланиб, кейин босма нашрларда чоп этиларди. Биринчи репортажбоп суратлар Крим урушида (1853-1856 йиллар) ишланган бўлиб, у Британия репортёrlари томонидан тайёрланган.

Фотожурналистика 1880 ва 1897 йилларда жанр сифатида шаклланиб, матбаачиликда қўлланила бошланди ва босма нашрлар ҳаётига кириб келди. Биринчи нашр этилган яrim қоғозли репродуктив янгилик The Daily Graphik (Нью-Йорк) газетасида 1880 йил 4 мартда босиб чиқарилди. Инглиз сураткаши Жейкоб Рийс томонидан олинган бу сурат матбуот тарихида биринчи фото иши сифатида муҳрланди. 1897 йиллардан кейин фотография газета ва журналларнинг бир бўлагига айланди. 1927 йилда қўплаб шов-шувли газеталар (сарик матбуотларда ҳатто рангли фотосуратлар) чиқа бошлади. Биринчи фототелеграмма эса 1921 йилда Western Union орқали узатилган. Лейка компанияси фаолиятидаги 35 мм камера ва 1925-1930 йиллар оралиғида пайдо бўлган “вспишк”лар фотожурналистиканинг олтин асрини бошлаб берди.

Олтин даврда (1930-1950) гуллаган нашрлардан “Pirture Post”, “Paris Match”, “Life”, “Sports Illustrated” журналлари ва “The Daily Mirror”, “The Dailu Graphik” газеталари айнан фотосуратлар чоп эттириш туфайли улкан аудиторияга эга бўлдилар. Аввалига газета ва журналларда фотографларнинг исм-шарифлари қайд этилмасди. Бунга аввало, муаллифларнинг ўзларида ҳам хоҳиш бўлмаган. Кейинчалик журналларда чоп этилган фотосуратлар тагига муаллифларнинг номлари ҳам ёзила бошланган. Бу борада “Life” журнали доимий равишда етакчилик қилиб, унда чиқаётган фотосуратлар аудитория томонидан илиқ қабул қилина бошланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин фотожурналистика туб бурилиш содир бўлди, яъни Япония, Европа ва АҚШда ишланган тезкор ва компакт камералардан кенг фойдаланила бошланди. 1970 йиллардан кейин фотожурналистика ва хужжатли фотография сифат жиҳатидан аста-

секин бадиий фотография билан тенглаша борди ва бадиий фотосуратлар галереясидан жой эгаллай бошлади. Янги технологияларнинг ҳаётга кириб келиши ҳам ҳақли равишда фотожурналистикада туб бурилиш ясади. Кичик, енгил камералар фотожурналистика аҳамиятини ошира борди. Янги рақамли фотоаппаратларда фотомухбирлар учун ижодий фаолият уфқлари кенгайиб, имкониятлар ортди. Бу фотоаппаратларда олинган юзлаб тасвирлар ичидан сифатлиларини саралаб олиш имкони мавжуд. Янги технологиянинг чексиз имкониятлари фотомухбирнинг тезкорлиги, тасвирни тўғри танлай билиш, мазмун ва шакл уйғунлигига эътиборни кучайтириш санъати ва маҳорати билан яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, яхши фотосурат яхши репортаждек ўқувчига керакли маълумотни бериши мумкин. Агар сурат ўқувчи эътиборини тортса, у албатта тагсўзга кўз югуртиради. Суратга муносиб тагсўз топиш, изоҳлашда тўғри иборалар топа билиш ҳам ижодкордан юксак маҳоратни талаб қиласди. Бунда суратлардаги шахслар, жойлар, обьектларнинг номларида хатоликларга йўл қўймаслик керак. Фотомухбир тасвирга олинган обьектни таърифлашда, албатта, таҳририят ижодий жамоаси билан ҳамкорлик қилиши керак. Чунки тасвир бошқа, тавсиф бошқа. Бугун кўплаб босма нашрлар саҳифаларида суратлар мақолаларга мос танланмаганилиги ҳолатлари учраб туради. Замонавий журналист нафақат мақола ёзишни, балки сифатли суратга олишини ҳам билиши лозим. Кейинги пайтларда журналистларимиз диктофон ва рақамли фотоаппаратлардан оқилона фойдаланаётганлари қувончли ҳолатдир.

Сурат таъсирчанлигини нима оширади? Албатта, қаҳрамонларни табиий иш жараёнида ва албатта, табиий кўринишда тасвирга туширмоқ керак. Шундагина тасвир ўқувчига ўша қаҳрамон, воқелик, иш жараёни хусусида тўла маълумот бера олиши мумкин. Иложи борича, ҳар бир тасвирда бир киши бўлиши ва агар жамоа суратга олинаётган бўлса, имкон қадар уларни ўзаро яқин ҳолда олиш керак. Асосий диққат суратнинг ўрта қисмига қаратилади, мабодо сурат қисқартириладиган бўлса, унинг моҳияти ўз кучини йўқотмайди.

Чоп этилган фотоловхаларни таҳлил қилинг. Суратлар ўқувчиларга нима бера олади? Балки уларда композиция муваффақиятли чиққандир, балки қандайдир хатоликлар бордир? Сизни суратдаги кишининг чехраси ўзига тортгандир? Балки тасвир мавхумлигича қолгандир? Буни баҳолаш зукко ўқувчига қийинчилик туғдирмайди.

Хўш, ана шундай ўқувчи диққатини ўзига жалб этадиган суратлар қандай олинади?

Биринчидан, юкорида таъкидланганидек, табиий ҳолатдаги чехралар, табиий шароитдаги воқелик, жараён ва ҳоказолар ўқувчи диққатини ўзига тортади. Иккинчидан, информацион шаклдаги фотоловхалар ҳам ўқувчини беэътибор қолдирмайди, чунки бунда ҳам тасвир, ҳам маълумот олиш имкони мавжуд. Агар фотомухбир моҳирона иш тутса, у албатта битта сурат орқали бир неча кадрни бирлаштириб, яхлит маъно бера олади.

Фотосуратда фон танлаш ҳам диққатга сазовор ишдир. Агар сурат бирор анжуман жараёнида олинган бўлса, воқеликнинг аҳамиятига қараб ранг танланади. Жиддий суратларга ўта ёрқин ранг танлаш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар қандай бинонинг сурат олишга мос ва хос жойини топа олиш ҳам маҳорат.

Фотоаппаратни тўғри ишлата билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фотожурналистикада “олтин кесишишма” деб аталган термин мавжуд. Бунга профессионал фотожурналистлар ҳамиша амал қилиб келишган.

Фотоаппаратни тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда фотокамераларнинг икки хил тури мавжуд бўлиб, улар плеёнкали ва рақамли фотоаппартлардир. Рақамли фотоаппаратнинг афзалликлари барчага маълум. Фақат уни ишлатиш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги муҳим.

Матбуот саҳифаларида фотожурналистиканинг фотохабар, фоторепортаж, фотоловҳа, фотоочерк, фотомонтаж каби жанрларига оид материаллар бериб борилади.

Фотожурналистикада жанр турлари қайси белгиларига қараб тавсифланади? Фотохабар мазмунида биргина факт, фоторепортажда воқеа, фотоочеркда ҳодиса ётади. Агар уни матн ва тележурналистика билан таққослайдиган бўлсак, уларда ҳам хабар биргина фактга мурожаат қиласди. Масалан, спорт мусобақалари ва уларда кўлга киритилган натижалар. Репортажда эса воқеани ҳужжатли акс эттиришга эътибор қаратилади. Очеркда жамиятдаги муайян воқеа-ҳодиса акс эттирилади, унинг мазмун-моҳияти очиб берилади.

Кенгайтирилган фотохабар фоторепортажга ўхшаш, чунки иккала жанрда ҳам бир неча тасвирлардан фойдаланилади. Бу эса жанрлар ўртасида барқарор ривожланиш давом этаётганини кўрсатади. Фотохабар мазмунни фақат унинг муҳим томони орқали кўрсатади. Шунинг учун ҳам мазкур жанрни фотожурналистикинг жанговор жанри, деб аташади. Фоторепортаж биргина маъно англатиш билан чекланиб қолмайди. Мазкур жанр репортаж жанридаги маълумотларни ўзида акс эттириб, қайсиdir воеанинг ривожини бир-бирига мантиқий жиҳатдан боғланган тасвирлар изчиллиги орқали кўрсатиб беради. Замонавий фотоочерк 1978 йилдан ривожлана бошлаган. Вақтли матбуот саҳифаларида қаҳрамонлар бир қолипда тасвирланмай, уларнинг характеристикин кенгроқ очиб бериш каби усувларга ўрин берила бошлади. Демак, фотоочеркда образ яратилиши энг муҳим қоидалардан биридир. Фотоочерк портрет, муаммоли ва йўл очеркларига бўлинади. Фотомонтаж ҳақиқатнинг бир неча парчаларидан иборат алоҳида тасвирдаги суратларни бир мавзу атрофида бирлаштирган ҳолда кўллашни билдиради. Босма нашрларда фотосуратларнинг ўрни ғоят катта аҳамиятга эга. Фоторепортажлар газеталар саҳифаларига жон бағишлайди. Афсуски, газеталаримизда фотоайбномалар, фоторепортажлар кейинги йилларда кам кўзга ташланаяпти. Бу борада фототанловларни кўпайтириш, фотомухбирларни тайёрлаш курсларини очиш ва уларнинг ишларини жонлантириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дороти Доти. “Паблисити и паблик рилейшнз”, 2000 й.
2. Кузьмина Наталья. “Фотоаппаратни тўғри танланг”, 2006 й.
3. Кузьмина Наталья. «Как снять шедевр мыльницей”, 2006 й.

Учинчи боб Журналист суриштируви

Миллий матбуотимизда журналистик суриштирув унча кўп учрамайди. Кўп ҳолатларда ОАВда берилаётган суд ҳукми асосида тайёрланган материаллар айнан ана шу жанр остида чиқади. Аммо бу ҳақиқий журналистик суриштирувими? Албатта йўқ. Хўш, журналистик суриштирувини ўтказиш учун нималарни билиш керак?

Журналист суриштируви халқаро журналистика амалиётида бундан 100 йиллар илгари кўлланила бошланиб, бугунга келиб асосий ва етакчи жанрлардан бири ҳисобланади. Британиялик таниқли журналист Дэвид Ренделл мазкур жанрга тавсиф берар экан, “Журналист суриштируви – бу репортёрлар ўтказадиган тадқиқотдир”, - дейди. Демак, тадқиқотнинг самараси ўлароқ, манфаатдор кучлар томонидан яширилган ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ахборот фукароларга ошкор этилади.

Рус тилида журналист суриштируви “журналистское расследование”, инглиз тилида эса “investigation”, деб номланади. Хорижда журналистик суриштирув жанри, асосан, оммага деярли маълум бўлмаган мавзуни ёритиш билан боғлиқдир. Бундай ишга жазм этган журналистларни хорижликлар инвестигейторлар, деб аташади. Албатта, ёпиқ мавзуни очиш қийин ва кўп ҳолларда маълумот йиғиш жараёни суриштирув мавзусидан кўра қизикроқ жараёнга айланади. Бу ўринда асосий масала мавзунинг ўзида эмас, балки уни ўрганиш ва хуносаларнинг жамоатчиликка қизиги борми ёки йўқлигига кўринади. Журналистик суриштирув фақатгина бир соҳани қамраб олиши мумкин эмас. Ҳақиқий профессионал журналист ҳар қандай мавзуни тадқиқ этиб, унинг ечимини топиши мумкин. Шу ўринда маълум бир худуддаги кичик дарёда нега бирдан балиқлар йўқолиб қолгани ҳақидаги мавзуу унинг замирида яширинган йирик экологик муаммони ва ўз навбатида мазкур худуд аҳолисининг экологик саводхонлиги масаласини ҳам қўтариб чиқишига ёрдам бериши мумкин. Криминал ва ҳуқуқий мавзу кўпинча журналистик суриштирув мавзусига айланади. Бу ерда журналист ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан бир қаторда суриштирувни олиб бориб, жиноятнинг очилишига ёрдам бериши мумкин. Аммо суриштирув натижалари фақатгина

мазкур жиноят содир этган шахс устидан суд бўлиб, у жиноятчи дея суд хукми билан тан олингачгина амалга оширилади. Унгача жиноят содир этган шахсга нисбатан айбизизлик презумпцияси қўлланилади.

Мазкур жанрнинг бошқа жанрдан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардир:

1. Жамоатчилик диққат-эътиборидан маълум вақт четда қолиб, оқибатда жамият ривожини орқага тортаётган муаммони журналистнинг бевосита иштироки орқали очиш.
2. Муҳим ҳодисалар ҳақида материал яратиш.
3. Манбани кўрсатиш ва аниқ иқтибослар келтириш.
4. Шахсий хулоса чиқармаслик, балки эксперталар фикрини бериш.

Бундай ёндашув ўкувчини ҳаққоний гувоҳлар ва эксперталарга йўллаш, турли фикрларда бўлган одамларга мурожаат қилиш орқали мувозанатни сақлаш ва холис бўлиш имконини беради.

Журналистик суриштирув, бу - муаммони ҳар томонлама тадқиқ этишдир. Албатта, уни ўтказиш учун журналист ахборот олишнинг турли усувларидан фойдаланишига тўғри келади.

Журналист маълумотларнинг бир қисмини очиқ манбалардан олиши мумкин. Бу манбалар ОАВлардир. Ушбу маълумотлар журналистга керакли хужжатларни қаердан топиш мумкинлигига ишора қиласди.

Иккинчиси, ёпиқ манбалар жумласига мавзуга алоқадор шахсларнинг танишлари, ҳамкор ва ҳамкаслари ҳамда ҳукуқ-тартибот идоралари киради. Улар билан ҳамкорлик журналистга зарур ахборотни тўплаш имконини беради.

Манба билан ишлаш ҳақида сўз борганда, мутахассислар кўп йиллар давомида “Нью-Йорк пост” газетасида журналист суриштируви ўналишида фаолият юритаётган Майл Берлиннинг қўйидаги кўрсатмаларини ижод меъёрлари сифатида қабул қиласдилар. «Ҳеч қандай ўғирланган хужжатлар бўлмасин. Ахборот учун ҳеч қандай ҳақ берилмасин. Журналист суд олдида жавоб беришга тайёр бўлган ҳолатлардан ташқари, бошқа ҳеч вақт хусусий ҳудудга ноқонуний кирмасин ва энг асосийси, ҳар қандай ҳолатда ҳам манба ошкор этилмасин”²⁷.

Ушбу ўналишда ишлаётган журналист ахборот олишда қўйидаги усувлардан фойдаланиши мумкин: кузатув, интервью, сухбат, хужжатлар таҳлили. Ҳар томонлама хужжатлаштирилган ва мустаҳкам ҳукуқий асосга эга бўлган материал тайёрлаш учун кўп соҳалардан хабардор бўлиш талаб этилади. Журналист ўз текширувини олиб бориш давомида мухаррир ва қасбдошлари билан, шунингдек, эксперталар билан ҳамкорлик қилиши тақозо этилади. У очиқ ахборот олишни кафолатловчи қонун меъёрларидан яхши хабардор бўлиши, ёзаётганлари кимнингдир шаъни ва қадр-қимматига даҳл қиласлиги, материал чоп этилганидан сўнг ўзи ва таҳририят ноқонуний хатти-харакат қиласлика асос топилмаслиги керак.

Бу ўринда энг мақбул вариант машҳур рус журналисти В.Гиляровский каби журналист ўз иш ўрнини ўзгартириб, тадқиқ этилаётган обьектга маълум муддатга ишга кириб, муаммони ички томондан ўрганиши юқорида санаб ўтилган усувлардан кўра кўпроқ самара беради.

Журналистик суриштирув аксарият ҳолларда оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ёки журналистларнинг шахсий ташабbusлари орқали олиб борилади. Хорижда бундай суриштирувларнинг 70 фоизи буюртма асосида бажарилиши натижасида мавзуни нохолис ёритилиши кузатилади. Журналист жамият номидан иш қўраётганлигини ва суриштирув айнан жамият манфаатларига хизмат қилиши лозимлигини унутмаслиги лозим.

Материалда албатта, далил ва фактлар, воқеанинг шарҳи ҳамда унга нисбатан турли хил нуктаи назарлар мавжуд бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ворошилов В.В. Журналистика: Учебник. – 2-е изд. – СПб.: Изд-во В.А. Михайлова, 2000.
2. Дэвид РЭНДАЛЛ. Универсальный журналист. М., Прогресс. 2004
3. Элан Бойл. Информационная работа как процесс мышления. М., Галерия. 2004.
<http://www.irolt.com>

²⁷ Дэвид РЭНДАЛЛ. Универсальный журналист. М., Прогресс. 2004

4. Вартанова Е. В. Новые СМИ в России: перспективы и проблемы развития. //В кн. Новые технологии и развитие СМИ в России и Германии. New Technologien und die Entwicklung der Medien in Rusland und Deutschland. Frankfurt am Main: IMK. 1998
5. Castells, M. The Information Age: Economy? Society and Culture. - Vol.2.- “The Power of Identity”. – Oxford: Blackwell, 2000.
6. News and Numbers by Victor Cohn (Ames, Iowa State University Press, 1989).
7. Newsroom Guide to Polls and Surveys by G. Cleveland Wilhoit and David H. Weaver (Reston, Va.: American Newspapers Publishers Assoc., 1980).

Түртинчи боб Болалар нашрлари учун материал тайёрлаш

Республикамизда чоп этилаётган болалар нашрларини варақлар экансиз, аксарият ҳолларда кичкіншіларнинг фикрича эмас, балки улар ҳақида ёзилған материалларга дуч келасиз. Бу мақолаларда күйпроқ болалар ҳақида катталар қандай фикрда эканлигини билиб олиш мүмкін. Аксарият ҳолларда журналистлар болаларни одат бўлиб қолган стереотиплар асосида одобли-аълочиликлар, безори-иккичилар, индамас-тахқирланганлар тоифаларига бўлишади ва мактабда олаётган баҳосига қараб муомала қилишади. Албатта, масалага бундай ёндашиш нотўғри. Зоро, аъло баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар ўртасида безорилар, иккичилар ўртасида эса одобли болалар ҳам чиқиб қолиши мүмкін.

Болалар фикрларини билишнинг энг тўғри йўли, улар билан мулоқотда бўлишдир. Аммо мутлақо гапиришни хоҳламай, сиздан ўзини олиб қочадиган болакайни қандай гапириши мүмкін?

Бу ҳолда сиз унинг фикрини ҳақиқатдан ҳам қадрлашингизни, кичкіншіларни ўзингиз билан тенгдошдай кўраётганингизни кичкіншіларни билдиришингиз керак. Болалар билан қўйидагича сұхбатлашиш турлари мавжуд:

- турили хил ижодий жанрлардан фойдаланиш (аввало, яхши кўрган шеъри ёки ашуласини айтиб бериши, чизган расмини кўрсатишини илтимос қилиш ва ҳоказо);
- бола билан ўтирган ҳолатда ёки чўкка тушган ҳолда гаплашиш лозим (бола пастдан юқорига қараса, гаплашгиси келмай қолади ва ўзининг ожизлигини ҳис этади);
- сұхбатни айнан сизни қизиқтирган эмас, боланинг ҳаётига бевосита оид мавзулардан бошлаш лозим (бунинг учун олдиндан унинг ўқитувчиси ёки ота-онаси, ўртоғи билан танишиб олган маъқул);
- боланинг манфаатларини ўз манфаатларингиздан устун қўйинг;
- унга жиддий оҳангда мурожаат этинг (эркалаш оҳангি болага унинг ҳали ёшлигини яна бир карра эслатади);
- сұхбатлашаётганда хонада бўлсангиз, эшикни очиб қўйинг (эшиги ёпик хонада катта одам билан якка қолган бола ўзини ноқулай ҳис этади);
- мактабда бўлса бола билан директор хонасида эмас, балки ҳовлининг шовқини камроқ жойида ёки таълим муассасасининг боғида сұхбатлашганингиз маъқул (албатта танланган жой бошқаларга кўриниб туриши керак, бунда ўқувчининг ўз ўртоқлари олдида нуфузи ортади).

Болалардан интервью олиш сирларини америкалик журналистлар Сара Маккрэм ва Лотт Хьюлар ўзларининг «Болалар билан қандай сұхбатлашиш керак?» номли китобида атрофлича таҳлил этишган²⁸.

Уларнинг фикрича болаларга қўйидагилар ёқмайди:

- уларнинг жиддий қарашларини ҳазил тариқасида бериш;
- уларнинг номларидан катталарнинг гапиришлари;
- уларни ҳеч нарсани тушунмайдиган қилиб кўрсатиш.

²⁸ Сара Маккрэм ва Лотт Хью. Как интервьюировать детей. М., 2000 г. Стр 79.

Болага ёқадиган ҳолатлар:

- ўзлари ҳақида катталарнинг аралашувисиз гапириши;
- катталар уларни ўзлари билан тенг кўриши;
- уларнинг фикри билан қизиқишлари;
- билимларини хурмат қилишлари²⁹.

Болалар билан сұхбат қуришда асосийси, уларни тинглай билишдир. Фақат ўзларини қизиқтирган саволни берадиган катталар билан болалар тезда зерикиб қолади. Бу ҳолда, албатта, болалар билан сұхбатлашишдан олдин тайёргарлик кўриш лозим. Бола билан сұхбат қуришдан олдин:

- боланинг ота-онаси ёки ўқитувчиси билан сұхбатлашиб, маълумот тўпланг;
- гиёхванд ёки ОИТС билан зааррланган бола билан сұхбатга бораётганда “қоғоз” га ўралган саволлар тайёрлаб қўйганингиз маъқул;
- сұхбат чоғида соатингизга қарайвермаслик учун, интервьюга кўпроқ вақт ажратинг;
- иложи бўлса, интервью оладиган болакай билан олдин бир неча маротаба учрашинг, чунки нотаниш одамларга болалар қулфи-дилини очавермайдилар.

Кичик сұхбатдошингиз билан учрашдингиз. Хўш, учрашув чоғида нималарга эътибор бериш керак?

- Албатта унга кимлигингиз ва учрашувдан мақсадингизни тушунтириинг.
- Унга сиз дея мурожаат этинг, чунки катталарни биринчи учрашувданоқ «сенсирамайсиз», тўғрими?
- Саволга жавоб беришни истамаса, унга ҳеч қандай тазиик ўтказмай, гап оҳангини баландлатмай, мулойим равишда жавоб олишга интилинг.
- Сұхбатдошингизга интервью имтиҳон ёки тест эмаслигини, балки унинг фикрлари ва дунёқараси билан яқиндан танишишнинг бир воситаси эканини тушунтириинг.
- Сұхбат тугагач, интервью қаерда ва қачон чоп этилишини, албатта уларга айтинг ёки хабар беришингизни билдириng.
- Саволларга яхши жавоб бергани учун кичик сұхбатдошингизни мақташни унутманг.
- Агарда сұхбатингиз сураткаш билан ҳамкорликда олиб борилаётган бўлса, ҳамкасбингиздан сұхбат тугагач, олинган суратларни болаларга кўрсатишини унутманг³⁰.

Болакай билан сұхбатга отланган журналистнинг бу борада ўз қарашлари мавжуд бўлади. Аммо доимо кичик респондентга нисбатан хурматни сақлаш ва унинг фикрларини эътиборга олиш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сара Маккрэм ва Лотт Хью. Как интервьюировать детей. М., 2000 г.
2. Материалы IV Международного форума молодых журналистов “Поколение.KZ”
3. // 29.05-1.06. г. Караганда, Республика Казахстан.
4. www.childline.org.za.
5. www.childrenfi.rst.org.za.
6. www.childwatch.uio.no.

Тўртинчи қисм
Таҳририят ишини ташкил қилиш
Биринчи боб
Медиабизнес асослари

²⁹ Сара Маккрэм ва Лотт Хью. Как интервьюировать детей. М., 2000 г. Стр 80.

³⁰ Ўша ерда. 91-бет.

Бозор иқтисодиёти шароитида газета чиқариш учун таҳририят раҳбарлари ва таъсисчилар медиабизнес билан шуғулланишларига тўғри келади. Медиабизнес – ОАВ тизимидағи ишбилармонлик фаолияти бўлиб, ундан мақсад моддий даромад олишдир. Акс ҳолда таҳририят фаолият юрита олмайди – газета чоп этишнинг, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлашнинг иложи бўлмайди.

Медиабизнеснинг ўзига хос қирраларига бағишлиланган ўнлаб китоб ва монографиялар мавжуд. Бизнинг рисоламиизда эса унинг асосий қирраларига ва мақсадга эришишнинг муҳим усусларига тўхталиб ўтилади.

Мустақил равишда тижорат ва ишбилармонлик фаолияти юритиш учун таҳририят ҳуқукий шахс мақомида бўлиши лозим. Бунинг учун газета таҳририяти муассис томонидан маҳаллий ҳокимлик органларида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган шакллардан бирини танлаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект сифатида рўйхатдан ўтиши керак. Мана шу нарса муассис ва таҳририят ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожини белгилаб беради. Хусусан, таҳририят мулкининг эгаси ким, молиявий маблағлар қандай ишлатилади, фойда кимлар ўртасида ва қандай тақсимланади каби саволларга жавоб берилади.

Мазкур ташкилий-ҳуқукий шакллар икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмга тааллуқли шаклларни муассис танлайди. Битта шарти - унинг асосий мақсади фақат фойда кўриш бўлмаслиги керак. Бу ҳолда таҳририят давлат муассасаси, нодавлат нотижорат ташкилоти ёки бошқа шаклда рўйхатдан ўтказилади. Мабодо, молиявий фойда кўриш мақсади биринчи ўринда турса, таҳририят масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона ёки акционерлик жамияти шаклида рўйхатдан ўтказилади. Ҳар бир шаклнинг ўзига хос томонлари бўлиб, улар таҳририят мулки ва тадбиркорлик-ишбилармонлик фаолиятидан келадиган фойдага эгалик қилиш таҳририятнинг мустақил балансига, банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамига, ўз муҳрига эга бўлиши, ноширлик ва товар белгиси ҳамда газета номига эгалик қилишларида намоён бўлади. Шунингдек, газета таҳририятининг ҳуқукий шахс сифатидаги ташкилий-ҳуқукий шакли унинг Низомида белгиланган муассис ва бош муҳаррир муносабатларининг, жамоани бошқаришнинг ўзига хос томонларида ҳам кўринади.

Таҳририят менежменти – мақсад, шакл ва ташкилий жиҳатлари

Таҳририят менежменти талабларини ҳисобга олмай медиабизнес билан шуғулланиш мумкин эмас. Бу ўринда менежмент деганда икки нарса тушунилади. Биринчидан, таҳририят жамоасини бошқариш, бу жараённинг усул ва шакллари. Иккинчидан, маълум бир касб эгалари, яъни жамоани бошқарувчи раҳбарлар командасини ташкил этувчи менежерлардир.

Иқтисодий фактор таҳририят менежментининг бутун жараёнига кучли таъсир кўрсатади. У менежментнинг мақсадини, йўналишини ва характеристини белгилаб беради. Чунки таҳририятнинг мавжудлиги ва нисбатан эркин фаолият юритиши унинг иқтисодий мустақиллигига боғлиқ бўлади. Аксарият раҳбарларнинг асосий мақсади молиявий фойда кўриш, нашрнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш бўлиб қолади. Шу туфайли таҳририятни бошқариш ва таҳририят менежменти иқтисодий характер касб этади. У жамоани – унинг барча ходимларини иқтисодий бошқариш шаклини олади.

Таҳририят менежментининг иккинчи мақсади эса таҳририятнинг барча ходимларида иқтисодий фикрлашни, уларнинг фаолияти таҳририят ва газетанинг иқтисодий базасига таъсир этишини ҳис этишини шакллантиришдан иборат.

Энди таҳририят раҳбарияти уни бошқарища бир қанча иқтисодий тамойиллардан келиб чиқиб иш юритади. Уларнинг биринчиси, вақтли нашрнинг фойда келтириши. Фақат молиявий фойда келтиришгина газетанинг яшаб қолишини таъминлайди. Шу сабабли, унинг барча ходимлари фаолияти ана шу мақсадга йўналтирилади.

Иккинчи принцип, яъни унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам аслида фойда кўришга интилиш билан узвий боғлиқ. Чунки бошқа вақтли нашрлар билан кучли рақобатга бардош берибгина фойда олиш мумкин.

Учинчи принцип иқтисодий тежамкорликни назарда тутади. Яъни таҳририят менежерларининг фаолияти камроқ куч, энергия, восита ва маблағ сарфлаб, ўз мақсадларига эришишга қаратилади. Фаолиятнинг барча йўналишларида тежамкорлик оз вақтда, қисқа йўл билан керакли натижаларга эришишни таъминлайди.

Таҳририят менежментининг мақсадларига эришишга интилиши таҳририят жамоаси тавсифида ва унинг фаолиятида ўз аксини топади. Сўнгти йилларда газеталар таҳририятлари таркиби, тузилиши ва катталигида кескин ўзгаришлар рўй берадётганини кўришимиз мумкин. Бу ўзгаришлар натижасида таҳририят жамоаси иккига, яъни ижодий ва иқтисодий қисмларга бўлинмоқда. Биринчи қисмга журналистлар, муҳбирлар ҳамда газета чиқишини таъминлайдиган техник ходимлар киради. Иккинчи қисмни эса таҳририятнинг иқтисодий, тижорат ва реклама бўлимлари ташкил этади. Мазкур бўлимларнинг ҳар бири ўз вазифасига эга. Ҳар бирининг ўз раҳбари бор: ижодий жамоага бош муҳаррир, иқтисодий бўлимга эса бош менежер раҳбарлик қилади. Уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини бир-биридан маълум даражада мустақил равишда ва эркин бажаради, аммо мунтазам бир-бириларига таъсир этиб ҳам туришади. Уларнинг ҳар бири ходимлар фаолиятини узлуксиз менежмент жараёнида бошқариб турадилар. Аммо бу менежмент ходимлар олдида турган вазифаларга қараб фарқланади.

Ижодий жамоада журналистлар бош муҳаррир бошчилигида газетани нашрга тайёрлаш ва чоп этишни ташкил этиш билан шуғулланишади. Журналистлар материаллар тайёрлаш ва уларни газета саҳифаларига жойлаштириш, бошқарувчилар, яъни бош муҳаррир ва ижодий жараённинг бошқа раҳбарлари ишлаб чиқариш менежменти билан банд бўлишади. Иқтисодий бўлимда эса таҳририятнинг раҳбар-менежерлари иқтисодий, биринчи галда, молиявий менежмент воситасида ўз вазифаларини бажарадилар. Таҳририят менежментининг ҳар икки кўринишининг ҳам асоси битта, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хосликларга эга.

Таҳририят менежментининг ўзига хослиги

Таҳририят менежментида ижодий ходимлар журналистлар жамоасини шакллантириш, унинг ҳажми, таркибини аниқлаб олиш, ишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг барчаси катта куч ва яхшигина молиявий харажатларни талааб қилади. Харажатлар миқдорини журналист меҳнати бозоридаги вазият, газетанинг имиджи, таҳририятнинг ўз ходимлари меҳнатига қанча ҳақ тўлай олиши ва бошқа кўплаб факторлар белгилаб беради. Газетанинг шакли, ҳажми, даврийлигига қараб бош муҳаррир штатдаги ижодий ходимларнинг газетани чиқариш имкониятини берадиган энг кам сонини белгилаб олади. Штатсиз ходимларни жалб этиш ҳисобига ходимлар сонини ва шунга мутаносиб равишда харажатлар миқдорини ҳам камайтириш мумкин. Аммо ҳар бир таҳририятда газета даражасини тушириб юбормаган ҳолда ходимлар сонини қисқартиришнинг чегараси бўлиши табиий.

Таҳририят менежменти тизимиға таҳририятда маълум бир кадрлар сиёсатини олиб бориш ҳам киради. Бу сиёсат таҳририятга янги ходимни ишга олиш ёки олмаслик ваколатига эга бўлган бош муҳаррир томонидан олиб борилади. Баъзи йирик нашрларда кадрлар сиёсатини юритишида бош муҳаррирга ходимлар бўйича менежер ёрдам беради. Кўп ҳолларда янги ходимни ишга қабул қилиш, ходимларни ишдан бўшатиш, бир лавозимдан бошқасига ўтказиш каби масалалар таҳrir ҳайъати йиғилишларида муҳокама этилади ва ҳар бир аниқ ҳолат бўйича умумий фикрга келинади. Якуний хulosани эса барибир бош муҳаррир чиқаради.

Бош муҳаррир муассис ва таҳририят менежери – тижорат директори билан бирга ходимларга ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқади. Аксарият таҳририятларда журналист меҳнатига ишбай ҳақ тўланади. У ойлик маош ва эълон қилинган мақолалари учун қалам ҳақидан иборат бўлади. Молиявий бақувват таҳририятларда эса бу иккисига қўшимча равишда ҳар ойда маош миқдоридан кам бўлмаган, баъзи ҳолларда эса ундан анча ортиқ бўлган мукофотлар ҳам тўлаб турилади. Ғарбда қалам ҳақидан воз кечиб, оширилган миқдорда маош тўлаш тизими бизда деярли урф бўлмаган. Таҳририят молиявий

муаммоларга дуч келганда, ходимларга иш ҳақи тўланмай, эълон қилинган материаллари учун фақатгина қалам ҳақи тўланиши ҳам мумкин. Аммо бу усулни бош мухаррирлар жуда кам қўллашади. Таҳририят ходимлари, яъни нафақат журналистлар, балки техник ва тижорат ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш таҳририят харажатларининг энг катта қисмини ташкил этади.

Таҳририят бюджетни шакллантириш ва шу асосда ҳақиқий харажатларининг бюджетда белгиланган кўрсаткичларга мос келиш-келмаслигини акс эттириб борадиган бухгалтерия балансини ишлаб чиқиш таҳририят менежментининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Бюджет таҳририят раҳбарларига уларнинг имкониятларини, молиявий йил давомида қайси йўналишларга қанчадан маблағ сарфлашлари мумкинлигини аниқ равища кўрсатиб туради.

Ҳар қандай корхона ёки ташкилотда бўлгани каби таҳририят бюджети ҳам икки таркибий қисмдан – харажат ва даромад қисмларидан иборат бўлади. Харажатларнинг каттагина қисмини босмахона ва газета қоғози харид қилиш учун сарфланадиган маблағ ташкил қиласди. Таҳририят ижодий ва техник ходимларининг кундалик иш фаолиятини таъмин этишга сарфланадиган маблағлар ҳам бюджетнинг харажат қисмida алоҳида ўрин тутади. Унга ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаларининг, хизмат сафарлари, алоқа воситалари – телефон, факс, Интернет, турли ёзишмалар учун тўловларнинг харажатлари киради. Транспорт воситалари учун сарф-харажатлар, яъни уларни сақлаб туриш, таъмирлаш, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун ҳам анчагина молиявий харажатлар талаб этилади. Кундалик иш жараённида фойдаланиладиган воситалар – қоғоз, фотоаппарат, диктофон, ксерокс ва бошқа техника учун ҳам йил давомида маълум бир маблағ сарф этилади.

Бош мухаррир ва таҳририят ижодий менежерлари нафақат ходимлар сонини ва таркибини, балки ҳар бир ходимнинг ўзига мос вазифани бажаришини ҳам таъминлашлари зарур бўлади. Чунки журналист ўз малакасига, ижодий имкониятларига тўғри келадиган, қизиқишлири ва интилишларига мос вазифа ўтирасагина, унинг ишида самара бўлади ва бундан таҳририят кўпроқ фойда кўради. Бу ҳол иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдалидир. Шу боис таҳририят ходимларини имкон қадар ўз жойига қўйиш таҳририят менежментининг вазифаларидан бири саналади.

Таҳририят менежменти жараёни ижодий жамоани бошқаришнинг турли услублари тизимини қўллаш ва ижодий ҳамда техник бўлимлар ишининг бизнес режасини тузиш асносида янада аниқлашиб боради. Бу таҳририят ишлаб чиқариш менежментининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у иқтисодий ва молиявий менежмент билан узвий боғлиқдир.

Иқтисодий менежментнинг ўзига хосликлари

Газета таҳририятининг ўзини ўзи таъминлай олишига, иқтисодий эркинлигига эришишда, табиийки, иқтисодий, биринчи галда, молиявий менежмент муҳим роль ўйнайди. Бу фаолият тури билан жамоанинг иккинчи таркибий қисмини ташкил этувчи иқтисодий бўлим менежерлари, тижорат бўлими раҳбарлари шуғулланишади. Ижодий жамоа раҳбарларидан фарқли равища улар таҳририятга ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва фойда-даромад олишга йўналтирилган ташкилот сифатида қарайдилар ва шу асосда иш олиб борадилар.

Таҳририятнинг иқтисодий бўлими иқтисодий менежментнинг маълум бир йўналиши билан шуғулланадиган тузилмалар йигиндисидан иборат бўлади. Уларнинг барчаси ўзаро бир-бири билан боғлиқ, ҳамда бир-бирига ва таҳририятнинг бошқа бўлимларига таъсир кўрсатади. У бош ҳисобчи томонидан бошқариладиган бухгалтерия, йирик таҳририятларда эса қўшимча тарзда режа-молиялаштириш бўлимларини бирлаштирган молиявий хизматдан иборат бўлади. Бутун молиявий хизмат фаолиятини таҳририятнинг молия ишлари бўйича менежери бошқариб туради. Маркетинг бўйича менежер эса маркетология бўлимини бошқаради. Таҳририят иқтисодий тизимидағи энг муҳим бўлимлардан бири реклама бўлимини бўлиб, унинг ишини реклами бўйича менежер бошқариб туради. Бу бўлимда

реклама бўйича мутахассислар, яъни реклама агентлари, матн тузувчилар, безакчилар, дизайнерлар ишлашади. Газетани тарқатиш масалалари билан эса шу фаолият турини амалга оширадиган бўлим менежери шуғулланади. Бу бўлим газета обунасины ташкил этиш, тақдимот маросимларини ўтказиш кабилар билан шуғулланади, ОАВларни тарқатиш ва обуна қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хусусий корхоналар, бошқа турдаги ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Йирик таҳририятларда бу бўлим таркибига ахборот агентлиги, ноширлик бўлими кабилар ҳам кириши мумкин.

Таҳририятнинг барча иқтисодий бўлимларига бош менежер (тижорат масалалари бўйича ёки ижрочи директор) раҳбарлик қиласи. Одатда, унинг мақоми бош муҳаррир ўринбосари даражасида бўлиб, ўз фаолиятида бош муҳаррирга бўйсунади, ҳамда таҳир ҳайъати аъзоси ҳисобланади. Аммо айрим ҳолларда у тўғридан-тўғри бевосита газета муассисига бўйсунади ва унга ҳисоб беради.

Кичик газеталар, жумладан, туман, шаҳар газеталарида молиявий менежмент масалалари билан ҳам бевосита бош муҳаррирнинг ўзи шуғулланишига тўғри келади. Бу эса ундан иқтисодий соҳага оид билимларини ошириб боришини талаб этиади. Йирик вақтли матбуот нашрларида эса аҳвол бошқачароқ: бош муҳаррир йўналишлардан фақат бири билан шуғулланади – ўзи ижодий жараёнга раҳбарлик қилиб, молиявий менежмент масалаларини мутахассис-менежер зиммасига юклайди ёки ижодий ишларни бошқаришни ўринбосарига топшириб, ўзи молиявий менежмент билан машғул бўлади.

Газета таҳририятида иқтисодий менежмент кутилган натижани бериши учун унинг муассислари ва раҳбарларида етарлича капитал бўлиши талаб этилади. Бу ўринда газета фаолиятини бошлаш ва муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўладиган жисмоний, молиявий, инсон ресурслари назарда тутилмоқда. Капитал икки қисмга бўлинади: асосий ва айланма. Асосий капитал газета таҳририяти учун бино қуриш ёки сотиб олиш(ижарага олиш), уни зарур жиҳозлар, техника ва транспорт воситалари учун йўналтирилади.

Айланма капитал эса бозорда тайёр маҳсулот сифатида сотиладиган газетани ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағdir. Айланма капитал газета сотилгач, таҳририятга пул шаклида қайтиб келади. Шунингдек, айланма капитал таркиби газета чоп этиш учун зарур бўладиган материалларни харид қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, босмахона харажатлари кабилар ҳам киради. Таҳририят капитали газета муассислари ва инвесторларнинг маблағлари, банкдан олинган кредит ҳамда газета келтирадиган фойдаланадиган ташкил топади. Капитал йўналтириладиган мақсадлардан келиб чиқиб таҳририятда турли жамғармалар тузилади.

Нашрнинг молиявий базаси таҳририят низом жамғармаси билан таъминланади. У таҳририят мулкига муассислар ва газета эгалари томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади. Низом жамғармаси таркиби асосий ва айланма капитал киради. Айланма капитални таҳририят ходимлари учун тўланадиган маошлар, унинг меъёрида фаолият олиб бориши учун зарур бўлган барча пул маблағлари, материаллар, масалан, газета қофози захираси, чоп этилган, аммо ҳали сотилмаган газета кабилар ташкил этиади.

Таҳририят низом жамғармаси таҳририят ишини ташкил этиш ва йўлга қўйиб олиш ҳамда газета чиқариши бошлаш имконини беради. Аммо нашр самарали фаолият қўрсатиши, мунтазам чоп этиб турилиши учун келгусида бу капитал миқдори ошиб бориши шарт.

Таҳририят менежерлари олиб борадиган молиявий сиёсатнинг бош мақсади айнан келадиган фойда ва даромаднинг харажатлардан кўп бўлишига эришишдан, молиявий дефицит келиб чиқишининг олдини олишдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб бориш, даромад келтириш мумкин бўлган манбаларни аниқлай олиш ва улардан самарали фойдаланиш йўли билангина бунга эришиш мумкин. Буларнинг барчаси таҳририят бюджетида ва у асосида шакллантириладиган ҳамда таҳририятдан чиқадиган ва унга кириб келадиган молиявий оқимларни мужассам этган балансда ўз аксини топади.

Таҳририят менежерлари газета ишлаб чиқариш билан боғлиқ ноширлик харажатларини ҳам назорат қилиб туришади. Бу ўринда газета чоп этиш учун зарур бўладиган қофоз харид қилиш назарда тутилади. Мазкур йўналишдаги харажатлар ҳажмининг қандай бўлиши

газета қоғози бозоридаги нарх-наво, танланган сотувчи, қоғознинг нави ва қалинлик даражаси, газетанинг тиражи билан бевосита боғлиқ бўлади.

Кичик нашрларга қоғоз учун пулни бевосита босмахонага тўлаш қулайроқ. Тўғри, босмахоналар қоғоз нархига маълум бир устамалар қўйишади. Аммо бу ўринда таҳририят ўзи учун зарур бўладиган нисбатан оз миқдордаги харид учун сотувчи излашдан, уни босмахона омборига келтириш ва сақлаш билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлардан қутилади. Ўртacha ёки йирик газеталар таҳририятлари учун эса газета қоғозини мустақил равишда ва имкон қадар олдиндан харид қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ ва фойдалироқdir.

Босмахона харажатлари ҳам анчагина маблағ талаб этади. Унинг миқдори танланган босмахонага, босма шакли ва турига, босмахонада газета чоп этиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёни қандай ташкил этилганига боғлиқ бўлади.

Мабодо, матнларни териш, газетани макетлаштириш ва саҳифалаштириш, нихоят уни чоп этиш жараёнларининг барчаси босмахонанинг техник базасида амалга оширилса, таҳририятнинг харажатлари анча ошиб кетади. Аммо матнларни териш, саҳифалаш ва тайёр макет ҳолига келтириш ишлари таҳририятнинг ўзида бажарилса, мазкур харажатлар сезиларли даражада камаяди.

Газетани тарқатиши харажатлари ҳам каттагина маблағни ташкил этиб, у босмахона харажатларига тенг, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам кўпроқ бўлади. Унга газетани бошқа ОАВларда реклама қилиш, маркетинг олиб бориш харажатлари ҳам қўшилади.

Таҳририят ҳуқуқий мақомдаги ташкилот бўлгани боис унинг давлат олдида маълум бир солик мажбуриятлари ҳам бўлиши табиий. Бу ўринда ҳар ойда тўланадиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар назарда тутилмоқда. Шу ўринда давлат босма нашрлар таҳририятларига маълум бир имтиёзлар ҳам бераётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, нашрни чоп этишдан ҳамда ноширилик ва босмахона фаолиятидан келадиган даромад кўшимча қиймат солигидан озод этилган.

Газетани тайёрлаш ва чоп этиш, уни вақтли нашрлар бозорига олиб кириш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси таҳририят фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган энг кам миқдордаги маблағ ҳақида тасаввур ҳосил қиласи. Бу миқдор таҳририятга турли манбалардан келаётган даромадлар оқими билан бирдек бўлиши лозим. Аммо таҳририят молиявий менежментининг вазифаси ана шу даромадларнинг харажатлардан кўп бўлишини таъминлашдан, фойда олишдан, шунинг натижасида жамоа ишини яхшилаш, нашрнинг обрўсини ошириш, газета бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунга эришиш учун таҳририят даромад ва фойда олиши мумкин бўлган барча манбаларни билиш, улардан самарали фойдаланиш талаб қилинади.

Даромад ва фойда олиш мумкин бўлган манбалар таҳририят бюджетининг даромадлар қисмида ўз аксини топади. Бу манбаларнинг айримлари таҳририят ва газетанинг фаолиятида муҳим аҳамият қасб этади. Масалан, унга газетани сотишдан, унинг саҳифаларида реклама ва хусусий эълонлар чоп этишдан келадиган даромадлар ташкил қиласи ҳамда улар бухгалтерия томонидан бош муҳаррирга ва молиявий менежерга тақдим этиб бориладиган ҳисоботларда ўз аксини топади. Агар газета бепул тарқатилса ёки реклама ва эълонлар чоп этмаса, бюджетда мазкур даромад манбалари кўрсатилмайди. Аммо бу ўринда энди бюджетда бошқа манбалардан, масалан, кредитлар, дотациялар, инвестициялар кўринишида келадиган даромадлар акс эттирилади.

Аммо айрим газеталар таҳририятлари даромад олишнинг қўшимча манбаларидан ҳам фойдаланадилар. Бу ноширилик ва тижорат фаолиятидан келадиган даромадлардир. Бу даромадлар газета бюджетида муҳим ўрин тутмаса-да, унинг молиявий аҳволини яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таҳририятнинг тираж сиёсати. Газета тиражини сотишдан олинадиган даромад мамлакатимизнинг аксарият газеталари учун узоқ йиллар давомида асосий даромад манбаи бўлиб келган. Соҳада бозор иқтисодиёти талаблари қарор топа бошлагач, вазият ўзгарди. Энди газета фақатгина тиражни сотишдан олинадиган даромад билан кун кўролмайди. Аммо даромаднинг бу манбаи ўз аҳамиятини тўлиқ йўқотди, деб айтиш нотўғри бўлар эди.

Туман ва шаҳар миқёсидаги кичик тиражли газеталарда у ҳали ҳам асосий даромад манбаи бўлиб турибди. Чунки уларда даромад олишнинг бошқа манбаларидан самарали фойдаланиш имконияти маълум сабабларга кўра чекланган. Шу ўринда бир нарсанни таъкидлаб ўтиш лозим: ҳар қандай газета учун мазкур манбадан етарлича даромад олиш унинг менежерлари томонидан тўғри тираж сиёсати олиб борилишига боғлиқ бўлади. Тираж сиёсати деганда газета тиражининг энг мақбул миқдорини ва таркибини аниқлаш, бир дона газетанинг маъқул нархини белгилаш, унинг тарқалиш ҳудудларини аниқлаш олиш кабилар тушунилади.

Газета тиражининг энг мақбул миқдори деганда, уни сотишда таҳририятга энг кўп даромад келтирадиган миқдор тушинилади. Бунинг учун даставвал газетани нашрга тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплашга етадиган тиражда чоп этиб сотилади. Бу ўринда ҳали фойда ҳакида гап бўлиши мумкин эмас. Фақатгина тиражни қўпайтириб фойда олиш мумкин. Аммо масаланинг иккинчи томони шундаки, тираж ошиши билан қоғоз, босмахона харажатлари билан боғлиқ чиқимлар миқдори ҳам ортади. Газетанинг харажатлардан ошиқча даромад келтираётган энг юқори миқдори мақбул тираж ҳисобланади. Тиражни янада ошириш эса даромаднинг камайишига олиб келади. Фақат бошқа манбалардан олинаётган даромадлар ҳисобига бу харажатларни қоплаб, тиражни ошириб бориш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига асосан таҳририят газетанинг ҳар бир сонида унинг тиражини кўрсатиши шарт. Аммо баъзи нашрлар реклама берувчиларни кўпроқ жалб этиш ва шу орқали олинаётган даромадларини кўпайтириш илинжида чиқиши манбаларида тиражни амалдагидан ошириб кўрсатишади. Бундай хатти-ҳаракатлар конунчиликка зид бўлиб, таҳририятга нисбатан газета чиқариш хукуқидан маҳрум этишгача бўлган чоралар кўрилишига олиб келиши мумкин.

Таҳририят тираж сиёсатида тиражнинг таркиби ҳам муҳим роль ўйнайди. Аксарият газеталарда у икки таркибий қисмдан иборат бўлади: обуна тиражи ва сотувга чиқариладиган тираж.

Таҳририятнинг тираж сиёсатини унинг нарх сиёсатидан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Менежер газетанинг обунадаги ва нақд сотувдаги энг маъқул нархини аниқлаш бериши лозим. Бу жараёнда кўплаб факторларни эътиборга олиш керак бўлади. Жумладан, газетанинг битта сонини чоп этиш билан боғлиқ барча, хусусан, қоғоз ва босмахона харажатлари ҳисобга олинади. Айнан шу харажатлар газета нархини белгилашда асосий вазифани бажаради. Иккинчи фактор газетага бўлган талабдир. Унинг ортиб бориши ёки аксинча камайиши нархни ўзгаририб туришга мажбур этади. Учинчиси, газета ўқувчисининг харид имкониятидир. Яъни у газетага обуна бўлишга ёки ҳар сафар харид қилиб ўқишига пул сарфлай олишга қанчалик қодирлиги. Мабодо, кўзда тутилаётган ўқувчиларнинг аксарият қисми унга обуна бўлиш ёхуд ҳар сафар харид қилиб ўқиши имкониятига эга бўлишмаса, таҳририят нархни пасайтиришга мажбур бўлади. Нихоят, рақобатчи нашрлар нархини ҳам менежерлар эътибордан қочирмасликлари керак. Бир дона газета учун кетган харажатлар аниқлаш олингач, унга таҳририят ўзи даромад олишни кутаётган устамани қўшади. Натижада газетанинг харид нархи келиб чиқади. Мазкур миқдорни бир ой, чорак, ярим йил ва йил давомида чиқадиган сонлар миқдорига кўпайтириб, таҳририятнинг обуна нархи ҳосил қилинади. Мана шу нарх “Матбуот тарқатувчи” АҚ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ ёки газета тарқатиш билан шуғулланиш ваколатига эга бўлган бошқа тижорат фирмаларига маълум қилинади. Ўз навбатида улар таҳририятнинг обуна нархига ўз харажатлари билан боғлиқ устамаларни кўшиб, якуний обуна нархини чиқаришади. Аксарият ҳолларда мазкур ташкилотлар кўядиган устама обуна нархининг учдан бир қисмини, ҳатто тенг ярмини ташкил қиласади. Нақд сотувга чиқариладиган газетанинг нархи ҳам худди шу кўринишда шакллантирилади. Таҳририят белгилаган нархга тарқатувчи фирма ва ташкилот, ёки хусусий шахс ўз устамасини қўшади. Бу жараёнда ўртада турган воситачилар қанча кўп бўлса, газетанинг нархи шунга мос равишда ортиб боради. Йирик нашрлар таҳририят қошида газета тарқатиш бўлимлари

ташкил этиш, одамлар гавжум жойларга ўз газета дўконларини ўрнатиш орқали нақд сотувдаги нархни пасайтиришга ҳаракат қилишади.

Таҳририятнинг реклама сиёсати. Таҳририят молиявий аҳволининг мустаҳкамланишида реклама сиёсати муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Кўпчилик газеталар учун реклама ва эълонларни чоп этиш асосий даромад манбаларидан бирига айланиб қолмоқда. Айrim ҳолларда мазкур даромадлар таҳририят ялпи даромадининг 50-80 фоизигача микдорини ташкил этиши мумкин.

Таҳририят реклама сиёсати деганда реклама берувчилар ва реклама манбалари, реклама учун мақбул нархларни белгилаш, уларни эълон қилиш тизимини шакллантириш ва ундан олинадиган даромадларни режалаштириб бориш тушунилади. Шунингдек, Ўзбекистон реклама бозоридаги вазият, рекламага бўлган талаб ва таклиф ҳам эътиборда туриши лозим. Газетанинг йўналиши ва мавқеига қараб менежерлар ўзларининг турли реклама манбаларини излаб топиш борасидаги ишларини белгилаб оладилар. Туман ва шаҳар микёсидаги кичик нашрлар учун хусусий эълон берувчиларни жалб этиш муҳим ўрин тутади. Тиражи катта бўлган йирик газеталар эса реклама агентликлари билан ишлашади. Таҳририят уларнинг айримлари билан узоқ муддатли шартномалар тузиб, мунтазам равишда реклама етказиб бериб тургани учун маълум бир чегирма ва имтиёзлар жорий этиши мумкин. Баъзи ҳолларда реклама агентликлари газетанинг маълум бир саҳифасиниғ ёки унинг бир қисмини олдиндан пул тўлаб маълум бир муддатга сотиб олади ва ўша ерда ўзининг рекламаларини жойлаштириб боради. Таҳририятнинг реклама бўлими менежери ўз бўлимидағи ходимлар учун реклама топиш ва жойлаштиришнинг маълум бир меъёр ва микдорларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

Газетада рекламани жойлаштиришда маълум бир чегирмалар ва устамалар ҳам кўзда тутилиши мумкин. Устама реклама берувчининг хоҳишига биноан рекламани чоп этишда қўлланилган қўшимча воситалар, жумладан, рангли шакл, маҳсус рамкага олиш, бошқа рекламалардан ажралиб турадиган шаклда чоп этиш каби қўшимча хизматлар учун олинади. Чегирма эса рекламани узоқ муддат чоп этганлик, катта микдордаги маблағга шартнома тузганлик, катта ҳажмдалиги учун берилиши мумкин. Реклама учун нархлар, уларни ўзгартириб туриш, устама ва чегирмалар белгилаш таҳририят менежерлари томонидан белгиланади.

Реклама учун нарх таҳририятнинг янги бошланаётган молия йили учун молиявий сиёсати режалаштирилаётганда белгиланади. Бунинг учун аввал таҳририятнинг барча харажатлари, сўнг кутилаётган даромадлари (рекламадан келадиган даромад бундан мустасно) хисоблаб чиқлади. Агар харажатлар даромадлардан ортиқ бўлса, мана шу фарқни қоплаш учун реклама нархига ўзгартириш киритилиши мумкин. Шу билан бирга реклама учун нарх сиёсати олиб борилаётганда рақобатчи нашрлардаги реклама нархлари, реклама бозоридаги вазият, реклама берувчиларнинг тўлов қобилияти кабилар ҳам назарда тутилади.

Шундан сўнг газетанинг форматидан келиб чиқиб саҳифалардан реклама жойлаштириш учун ажратиладиган майдон белгилаб олинади. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ти Конунига кўра, реклама нашри бўлмаган ОАВда реклама характеристидаги маҳсулотлар газета умумий ҳажмининг 40 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Реклама учун ажратилган майдон квадрат сантиметрларда ўлчанади. Битта сонда неча квадрат сантиметр reklamaga ajratilgani aniklab olingach, xosil bўlgan son gazetанинг бир йилдаги сонлари микдорига кўпайтирилади. Натижада бир йил давомида reklamaga ajratiliishi kўzda тутилган умумий майдон микдори келиб чиқади. Таҳририят бюджетидаги ортиқча харажатлар микдорини умумий реклама майдонига бўлиб, бир квадрат сантиметр учун реклама нархи аниқланади. Рентабелликка эришиш ва кўпроқ даромад олиш учун реклама нархини таҳририятни ҳам, реклама берувчиларни ҳам бирдек қаноатлантирадиган даражагача ошириш мумкин.

Газета саҳифаларида хусусий эълонларни чоп этиш ҳам маълум микдорда даромад келтириши мумкин. Бир неча сатр ёки сўздан иборат бўлган бундай эълонларда газета ўқувчиларининг аксарият қисмини қизиқтириши мумкин бўлган маълумот мавжуд бўлади. Уларнинг бир қисми турли хизматлар ва маҳсулотлар ҳакида бўлиб, сатрли реклама деб ҳам

аталади. Бошқа бир қисми эса фуқароларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, уларда турли тадбирлар, мусобақалар, юбилейлар, тантаналар, бошқа тадбирлар ҳақида маълумот берилади. Бошқа бир гурӯҳ эълонларда шифокорларга, ўқитувчи ва устозларга миннатдорлик акс этган бўлиши, почта маркалари, китоблар, видеокассеталар, DVD-дисклар кабиларни алмаштириш таклифи билдирилган бўлиши мумкин. Уларни бирлаштириб турадиган ягона нарса – уларнинг чоп этилиши учун муаллифлар таҳририятга пул тўлашади.

Қўшимча даромад ва фойда олиш учун таҳририятлар менежерлари турли ноширлик ва тижорат усусларидан кенг фойдаланишга интилишади. Жумладан, китоблар чоп этиш, газетага иловалар чиқариш фаолиятини йўлга қўядилар. Таҳририят қошида китоб ва бошқа турдаги босма маҳсулотлар тайёрлайдиган нашриёт ёки маҳсус бўлим ташкил этилиши мумкин. Албатта, бунинг учун дастлабки босқичда маълум миқдорда маблағ сарфлаш зарур бўлади.

Хар қандай вазиятда ҳам тижорат фаолияти, яъни даромад ва фойда олишга интилиш таҳририят учун асосий мақсад бўлиб қолмаслиги лозим. Бу йўналиш газетанинг молиявий базасини мустаҳкамлашнинг қўшимча воситаси бўлиб қолиши керак.

Таҳририят маркетинги

Таҳририят менежментининг асосий таркибий қисмларидан ва муваффақиятининг шартларидан бири - маркетинг ҳисобланади. Маркетинг деганда, вақтли матбуот нашрлари бозорини ўрганиб бориш, мана шу бозорда ўз нашрининг ўрнини аниқлаш, ўқувчилар аудиториясининг фикрларини ва рақобатчилар фаолиятини ўрганиш тушунилади.

Таҳририятда маркетинг фаолияти билан маҳсус мутахассислар – маркетологлар шуғулланишади. Улар фаолиятини маркетинг бўйича менежер бошқариб туради. У журналистика ва газетачиликдан хабардор, бозор иқтисодиёти талабларини яхши тушунадиган мутахассис бўлиши шарт.

Маркетологнинг биринчи ва энг муҳим вазифаси ўз таҳририяти фаолият олиб борадиган газета бозорини тадқиқ этишdir. Шунингдек, у нашр тарқатиладиган ҳудудлар, уларнинг инфратузилмаси, аҳоли сони кабилар ҳақида ҳам маълумотлар йигади. Ҳудудларнинг иқтисодий ҳолати, саноати ва қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари, молиявий тизими, колаверса, шу ҳудудда тарқатиладиган маҳаллий ва республика ОАВлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи муҳим вазифа газета ўқувчилари аудиториясини ўрганишdir. Биринчи навбатда мавжуд ўқувчиларни эмас, балки шу ҳудудда келгусида газета ўқувчилари бўлиши мумкин бўлган аудитория сони ва таркибини ўрганиш керак.

Маркетингнинг мақсадларидан яна бири рақобатчи нашрлар фаолиятини тадқиқ этиб боришdir. Бунинг учун баъзида рақобатчи нашрнинг ҳар бир сонини ўрганиб, ундаги материалларнинг мавзу ва мазмуни, дизайн, чоп этилаётган reklамалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилиб, таҳририят раҳбариятига тақдим этилади. Улар ушбу маълумотлардан рақобат кураши стратегиясини ишлаб чиқиша фойдаланишади.

Маркетинг жараёнида нашр бренд – унинг савдо белгисидан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Таҳририят маркетинги узлуксиз жараёнdir. Вақтли нашр чоп этилиб туради, маркетинг ҳам мавжуд бўлади. Молия менежери мунтазам равишда маркетологлар ишини, маркетингнинг самарасини назорат этиб туради. Мабодо у кутилган натижа бермаса, вазиятни ўнглаш учун ташкилий ва иқтисодий чоралар кўради.

Таҳририятда бизнес-режалаштириш

Таҳририятнинг молиявий сиёсати таҳририят менежментининг асоси сифатида фаолиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқиша жараёнида амалга оширилади.

Бизнес-режа маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг мақсадларини ва ташкил этилишини, уни бозорда сотиш йўлларини, ташкилот раҳбариятининг молиявий сиёсатини, фойда олиш ҳамда уни ишлатиш усуслари ва йўллари акс этган ҳужжатdir. Бозор иқтисодиёти

шароитида замонавий корхона ва ташкилотлар аниқ бизнес-режасисиз фаолият олиб бориши мумкин эмас. Бу фикр, шу жумладан, газета таҳририятига ҳам таалуқли. Ташкилотнинг барча бўлим ва бўлинмаларида ишлаб чиқариш ва молия интизомини мустаҳкамлашда бизнес-режанинг ўрни катта. У жамоани самарали бошқариш ва унинг фаолиятининг юқори натижага беришини таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Бизнес-режа таҳририятнинг бутун молиявий фаолиятини режалаштиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Уни навбатдаги молия йили (ёки иккинчи ярим йил) учун ишлаб чиқишиади. Шунингдек, у узқ муддатли ҳам бўлиши мумкин. Уни тайёрлаш таҳририятнинг молиявий менежери зиммасида бўлиб, уни муҳокама этиш ва тасдиқлашда бош менежер ҳамда бош муҳаррир иштирок этишиади. Бизнес-режада таҳририятнинг барча харажат ва даромадлари, фаолиятининг молиявий натижалари, бозор талаблари акс эттирилади. Бизнес-режа белгиланган, маълум бир меъёрларга бўйсунувчи тартибда ишлаб чиқилади. Унинг асоси типидан қатъи назар ўзгармас бўлади.

Таҳририят ижодий бўлинмалари ва уларнинг ходимлари ишини бизнес-режалаштириш тижорат бўлимларига нисбатан қийин кечиши аниқ. Бунга эришиш учун журналистларда иқтисодий фикрлаш кўнікмаларини, фаолиятга бизнес-режалаштиришни жорий этиш ва уни бажариш уларнинг манфаатларига мос келишини тушуниш маданиятини шакллантириш зарур бўлади.

Иккинчи боб Таҳририятнинг ижодий фаолияти

Оммавий ахборот воситалари ахборот тизимининг бир бўлاغи сифатида намоён бўлар экан, таҳририят жамоаси кўплаб таркибий элементлардан ташкил топган мураккаб механизмдан иборат ижтимоий тизим сифатида намоён бўлади.

Таҳририят жамоасининг асосий вазифаси маълум бир ахборотларга эҳтиёжи бўлган аудитория учун ўша ахборотларни ижтимоий аҳамиятли қилиб етказиб беришдан иборатидир.

Таҳририят жамоаси зиммасига юклangan вазифалар кўламидан келиб чиқиб, унинг таркиби ва тузилиши шакллантирилади. Таҳририятнинг тузилиши унинг ижодий ва техник бўлимларининг ўзаро боғлиқлигига кўринади, дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, таҳририятнинг тузилиши унинг ходимлари томонидан бажариладиган вазифаларига боғлиқ бўлади, ходимларнинг босқичма-босқич иш жараёнини ўз ичига олган ҳаракатларидан, уларнинг ижтимоий ва алоҳида ўзига хосликларидан таркиб топади.

Замонавий таҳририят тузилишининг илк кўринишларининг пайдо бўлиши И. Гутенберг томонидан босма станок яратилган пайтларга бориб тақалади. Ўрта асрлардаги хар бир саҳифаси кўплаб ҳаттотлар томонидан кўчириб кўпайтириладиган қўлёзма газеталардан фарқли равишда босма нашр таҳририятининг таркиби ношир (аксарият ҳолларда унинг ўзи бош муҳаррир вазифасини ҳам бажарган) ҳамда ахборотларни тўплаш ва қайта ишлашда унга ёрдам берадиган атиги бир неча ходимлардан иборат бўлган. Газетачиликнинг ривожланиши билан таҳририятлар ўртасидаги рақобат ҳам кучайиб борди. Бу эса таҳририятда фаолият юритаётган журналистлар ва бошқа ижодий ходимларнинг ихтинослашувига ҳамда улар сонини маълум миқдорда кўпайтиришга зарурат туғдирди.

Таҳририят бошқаруви таҳририятнинг муҳим таркиби бўлиб, унга бош муҳаррир ва унинг ўринbosарлари киради.

Бош муҳаррир таҳририят жамоасининг раҳбари ва унинг фаолиятининг ташкилотчиси ҳисобланади. У ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Конуни ҳамда таҳририят Низоми асосида бажаради. Бош муҳаррир лавозимига олий маълумотли, камида 5 йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Бош муҳаррир муассис томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош мухаррир қонуний ва меёрий ҳужжатларни, бошқарув материалларини, юқори органларнинг таҳририят ишига тегишли ҳужжатлари, бўйруқлари, фармонларидан хабардор бўлиши;

- Таҳририят ишига оид миллий ва хорижий фан ва техника ютуқларини билиши;
- Муаллифлар, бошқа ташкилот раҳбарлари билан шартномалар тузишни билиши;
- Нашрнинг иқтисодий асосларидан хабардор бўлиши;
- Меҳнат шартномалари асосида фаолият юритаётган ходимларга қалам ҳақини белгилаш, уларни мукофотлаш ва рағбатлантириш тартибидан хабардор бўлиши;
- Меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришни;
- Меҳнат кодексининг асосларини;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини билиши лозим.

Бош мухаррир ишда бўлмаган пайти (иш сафари, касаллик, меҳнат таътили ва ҳ.к.) унинг вазифа ва мажбуриятларини тартибга кўра белгиланган шахс бажаради. Мазкур шахс бош мухаррирнинг вазифа ва мажбуриятлари масъулиятини тўлиқ зиммасига олади.

Бош мухаррир мажбуриятлари:

- Таҳририят ишига раҳбарлик қиласи, ОАВнинг чоп этилиши тўғрисида қарор қабул қиласи ва унинг мазмунни учун жавоб беради;
- Таҳририят ходимларини ва ходим бўлмаган жамоатчиларни шартнома асосида ишга олади, жалб қиласи ҳамда меҳнат шартномаларини бекор қиласи;
- Штат жадвалини тузади, жамоа ходимларининг иш ҳақи, мукофот, устами иш ҳақи, моддий ёрдам миқдорини белгилайди;
- Таҳририят фаолиятига оид ва муассис ваколатига кирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қиласи. Информацион мазмундаги хабар, лавҳа ва бошқа ижодий материалларнинг таҳририятга вақтида етказилиши ва уларнинг газетада чоп этилиши ва порталга жойлаштирилишини назорат этади;
- Тематик ва йиллик режаларни ишлаб чиқиши ташкиллаштиради ва уларнинг ижросини назорат қиласи;
- Таҳририят ходимларининг меҳнат шартномасида кўрсатилган вазифалари ва мажбуриятларини амалга оширишларини назорат этади;
- Газета сонини нашрга тайёрлашга раҳбарлик қиласи ва босмахонага топшириш учун имзо чекади.

Таҳририят низомида бош мухаррирни сайлаш ёки тайинлаш тартиби белгилаб қўйилади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида оммавий ахборот воситалари ўртасида ахборот бозори учун курашнинг кескинлашуви аксарият ҳолларда бош мухаррир зиммасига ижодий жараёнларга раҳбарлик қилиш билан бирга, баъзи ҳолларда ҳатто бунинг ўрнига, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланиш вазифаси ҳам тушади. Бу ҳол кўпроқ аксарият йирик бўлмаган вақтли нашрларда кузатиладиган ҳолдир. Йирик вақтли нашрларда эса бош мухаррир ижодий-ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш билан чекланади. Иқтисодий ва молиявий масалаларни ечиш эса унинг тегишли ўринбосари ва унга бўйсунадиган бўлим зиммасида бўлади.

Бош мұхаррир ўринбосари таҳририят жамоасини бошқаришда ва ишини ташкил этишда бош мухаррирнинг биринчи ёрдамчиси саналади. У бош мухаррир бўлмаган пайтларда унинг вазифасини бажаради. Бошқа пайтларда эса у одатда таҳририят жамоаси фаолиятининг маълум бир йўналиши учун жавоб беради.

Одатда йирик бўлмаган, хафталик нашрларда бош мухаррирнинг битта ўринбосари бўлади. Аммо республика миқёсидаги, қундалик газеталарда бош мухаррирнинг 2-3 нафар, ҳатто ундан ҳам кўп ўринбосарлари бўлиши мумкин. Масалан “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталарининг қўшма таҳририятида бош мухаррирнинг тўрт нафар ўринбосари бор. Булар - “Маърифат” газетаси бўйича, “Учитель Узбекистана” газетаси бўйича, хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлар.

Таҳририятнинг ижро бўлимига ижодий бўлим мухаррirlари, мухбирлар (маҳсус ва ўз мухбирлари) киради.

Мухаррир бўлим фаолиятини бошқаради. Унинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ишини ташкиллаштиради. Кўл остидаги мухбирлар фаолиятини назорат қиласди. Таҳририятга муаллифлардан келаётган хатларни қайта ишлайди. Таҳририятнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда ўз бўлимининг мавзуси доирасида маҳсус ва ўз мухбирларига топшириқлар беради. Газетада ёритилиши лозим бўлган ва сонга тайёрланган материалларни таҳrir қиласди.

Шарҳловчи мутахассислар тоифасига киради. Шарҳловчи лавозимига “Журналистика” мутахассислиги бўйича тажрибага эга камида 4 йил иш стажига эга шахслар ишга қабул қилинади.

Шарҳловчи қуидагиларни билиши лозим:

- ОАВ ларга оид барча қонунларни;
- материалларни нашрга тайёрлашни;
- таҳrir қилишни;
- журналист фаолиятининг касбий этикасини;
- журналистик фаолиятда фойдаланиладиган оргтехникани ишлатишни;
- меҳнат қонунчилигининг асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатидан хабардор бўлиши лозим.
- Мажбуриятлари:
- доимий равишда давлат органлари, маҳаллалар ва бошқа ОАВлар билан мулоқотда бўлади;
- таҳriриятни умумлаштирувчи ахборот билан таъминлайди, янги қабул қилинган ва мавжуд қонунларни шарҳлайди;
- газета ва порталда эълон қилиш учун таҳлилий, умумлаштирувчи материалларни мавзуга тааллуқли ҳужжатлар асосида ҳамда ўз фикрини берган ҳолда тайёрлайди;
- воқеаларни шарҳлайди, ахборотлардаги маълумотларнинг тўғрилигини назорат қиласди;
- иқтибосларнинг тўғрилигини текширади;
- таҳriриятнинг истиқболли ва жорий режаларини ишлаб чиқиша қатнашади;
- янги мавзуларни ёритиш борасида таклифларни ишлаб чиқади, йиғади ва умумлаштиради;
- таҳriрият топшириғига биноан ахборот йиғади ва уларни портал, газетада эълон қилишга тайёрлайди.

Махсус мухбир ижодий бўлимларга бўйсунмаган ҳолда фаолият олиб боради ва бош мухаррир, унинг ўринбосари ёки масъул котибнинг махсус топшириқларини бажаради. Таҳлилий-публицистик мақолалар тайёрлайди, журналист суриштирувларини олиб боради. **Таҳriриятнинг ўз мухбири** таҳriрият манфаатларини ҳудудда ҳимоя қиласди ва ўзига тегишли ҳудуддан журналистиканинг барча жанрларини кўллаган ҳолда материал тайёрлайди. Ўз мухбир мамлакатнинг бирор бир вилоятида таҳriриятнинг вакили сифатида фаолият юритади ва газетанинг ҳар бир сонида ана шу ҳудудда содир бўлган воқеа-ходисаларни ёритиб боради.

Мухбир ўзига бириктирилган ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, майший хабар ва янгиликларни тезкорлик, холислик билан **ёритади ва газета саҳифаларига мос тарзда ёзади**.

Мухбирнинг асосий вазифалари ва мажбуриятлари:

- Жойлардан жўнатилган хабар ва янгиликларда келтирилган фактларнинг тўғрилигига жавоб беради;
- мухбир ўз ҳудуди тасарруфидаги обьектларда ўтказилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча тадбирларни ўз вақтида ёритиши лозим;
- таҳriриятга муаллифлардан келаётган хатларни қайta ишлайди;
- газетага сифатли, журналистика жанрларидан унумли фойдаланган ҳолда ранг-баранг таҳлилий материаллар ёзади;
- жойларда касбий ахлоқ меъёрини бузмаслиги, ўз имиджини, мавқеини саклаши ва ахборот узатишида ўта тезкор бўлиши даркор.

Учинчи боб Котибият фаолияти

Тахририят котибияти газета фаолиятини кундалик тезкор бошқарып бориш вазифасини бажаради. Котибиятнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборатdir:

- тахририят фаолиятини режалаштириш;
- газетанинг ҳар бир сонини нашрға тайёрлаш;
- маҳсус ва ҳудудий (ўз) муҳбирлар фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- тахририятнинг техник бўлим ва бўлинмалари ишига бошчилик қилиш;
- бўлимларнинг ижодий иш жараёнларини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

Котибиятни бежизга “тахририятнинг юраги” деб аташмайди. Чунки газетанинг ҳар бир сонини нашрға тайёрлашни режалаштириш ва тайёрлаш, ижодий гурух ва бўлимларнинг фаолиятини назорат қилиш асносида тахририят бошқаруви ҳамда иш юритишдаги барча воситалар айнан котибият зиммасида бўлади. Айнан котибиятда газетанинг янги сони макетлаштирилади, саҳифаларга жойлаштириладиган мақола, хабар, сурат ва бошқа материаллар танланади, заруратга қараб улар алмаштирилади, қисқартириш киритилади, бошқа саҳифаларга ўтказилади ва ҳоказо. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, котибиятда журналистик фаолиятнинг барча турлари бир жойга жамланган бўлади. Масъул котиб (ирик нашрларда унинг ўринбосари лавозими ҳам бўлади) тахририятдаги энг малакали ва тажрибали журналист хисобланади. У бадиий тахрирни, газетани макетлаштириш, безаш ва саҳифалаш техникасини, газета полиграфиясига оид билимларни, газета сонини нашрға тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ барча жараёнларни мұжкаммал билади. Газета қанча ирик, яъни саҳифалари кўп, формати эса катта, кундалик ёки ҳафтасига бир неча марта нашр этиладиган бўлса, котибиятда шунга яраша кўп одам ишлайди. Бошқа газеталарда ва журналларда эса масъул котиб юқоридаги ишларнинг барчасини бажаради.

Даврий нашр ва жамоа ишини моделлаштириш, режалаштириш, газета сонини тайёрлаш ва уни босмадан чиқариш жараёнига раҳбарлик қилиш котибият вазифасига киради.

Шунингдек, котибият барча ижодий бўлимлар фаолиятини назорат қиласи. Котибиятни масъул котиб бошқаради. Унинг тасаррӯфига барча техник ходимлар - мусахҳих, саҳифаловчи-дизайнер, компьютер тизимининг маъмури ҳам киради.

Масъул котиб лавозимига камида 3-4 йиллик иш стажига эга бўлган журналистлар ёки матбаачилик бўйича мутахассислар тайинланади. Тахририят масъул котиби қуидагилардан боҳабар бўлиши шарт:

- ОАВ тўғрисидаги қонунлар ва матбуотга тегишли бўлган барча меъёрий ҳужжатлар;
- ахборот ишлаш хусусиятлари;
- муаллифлик хуқуки асослари;
- муаллифлар билан шартномалар тузиш;
- материалларни чоп этишга тайёрлаш;
- нашрнинг бадиий-техник жиҳози асослари ва тахрир қилиш услублари;
- газета чиқариш жараёнидаги стандартлар, техник вазифалар ва шартлар, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар;
- замонавий техник воситалардан фойдаланиб, ахборотни қайта ишлаш услублари;
- меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштириш асослари;
- меҳнат қонунчилиги асослари;
- меҳнатни муҳофаза қилиш, техник хавфсизлик, ишлаб чиқариш тартиби ва ёнгиндан сақланиш.

Лавозим мажбуриятлари

Масъул котиб тахририят ишини режалаштириш, газета чиқариш жараёнини сифатли материаллар тайёрлаб ўз вақтида чоп этишни назорат қиласи;

- материалларни саралаб, сахифаларга ва рукиларга ажратади, тайёр ҳолатдаги материалларни сахифаловчига топширади;
- газетанинг барча бўлимлари томонидан режалаштирилган материалларни кечикмай сифатли ҳолатда топширилишига бошчилик қиласди ва назорат қилиб боради;
- газетанинг оригинал макетини тайёрлашга бошчилик қиласди;
- оригинал материаллар устида ишлаш, бўлим бошликлари (мухбирлар) билан газетанинг келгуси сонини тайёрлайди;
- газетага реклама ва эълонлар жойлаштириш, уларнинг матнларини тайёрлашга бошчилик қиласди;
- таҳририят ходимлари учун касбий ўқув-амалий машғулотларини ташкиллаштиради;
- газета сонининг сифатли чиқишини таъминлайди, муаллифларга қалам ҳақини ёзади³¹.

Мусахҳих таҳририятда техник ходимлар сирасига киради. Мусахҳих лавозимига олий маълумотга эга бўлган мутахассис тайнланади.

Мусахҳих билиши керак бўлган жиҳатлар:

- таҳририят иш асослари;
- корректура белгилари қўйилган ҳолда қўлёзмаларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш;
- ўзбек тилининг грамматика ва стилистикасини пухта билиш;
- қўлёзмаларни ўқиш ва хатоларни тузатиш техникаси;
- теришнинг техник қоидалари;
- терминология бўйича давлат стандартларига амал қилиш;
- матнни муаллиф иштирокида қисқартириш;
- босмахонадаги ишлаб чиқариш технологияси асослари;
- меҳнат ва бошқарув меҳнат ва иқтисодий асослари;
- Меҳнат қонунчилиги асослари;
- Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва нормалари.

Мусахҳих таҳририятдаги масъул котибга ҳисобот беради. Мусахҳих ишга келмай қолса ёки бирор узрли сабаб бўлса унинг вазифасини бажариш учун масъул тайнланади³².

Лавозим мажбуриятлари

- Тахир қилинган қўлёзмаларни ўқиб чиқиб, матннаги ғализ жумлаларни ва белгиларни, орфографик хатоларни тузатиш, техник қоидаларга риоя қилиш, сарлавҳа ва материалларни оригинал билан солишириш;
- Муаллифлар билан стилистик хатоларни бартараф этиш;
- Жадвал, сноска, рўйхатлар, факт ва рақамлар, атамаларнинг тўғрилигини қайтадан текшириш;
- Ҳарф терувчига турли белгилардаги хатоликларни тўғрилаш бўйича кўрсатма бериш;
- Газета сонининг орфографик ва стилистик хатоларсиз чиқишига масъулдир.

Сахифаловчи-дизайнер

Сахифаловчи:

- босмахона ишлаб чиқариш технологиялари ва асосларини билиши;
- газета дизайнини тушуниши, оригинал материалларни жойлаштириши, хатоларни тузатиши, мавжуд шрифтларни қўллаши;
- компьютер терминологиясини билиши;
- оригинал-макет тайёрлаш қоидалари;
- сахифаларга фотосуратларни жойлаштириш, коллаж қилиш;
- компьютер алоқаларини ўрнатиши;
- тайёр бўлган сахифаларни босмахонага топшириш ва газета чоп этилгунга қадар назорат қилиб бориши керак³³.

³¹ “Region Inform” ахборот хизматининг лавозим мажбуриятлари. 28.07. 2007 й.

³² Ўша ерда.

Котибиятнинг бевосита раҳбарлиги остида таҳририятдаги барча режалаштириш ишлари, улар хоҳ узоқ муддатли, хоҳ навбатдаги сонга тааллуқли бўлсин, амалга оширилади. Матнларнинг сифати, материалларнинг ўз вақтида топширилиши назорат қилиб борилади. Айтиш мумкинки, котибият таҳририятда иловалар бўлимини ташкил этади ва бошқаради. Яъни суратчиларга ва безакчи рассомларга зарур суратлар ва расмларга буюртма беради, эҳтиёждан келиб чиқиб суратлар, расмлар ва нашни бадий безашда қўллаш мумкин бўлган бошқа воситаларни танлаб олади. Котибият газета сонининг вақтида макетлаштирилиши ва саҳифаланишини, босмахонага белгиланган муддатда топширилишини таъминлайди. Таҳририят таркибидаги барча техник бўлим ва бўлинмалар – машинкада (компьютерда) нусха кўчириш бўлими, мусаххихлар, назорат бўлими, архив котибиятга бўйсунади.

Булардан ташқари, котибият таҳририятдаги ижодий жараёнларга ҳам бошчилик қиласди. Ходимларнинг билим, малака ва кўникмаларини оширишга хизмат қилувчи ижодий йиғилишларни ташкил этади. Маълум бир журналистларнинг ўз меҳнат фаолиятининг маълум бир даврига оид ҳисоботларини тинглашни йўлга кўяди ва уюштиради. Таҳририят ходимлари ва ҳамкор журналистлар ўртасида ижодий танлов ва конкурслар ўтказади. Бутун таҳририят ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан котибиятда ишлар қандай йўлга кўйилганига, унинг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Газета саҳифаси бир бутун ҳолатда кўз олдимиизда намоён бўлиши учун унинг макети, яъни саҳифаларнинг график режаси тушиб олинади. Мазкур режада саҳифада материаллар, суратлар ва бошқа иловалар қандай жойлашиши, сарлавҳаларнинг ўрни ва ҳажми, бадий безакнинг барча майда деталлари ўз аксини топади. Макетлаштиришдан максад – матнлар, суратлар ҳамда бошқа иловаларни саҳифаларга чиройли тарзда, ўкувчилар ўзларини қизиктирган материалларни топишлари осон қилиб жойлаштиришдан иборат.

График макет саҳифа ҳажмидаги қофоз ёки ана шу қофознинг компьютер экранидаги акси кўринишида бўлади. Саҳифадаги тик чизиқлар билан ҳар бир мақола неча устундан иборат бўлиши белгиланади. Горизонталь чизиқлар эса маълум шрифтда ёзилган матннинг ҳар ўн сатрини англатади. Яъни саҳифадаги иккита горизонталь чизиқ орасига 10 сатрли материал жойлашади. Бу нарса котибият аъзоларига саҳифада тайёр материаллар ва суратларни жойлаштиришни осонлаштиради. Газетанинг бир саҳифасида устунлар сони ҳар хил бўлиши мумкин. А-2 форматли йирик газеталарда (бунга “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Хуррият” кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин) уларнинг сони 6 тадан 8 тагача боради. А-3 форматли газеталарда эса (“Маърифат”, “Оила ва жамият”, “Жамият”, “Region.uz” ва бошқалар) 4 тадан 6 тагачани ташкил этади. Бугунги кунда кенг тарқалган А-4 форматли газеталар (булар сирасига “Даракчи”, “Бекажон”, “Хордик”, “Эрудит” кабилар киради) одатда устунлар сони 3-4 та бўлади.

Агар газетада аниқ, идрок қилинган саҳифа боғланиши бўлмаса, яхши сарлавҳа ва ёнлавҳалар бўлмаса, фотосуратлар, бошқа тасвирий воситалар етишмаса, мақолалар қанчалик яхши ёзилмасин, мавзулар долзарб ва қизиқарли бўлмасин, ўз аҳамиятини йўқотади, газета материаллари пайқалмайди, ўқилмай қолиб кетиши мумкин.

Газетани қўлга олган газетхон материаллар ва суратларни пала-партиш, идрок қилинмай жойланисига кўзи тушса, чизгиларда назарга илинадиган нарсаларни илғамаса, газетани ўқимай ташлаб кўйиши аниқ. Ўкувчи газетадан унга қизиқарли ва керакли бўлган нарсани тез, қийналмай топа олиши керак. Бу борада макет унга ёрдам бериши, материаллар ва суратлар орасида уйғунлик бўлишини таъминлаши керак.

Газета макети уч йўналишга йўналтирилган бўлиши лозим:

- газетхон дикқатини тортиш;
- ушбу газетанинг ўзигагина хос бўлган график қиёфага эга бўлиш;
- ўкувчини газета мазмунига йўналтириш ва унга муҳим хабарларни ажратиб олишга ёрдам бериш.

³³ “Region Inform” ахборот хизматининг лавозим мажбуриятлари. 28.07. 2007 й.

Газетадаги барча унсурларнинг мантиққа мос тарзда жой-жойида бўлиши унинг ўқишли бўлишини таъминлайди. Турли тадқиқотлар натижаси, нашрларни ва ўқувчилар одатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, газетхоннинг газетани ўқишида давом этишига сабаб бўладиган нарсалар макетдадир. Хусусан:

- сарлавҳа;
- суратлар;
- ингресс/киритма;
- ёнлавҳали матнлар.

Газетани қўлга олганда, биринчи бўлиб сарлавҳа кўзга ташланади. Ўқувчининг дикқатини тортадиган энг ёрқин ишора ҳам айнан сарлавҳадир. Сарлавҳани ўқибоқ, дарров матннинг йўлдоши – суратга эътибор берамиз. Айнан шунинг учун ҳам материалнинг сарлавҳаси билан сурат уйғунлиги ўта зарур. Инсонлар акс эттирилган суратлар табиат ва жонсиз нарсалар суратларидан кўра кўпроқ ўқувчилар дикқатини ўзига тортиши исботланган.

Суратдаги инсоннинг кўзи тасвирнинг ўзига хос бир марказидир.

Сарлавҳа матн билан сурат орасидаги боғловчи бир восита бўлиб хизмат қилиши керак.

Масалан, “Жамоани кутқариб қолди” сарлавҳаси остида футбол бўйича жамоа дарвозабонининг суратини жойлаштириш мумкин. Ўйин қаҳрамонига айланган дарвозабон сурати остидаги матн эса хабарни янада тўлдиради.

Сарлавҳа ва суратдан сўнг газетхоннинг эътибори мақоланинг “киритма” деб аталувчи қисмига тушади. Одатда, киритма матни анча йирик ва қалин, газетачилар тили билан айтганда, “семиз” ҳарфлар билан терилади. Киритма қисқа ва лўнда тарзда мақоланинг мазмуни билан таниширади. Киритма материалга қизиқиш уйғотиш билан бирга, нега уни тўлиқ ўқиб чиқиши кераклигини ҳам асослаб бериши лозим.

Босишига топширишда аввало, сарлавҳа – сурат – сурат имзоси – киритма-матн занжирига бир йўла кўз югуртириб чиқиб, ҳаммаси жой-жойида эканига ишонч ҳосил қилиш керак. Баъзан узундан-узоқ, ёнлавҳалар билан ажратиб чиқилмаган мақолалар матни ўқувчи ғашини келтиради. Газетачиликда шундай бир қоида бор: матн қанча узун бўлса, ўқувчининг уни ўқиши истаги шунча камаяди. Шунинг учун ҳам мақолани бўлиб ташлаш керак, масалан, асосий матн ва фактлар устунига. Агар мақолада интервьюдан ҳам фойдаланилган бўлса, унда уни алоҳида қилиб бериш мумкин. Матнни бўлиб беришнинг энг яхши йўли: ёнлавҳалардан фойдаланиш, чиройли ва мазмунли кичик киритмаларни қалин ҳарфлар билан ажратиб кўрсатиш, чизиқлар билан чегаралаб олишдир.

Агар газета саҳифаси макетлаштирилаётганда, унда реклама ҳам жойлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, таҳририят материали, яъни мақола ва хабарларни чап юқори бурчакдан бошлаш лозим. Рекламани эса ўнгдаги куйи бурчакдан жойлаштирган маъкул. Шунда реклама материал матнини бўлиб кўйиб, газетхонни чалғитмайди.

Мақолага тааллуқли суратни, расмли ва фотосуратли реклама билан ёнма-ён бериш ҳам ярамайди. Ўқувчига бу йиғилма бир хилдаги нарса бўлиб кўринади ва идрок қилиши қийинлашади. Бундай ҳолатда ўқувчининг саҳифадаги материалнинг қай бири мақола-ю, қайсиниси реклама эканини фарқлаши мушкуллашади.

Эълонларнинг ҳарфлари, макети ва дизайни ўқувчига «Мен мақола эмасман, пули тўланган билдиришман», деб ажralиб туриши керак. Бундай йўл тутиш газетанинг ўқувчиси реклама қаерда-ю, мақолалар қаердалигини ажрата олишига йўл кўрсатади.

Куйида газета дизайнни билан боғлиқ бўлган ҳамда муҳаррирлар ва котибият ходимлари билиши зарур хисобланган асосий элементлардан айримларини³⁴ келтириб ўтамиш.

Газетани безашда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Сарлавҳанинг мазмуни, ифодаланган маъно уни жойлаштиришдан ва қандай ҳарфларни кўллашдан кўра муҳимроқдир. Шу боис аввал яхши сарлавҳа қўйиб олиб, ундан кейин уни безаш ва қандай ҳарфларда беришни ўйлаш керак.
2. Ҳарфларни жуда сиқиб ёки аксинча жуда ҳам кенг-мўл қилиб ёйиб берманг. Улар бекорга маълум қолипларга солиб ишлаб чиқилмаганлиги ёдингизда бўлсин.

³⁴ Мишель А. Картер. Почему следует задуматься о хорошем дизайне газет? Киев. 1996. 69 стр.

3. Фотосуратларга тагсүз ёзишда майда ва алоҳида ажралиб турадиган ҳарфларни қўллашдан қочиш керак.
4. Ахборот характеридаги материаллар жойлаштирилган саҳифаларда қўлланилаётган ҳарфларнинг тури ва шакли 2-3 хилдан ошмагани маъқул. Йўқса, ёнма-ён жойлаштирилган мақола ва рекламаларни ажратиб олиш мушкул бўлади.
5. Кўнгилочар мақолалар бериладиган саҳифалар учун ҳам бир неча гурух ҳарфлар танланса, кифоя. Агар хорижнинг машҳур газеталарини кузатадиган бўлсақ, уларнинг ютуғи жуда ўрнида танлаб берилган суратларда, иловаларда, график безакда, кўзга ярқ этиб ташланиб турадиган ва ўкувчини ўзига жалб этадиган сарлавҳаларда эканини кўриш мумкин.

Газета дизайнига қўйиладиган талаблар

Саҳифадаги безакларнинг бирортаси сабабсиз шунчаки ишлатилмаслиги лозим. Ортиқча суратлар, кераксиз сўзлар, ноўрин ишлатилган чизиқлар, нотўғри қолдирилган бўш жой ҳам безакка птурт өтказиши мумкин. Мабодо безакда қўлланилган бирор бир элемент ўзида ҳеч қандай маълумот ташимаётган, мақолаларнинг мазмунини очиб бермаётган бўлса, улардан воз кечган маъқул.

Ранг ва ҳарфлардан меъёрида фойдаланиш саҳифанинг асосий элементлари бўлмиш суратлар, иловалар, график безакларни кўзга ташланувчан бўлишини таъминлаш имконини беради. Чунки айнан мана шу элементлар газетани бир қарашдаёқ кўзга ташланувчан бўлишига хизмат қиласи. Агар асосий эътибор уларга қаратилса, ортиқча безакдорликка берилиш эҳтиёжи ўз-ўзидан йўқолади.

Баъзи-баъзида газетанинг дизайнинг ўзгартириш киритиб, ўкувчиларни лол қолдириш мумкин, аммо бу жараён доимо назорат остида бўлиши лозим. Янгилликка интилиш билан доимилик ўртасидаги меъёрни унутмаслик керак. Ҳар бир сонда ва ҳар бир саҳифада газетхонларни янгича дизайн билан қойил қолдиришга уриниш ярамайди. Бу ўринда америкалик журналист ва ношир Рон Ризоннинг тавсиялари газетани кўркам ва ўқишли қилишда кўл келиши мумкин³⁵.

Газетада ранг танлашда (саҳифалари рангли газеталар учун) эътибор қаратиш учун лозим бўлган жиҳатлар:

1. Ранг мақола ва иловаларга ўкувчи диққатини жалб этишга ёрдам бериши ҳам, аксинча унинг ғашига тегиши ҳам мумкин.
2. Ҳар бир рангнинг ўз вазифаси ва ташийдиган юки бўлади. У ишлатилаётган материал контекстига қараб ўзгартирилиши мумкин. Масалан, қизил ранг қандай мақолани безашда ишлатилаётганига қараб, муҳаббатни ёки аксинча ғамни англатиши мумкин. Шу боис саҳифани безашда ранг танлашга жиддий ёндашиш лозим.
3. Маълум бир ранглар ҳарфлар жамланмаси ёки саҳифа макети каби газета дизайнининг ажралмас қисмига айланниб қолиши лозим. Ҳарфлар ва дизайн тез-тез ўзгартирилмагани каби ранглар ҳам доимий бўлгани маъқул.

Дизайн тушунчаси газета қиёфаси тушунчасидан кўра кенгрокдир. Хориж матбуотини таҳлил этиш жараёнида шу нарса маълум бўлди³⁶, газетанинг стратегияси ва формати унинг дизайннида акс этади. Мисол учун Қирғизистоннинг “Лица” газетасини олайлик. Газетанинг номидан келиб чиқкан холда фотосуратлар айнан турли ҳолатлардаги қиёфалар акс этган. Ҳар бир газета ўзининг доимий компонентларига эга бўлади. Булар газета сонининг ўзига хос элементлари, унинг суратлар билан безатилганлиги, ранги, сарлавҳаларнинг моҳияти ва шрифти. Юқорида номи тилга олинган газета мустакил

³⁵ Рон Ризон. Советы редакторам по дизайну газет. // NewsДизайн.ru. 28.09.2006 г.

³⁶ “Wasihington Post” (АҚШ), “Le Figaro” (Франция), “Дейли таймс” (Хиндистон), “Лица” (Кирғизистон), “Аргументы и факты”, “Коммерсант”, “Новые известия” (Россия), “La Tribune” (Франция), “General-Anzeiger” (Германия)

ахборот-таҳлилий нашр бўлганлиги сабабли, ва асосан, ҳукумат аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини берганлиги боис ҳам шрифтлар анча жиддийдир. Хориж матбуоти дизайннида бир неча хил вёрстка турлари ишлатилади. Биринчиси – тўғри ва синик вёрсткадир. Тўғри вёрсткада материаллар тўғри бурчак шаклида берилади. Улар ё энига ёки бўйига кенгайган бўлиши мумкин. Бундай вёрсткалар асосан фақатгина информацион жанрларга ихтисослашган газеталарда кўп учрайди. Масалан, Россиянинг “Аргументы и факты”, Франциянинг “La Tribune” газеталари бунга мисол бўла олади. Бундай вёрсткада материални топиш ва ўқиш осондир. Иккинчи турдаги вёрстка — синик вёрстка деб аталади. Бундай ҳолатлар материаллар турли шаклларда жойлаштирилиши, улар кўп қиррали шаклда бўлиши мумкин. Албатта, бу тур ўқувчини визуал жиҳатидан жалб этади. Аммо бирор бир материални топиб ўқиш ва ҳаттоқи газета сонини кўздан кечириш жараёнида ўқувчини чарчатади. Аммо бундай вёрсткани аксарият хориж матбуотида журнallарда қўлланилиб, газеталарда у кўпинча реклама материалларида фойдаланилади. Албатта, газета дизайнни аввало шрифтни тўғри танлашдан бошланади. Масалан, Германиянинг Бонн шаҳрида чоп этиладиган “General-Anzeiger” ижтимоий-сиёсий газетаси ўз дизайнни фақат катта-кичик ҳажмдаги “Франклин готик деми го” шрифтини ишлатади. Бу эса газетанинг ўзига хос имижини яратади. Айнан шу шрифтга ўрганган ўқувчи газетани минглаб нашрлардан осонгина ажратиб олади. Яна бир масала, материалларда ишлатилган бир шрифт рекламада ишлатилмайди. Юкорида номи зикр этилган газетадан ташқари, Франциянинг “Le Figaro” ва АҚШнинг “Washington Post” газеталарида ҳам дизайннинг айнан шу турини қўлланилишини таъкидлаш лозим.

Хориж матбуотида аксарият сарлавҳа ва суратларнинг биз ўрганмаган даражада йирик ҳарфлар ва ҳажмларда берилишини кўриш мумкин. Бунга Россиянинг “Коммерсант”, “Новые известия”, Хиндистоннинг “Дейли таймс” ва бошқа нашрларни мисол келтириш мумкин. Суратларнинг, сарлавҳаларнинг ён атрофида, тагида бўш жой, газетачилар тили билан айтганда «воздух» қолиши ҳам уларда табиий қабул қилинади. Бизнинг нашрларимизнинг аксариятида суратлар деярли бир хил ҳажмда, сарлавҳалар маълум қолипларга солинган бўлади. «Воздух»ни эса яна бир сатр жумла, бирорта кичикроқ хабар ёки сурат билан тўлдириб ташлашга ҳаракат қиласиз. Ўзимизнинг “XXI аср” газетаси дизайннида маълум даражада янгиликка, хорижнинг ижтимоий-сиёсий нашрларига хос бўлган қиёфага киришни интилишни кўришимиз мумкин.

Сарлавҳа ва руқнларнинг аҳамияти

Газета сарлавҳаларининг турлари. Сарлавҳа – журналистик материалнинг жуда ҳам қисқа инъикоси, унинг юзиdir. Сарлавҳалар мазмунига кўра газетада қўлланиладиган жанрларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Улар қанчалик қисқа, аниқ, ёрқинроқ бўлса кўпроқ самара беради. Масалан: янгилик ёки хабарларга қўйиладиган сарлавҳалар мақолага тўғри келмаслиги, фельветоннинг сарлавҳаси очеркка мос тушмаслиги мумкин. Сарлавҳалар мазмун-моҳиятига кўра, асосий “шапка”, руқн, асосий сарлавҳа ва тагсарлавҳадан иборат бўлади.

Газета саҳифаларидағи материалларнинг умумий мазмунини акс этувчи сарлавҳа “шапка” деб аталади. У саҳифанинг юқори қисмига жойлаштирилади. Масалан, “Region.uz” газетасида “шапка”лар вилоятларнинг номи бўлса, “Туркистан” газетасида бу “Олтин фасл”, “Маънавият”, “Ҳаракат фаолияти”, “Халқ сўзи”да “Ижтимоий ҳаёт”, “Кўзгу” ва ҳоказолардир.

Сарлавҳалар ўқувчига журналистик материал билан тезроқ танишувини таъминлаб беради. Газета амалиётида нотўғри қўлланилган сарлавҳалар натижасида бирор бир нашрнинг ўқувчилар аудиторияси кескин камайганлигини қайд этиш мумкин. Сарлавҳанинг асосий вазифаси ўқувчи эътиборини жалб этиш. Ёркин, ўзига хос сарлавҳалар эса материалнинг ўқишлилигини таъминлайди ва ўзига хос муштарийга ташланган қармоқ вазифасини ҳам ўтайди.

В.Г.Короленко “Сарлавҳа қайсиdir маънода мазмун ҳақида тушунча бермоғи керак” деган эди³⁷. Шунинг учун ҳам материални газетанинг навбатдаги сонига тайёрлашда муаллиф томондан мақола ёки хабарга қўйилган сарлавҳа бир неча маротаба ўзгартирилади. Айрим журналистлар аввал сарлавҳа топиб, сўнг матнни ёзишга киришсалар, бошқалар эса матнни ёзib бўлгач, унга сарлавҳа излайдилар.

Таҳлилий, танқидий ва илмий мақолалар берилишида кўпинча кичик тагсарлавҳалар ишлатилади. Тагсарлавҳа материални бир неча бўлимларга бўлиш имконини беради ва ҳар бир бўлим мустақил, аммо бир-бири билан мантиқий равишда боғлиқ матндан иборат бўлади.

Масалан,

Шапка - “Хуқуқ оламида”

Руқн - “Жиноят ва жазо”

Сарлавҳа – Марк Вайл «ташрифи»

Тагсарлавҳа – “Илҳом” театри фаолиятини бошлади

Сўнгги йилларда ҳалқаро журналистикада айнан жанр хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда сарлавҳалар ишлатилмоқда. Бу ерда сарлавҳаларни тўртга бўлиш мумкин. Бу сарлавҳа-ахборот, сарлавҳа-иқтибосларни мазмунга хос ўзгартирилиши, сарлавҳа-иқтибос ва сарлавҳа-мурожаатдир. Айнан шу руҳдаги сарлавҳаларнинг ишлатилиши материалнинг ўқишилигини оширмоқда.

Сарлавҳа-ахборот ўқувчига материалда нима ҳақида гап бораётганлигини олдиндан билдиради. Масалан, “Фарғона-Урумчи” - янги ҳаво йўналиши.

www.region.uz сайтида берилган ушбу хабар сарлавҳасининг ўзи водий ахолиси учун яна бир қулайлик яратилиб, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” томонидан Фарғона вилоятида янги ҳаво йўналиши очилганидан дарак беради. Бу сарлавҳа остида бирор бир янгилик берилишининг энг оддий усилидир.

Сарлавҳа-иқтибосларни мазмунга хос ўзгартирилиши:

Мазкур сарлавҳа қўйиш усулида кўп ҳолларда муаллифлар бирор бир иқтибосни олиб, ўзгартиришади. Масалан, «Region.uz» газетасининг 13.09.2007 йил 3-сонида берилган мақоланинг «Иш керакми? Муаммосиз...» сарлавҳаси “Экосан” лотореяси reklamasiida “Пул керакми? Муаммосиз...” деган иборасининг ўзгартирилганидир.

Сарлавҳа-иқтибосда асосан мақола қаҳрамонининг сўзлари сарлавҳага олиб чиқилади.

Масалан, “Ватанпарвар” газетасининг 15.09.2007 йилги сонида “Турсунали ҚўЗИЕВ: ватанпарварлик сўзда эмас, ишда кўринади”. Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг раиси Т.Қўзиевнинг ватанпарварлик хусусида айтган гаплари муаллиф томонидан мақола сарлавҳасига олиб чиқилган.

Сарлавҳа-мурожаат: “Доимо эзгуликка интилинг”, “Нон ризқ-рўзимиз, уни асранг!”

Бундай руҳдаги сарлавҳалар бирор бир мақсадга давъат этади, ундаиди, тарғибот-ташвиқот ишларида қўлланилади.

Руқн – умумлашган сарлавҳадир. XIX аср бошларида газеталардаги матнлар сарлавҳасиз берилар эди. Ҳар бир хабарнинг бошида хабар жўнатилган шаҳарнинг номи, таҳририятга келган вақти кўрсатиларди, холос. Илк маротаба хабарларга сарлавҳалар биринчи бетда, уларга анонс шаклида берила бошлади. Кейинчалик бу сарлавҳалар умумий тарзда муҳим хабарларнинг устига ҳам ёзила бошланди. Ҳозир барча журналистик материаллар, ҳаттоқи фотосуратлар ҳам сарлавҳа билан берилади. Кўп ҳолларда сарлавҳа устига руқн - умумий сарлавҳа ҳам қўйилади. Руқнлар жуда ҳам қисқа бўлиб, материалнинг умумий мазмунини ўзида акс эттиради.

Ҳалқаро журналистикада руқн ва сарлавҳага қўйидаги талаблар қўйилади:

- материал мазмуни акс этиши;
- ўқувчининг диққат-эътиборини жалб этиши;
- қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши;
- содда тилда ёзилиши (албатта, бундан илмий матнлар мустасно).

³⁷ Гуревич С.М. Номер газеты. М., 2002

Руқн ва сарлавҳаларни безаш вақтида жуда ҳам ўйноки шрифтлар ва ёрқин ранглардан қочиш лозим. Уларни сатирик жанрлар ва тарихий материалларга ишлатиш мумкин. Шунда ҳам улар бир қарашда ўқувчи томонидан ўқилиши лозим. Акс ҳолларда тушунарсиз сарлавҳалар кўп ҳолларда муштарий дикқатидан четда қолади ва материалнинг эътиборсиз қолишига олиб келади.

Сахифадаги ҳар бир руқн ва сарлавҳанинг турли рангларда берилиши эса бир қарашда рангларнинг чаплашиб кетишига олиб келади, натижада журналистик материаллар эътибордан четда қолади.

Сарлавҳа ва руқнни топиш йўллари

Сарлавҳа ва руқнларни топиш ҳар бир журналистнинг ўз иш услубидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Баъзи бир таҳририятлар қизиқ сарлавҳа ёки руқн топган ходимларини моддий рағбатлантириш орқали бу борада самарадорликка эришадилар.

Халқаро журналистика амалиётида руқн ва сарлавҳаларни топиш йўллари бир нечта. Булар:

- матн ёзиб бўлингач, унинг ичидан бирор бир сўз ёки жумла танлаб олинади;
- матнга мос сарлавҳа ёки руқнга буюк мутафаккирларнинг сўзлари, халқ мақоллари, афоризмлар ишлатилади;
- энциклопедия, турли хил луғатлардан фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Галкин С.И. Оформление газеты и журнала: от элемента к системе М., 1984.
2. Гуревич С.М. Номер газеты. М., 2002.
3. Дизайн периодических изданий /Под ред. Э.А.Лазаревич. М., 2000.
4. Оформление периодических изданий /Под ред. А.П.Киселева. М., 1988.
5. Табашников И.Н. Газета и дизайн. Тюмень, 1994. Мишель А. Картер. — Почему следует задуматься о хорошем дизайне газет? Киев. 1996.
6. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. – М.: Прогресс, 2000.
7. Деннис Э., Мэррил Д. Беседы о масс-медиа. – М., 1998.
8. Словарь-справочник: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. Т.: Зар калам, 2003.